


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАДАНИЯТШУНОСЛИК

фанидан ўқув-услубий мажмуа



Кенжаев Ш. «Маданиятшунослик» фанидан кундузги таълим йўналиши талабалари учун ўқув-услубий мажмуа. Гулистон-2014 йил. 78 бет.

**КЕНЖАЕВ Ш. "МАДАНИЯТШУНОСЛИК" ФАНИДАН ЎҚУВ-УСЛУБИЙ
МАЖМУА. ГУЛИСТОН - 2014. 78 БЕТ**

Ушбу ўқув-услубий мажмуа амалдаги дастур асосида тайёрланиб, унда фан бўйича муаммоли маърузалар тўплами, семинар машғулотлар ишланмалари, мустақил иш топшириқлари, тавсия этилган адабиётлар рўяхати жамланган. Муаммоли маъруза матнида замонавий педтехнология тизимига суянган ҳолда дарс мақсади ва идентив ўқув мақсадлари, мавзу бўйича кўриб чиқилиши зарур бўлган муаммолар, назорат саволлари келтирилган. Маърузалар тўпламида маънавиятнинг моҳияти, таърифи, асосий турлари, бошқа маънавий соҳалар билан алоқаси ва ҳаётдаги ўрни очиб берилган. Ҳар бир мавзу охирида фанда ечимини кутаётган илмий муаммолар келтирилган. Семинар машғулотлари ишланмасида кўриб чиқилиши лозим бўлган масалалар, мустақил топшириқларда талаба мустақил равишда ўрганиши лозим бўлган вазифалар белгилаб берилган.

Маданиятшунослик фанидан ЎУМ ГулДУ Ўқув-методик кенгашининг 2013 йил 23 июлдаги № 10-сонли йиғилиши қарори билан нашрга тавсия қилинган.

**KENJAEV SH. EDUCATIONAL – METHODOICAL COLLECTION
ON “MADANIYATSHUNOSLIK”. GULISTON - 2013. 78 PG**

This educational-methodical collection is prepared for the students of pedagogical specialized and special part time department of Gulistan State University.

It consists of working program, schedule, course of lectures, seminars, the themes of Individual work and tasks on Individual work. It is also included the list of literatures.

The intermediate questions are given at the end of the collection. This educational-methodical collection is intended for teachers and students of special part time department.

**КЕНЖАЕВ Ш. УЧЕБНО-МЕТОДИЧЕСКИЙ КОМПЛЕКС ПО
“КУЛЬТУРОЛОГИЯ”. ГУЛИСТАН – 2014. 78 СТ**

Учебно-методический комплекс по “Культурология” состоит из рабочей программа, рейтинговая разработка, критерии оценки, курс лекций, семинарские занятия, задание по самостоятельной работе, контрольные вопросы, основной и дополнительный список используемой литературы.

Данный учебно-методический комплекс предназначен для преподавателей и студентов.

Учебно-методический комплекс рекомендован к печати УМК ГулГУ (Протокол № 10 «23» июля 2014)

Рецензент: кан. фил. наук., доцент Ш.Юсупов.

Ответственный редактор: кан. фил. наук., доцент Р.Махмудов

КИРИШ

Ушбу ўқув-услугий мажмуа Мирзо Улуғбек номидаги ЎзМУ, Низомий номидаги ТДПУ томонидан 2008 йилда тузилган намунавий ўқув дастурлари асосида тайёрланган бўлиб, кундузги таълим йўналиши бакалаврият даражасида таълим беришга мўлжалланган.

Жонажон республикамиз мустақилликка эришганидан сўнг, озод мамлакатнинг озод кишиларини вояга етказиш, камол топтириш масаласи давримизнинг энг муҳим масалаларидан бири бўлиб қолди. Бу борада мамлакатимизда «Таълим тўғрисидаги» Қонун ва кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинди. Президентимиз томонидан баракамол авлодни шакллантириш концепцияси илгари сурилди. Бу жараёнда, ижтимоий фанларга алоҳида маъсулият юкланди. Мустақиллик даврида таълим тизимида янги «Маданиятшунослик» фанини ўқитиш йўлга қўйилди. Мазкур фанни ўқитишдан асосий мақсад, ватанимиз фуқароларини имон-эътиқодли, садоқатли ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, миллий ва умуминсоний маданий меросни ҳурмат билан ўрганиш ва тадқиқ этиш ва давримизнинг баркамол инсонларини шакллантиришдан иборатдир.

Ўқув дастурига кўра, бу фанлар учун кундузги таълим йўналиши талабалари учун жами 38 соатлик: 18 соат маъруза ва 20 соат амалий машғулот ўқув соатларига ажратилган. Шундан келиб чиқиб, «Миллий ғоя ва фалсафа» кафедрасида «Маданиятшунослик» фани юзасидан ишчи ўқув дастури тузилиб, шу асосида ўқув-услугий мажмуа яратилди. Мажмуа Кириш, замонавий педагогик технологиялар асосида тузилган маъруза матнлари, амалий машғулотларни бажариш тартиби, мустақил иш топшириқлари, назорат саволлари берилган.

1.1. Ўқув фанининг мақсади. Маданиятшунослик фанининг вазифаси олий ўқув юртлари талабаларига шу соҳада чуқур билим бериш илмий, маданий, маърифий меросимизни ўрганишда объективлик услубини қўллаб, талабаларга маданият қонуниятларини тушинтириш, маънавий-маданий меросимизни, асраб-авайлаш, уларни келгуси авлодларга етказиб бериш, ҳамда уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдан иборатдир.

1.2. Ўқув фанининг вазифалари. Маданият қонуниятлари, бой маданий тарихни даврларга ажратишда холислик, маданият тараққиётида миллий ва умуминсоний қадриятларнинг ўрни ва ролини тушинтириш маданиятшуносликнинг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

1.3. Ўқув фани якунида талабалар Маданиятшунослик фанининг тарихи, ривожланиш босқичлари, назарий ҳамда амалий аҳамияти ҳақида тушунча, билим ва кўникмаларга эга бўладилар.

1.4. Ушбу фанни ўрганишда талабалар Фалсафа, Ахлоқ, Нафосат, Мантиқ, Маънавият асослари ва Диншунослик, Ўзбекистон халқлари тарихи ва бошқа қатор ижтимоий фанлардан олган билимлари асосида иш кўрадилар.

2. Ўқув фанининг мазмуни:

2.1. Ваъз мавзулари, кўриладиган масалалар ва вақт.

№	Мавзулар номи	Кўриладиган масалалар	Вақт
1	Маданиятшунослик фанининг мақсади ва вазифалари.	1.Маданиятшунослик фаннинг предмети ва вазифалари. 2. Маданиятшунослик фанининг фалсафий билимлар тизимидаги ўрни.	2
2	Маданият ривожланишининг асосий қонуниятлари.	1.Моддий ва маънавий маданиянинг ўзаро алоқадорлиги. 2. Маданият турлари.	2
3	Марказий Осиё халқларининг қадимги маданияти.	1. Марказий Осиё худудидаги илк давлатлар маданияти. 2.Қадимги Марказий Осиё маданияти.	2
4	Ислом маданияти.	1. Шарқ ва Ғарб диний маданиятининг ўзига хос хусусиятлари. 2. Ислом маданиятидаги қадриятлар.	2
5	Марказий Осиё Уйғониш даври фалсафасида дунёвий маданият.	1.Уйғониш даври тушунчаси ва уни даврлаштириш масаласи. 2.Уйғониш даври маданиятининг намоянда ва уларнинг жаҳон фани ва маданияти ривожига қўшган ҳиссаси.	4
6	Темур ва темурийлар даври маданияти.	1.Темур ва темурийлар давлатининг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маиший тараққиёти. 2.Темур ва темурийлар даври маданий юксалишининг умумий омиллари.	2
7	Туркистонда маърифатчилик маданияти.	1.Марказий Осиёда мустақил хонликларнинг пайдо бўлиши ва уларда маданий ҳаёт. 2.Маърифатчилик маданиятининг Марказий Осиё халқлари маданияти ривожланишига қўшган ҳиссаси.	2
8	Миллий истиқлол ва Ўзбекистонда маданий тараққиёт.	1. Ўзбекистоннинг миллий истиқлолга эришуви ва маданий юксалиш. 2. Таълим ривожининг ўзига хос хусусиятлари.	2
		Жами:	18

2.2. Семинар машғулотлари мавзулари, мазмуни ва вақт.

№	Мавзулар номи	Кўриладиган масалалар	Вақт
1	Маданиятшунослик фанининг мақсади ва вазифалари.	1. Маданият тушунчасининг мазмун-моҳияти ва фаннинг предмети ва вазифалари. 2. Шахс ва маданият алоқадорлиги, фанининг функциялари.	2

		3. Маданиятшунослик фанининг фалсафий билимлар тизимидаги ўрни.	
2	Маданият ривожланишининг асосий қонуниятлари.	1. Моддий ва маънавий маданият. 2. Маданиятнинг шахс билан боғлиқ функциялари. 3. Цивилизация тушунчаси ва маданият.	2
3	Марказий Осиё халқларининг қадимги маданияти.	1. Марказий Осиё ҳудудидаги илк давлатлар маданияти. 2. Марказий Осиё халқларининг илк диний таълимотлари. 3. Авесто маданияти.	2
4	Ислом маданияти.	1. Шарқ ва Ғарб мамлакатларининг ўрта асрлар маданиятида диннинг устуворлиги. 2. Исломнинг пайдо бўлиши ва Марказий Осиёга ислом маданиятининг кириб келиши. 3. Ислом маданиятида маънавий ва ахлоқий қадриятлар.	2
5	Марказий Осиё Уйғониш даври фалсафасида дунёвий маданият.	1. Уйғониш даври тушунчаси ва уни даврлаштириш масаласи. 2. Уйғониш даври маданиятининг намояндалари. 3. IX-XII асрларда адабиёт ва санъатнинг гуллаб яшнаши.	4
6	Темур ва темурийлар даври маданияти.	1. Темур ва темурийлар давлатининг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маиший тараққиёти. 2. Темурийлар даврида меъморчилик ва тасвирий санъат. 3. Илм-фан ва адабиётнинг ривожланиши.	2
7	Туркистонда маърифатчилик маданияти.	1. Марказий Осиёда мустақил хонликларнинг пайдо бўлиши ва уларда маданий ҳаёт. 2. Хонликларда ўзаро маданий алоқалар. 3. Маърифатчилик маданиятининг Марказий Осиё халқлари маданияти ривожига қўшган ҳиссаси.	2
8	Миллий истиқлол ва Ўзбекистонда маданий тараққиёт.	1. Мустақилликкача бўлган даврда Ўзбекистонда маданий ҳаёт. 2. Ўзбекистоннинг миллий истиқлолга эришуви ва маданий юксалиш. 3. Мустақил Ватанимизнинг ҳозирги босқичдаги маданий ҳаёти.	4
		ЖАМИ:	20

«Тасдиқлайман»
«МФ ва фалсафа» каф. муд.
_____ С.Исмоилов.
28.08.2012.

**«МАДАНИЯТШУНОСЛИК» фанидан
календар-тематик режа.**

№	Мавзулар номи	Ваъ з	Сем .
1	Маданиятшунослик фанининг мақсади ва вазифалари.	2	2
2	Маданият ривожланишининг асосий қонуниятлари.	2	2
3	Марказий Осиё халқларининг қадимги маданияти.	2	2
4	Ислом маданияти.	2	2
5	Марказий Осиё Уйғониш даври фалсафасида дунёвий маданият.	4	4
6	Темур ва темурийлар даври маданияти.	2	2
7	Туркистонда маърифатчилик маданияти.	2	2
8	Миллий истиқлол ва Ўзбекистонда маданий тараққиёт.	2	4
	ЖАМИ	18	20

«Тасдиқлайман»
«МФ ва фалсафа» каф. муд.
_____ С.Исмоилов.
28.08.2012.

**«МАДАНИЯТШУНОСЛИК» фанидан
рейтинг ишланма:**

Назорат турлари	Назорат сони	Ажратилган балл	Жами
I (Жорий назорат)	4	40	40
1.1. Семинар	8	2	16
1.2. Тест	1	4	4
1.4. ТМИ	5	4	20
II (Оралиқ назорат)	4	30	30
2.1. Назорат иши	1	1	5
2.2. Реферат	1	10	10
2.3. Конспект	1	10	10
2.4. Умумий сўров	1	5	5
III (Якуний назорат)	1	30	30
3.1. Ёзма иш	1	30	30
Жами:	9	100	100

**«МАДАНИЯТШУНОСЛИК» фанидан
БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ**

1. Жорий баҳолаш бўйича:

1.1.Семинар машғулотлардаги топшириқларни тўла бажарган талабага 2 балл, тўла бажармаган бўлса 1-1,5 балл берилади.

1.2.Умумий сўровда курс бўйича берилган саволларнинг жавоби тўлиқлигига қараб 2 балгача баҳоланади.

1.3.Тест синови 1 марта ўтказилади, талабалар ўз вариантыдаги 8 та саволга жавоб берадилар, ҳар бир тўғри жавоб учун 0,5 балл оладилар.

1.4.Талабалар мустақил ишида бажарган ишининг мазмунига қараб, ҳар бир мустақил ишга 4 баллгача балл берилади.

2. Оралиқ баҳолаш бўйича:

2.1.Назорат иши икки марта ўтказилади, ҳар бирида вариантлар асосида 2 тадан савол берилади. Ҳар бир савол 2,5 балгача баҳоланади.

2.2.Реферат фани юзасидан тавсия этилган мавзулар бўйича ёзилади. Рефератда тавсия этилган мавзу тўлиқ очилган, тўғри хулоса чиқарилган ва амалий таклифлари бўлса 10-8 балл, мавзу моҳияти очилган, хулосаси бор бўлса 7-5 балл, мавзу моҳияти ёритилган лекин камчилиги бўлса 4-3 балл, реферат жуда қисқа ва мазмуни саёз бўлса 2-1 балл берилади.

2.3.Конспектда талабаларнинг ўзларига берилган мавзулар бўйича маълумотларни ёритиб, тўлиқ изоҳлаб ва таҳлил эта олса 10-8 балл, фақат маълумотларни олиб тавсия этса 7-5 балл, олинган маълумотлар мазмуни тўлиқ бўлмасдан тавсия этса 4-3 балл берилади. Конспект фақат кўчирилган бўлса 2-1 балл қўйилади.

3. Якуний баҳолаш бўйича:

3.1.Якуний баҳолашда ёзма иш синови ўтказилади, бунда талабалар 3 та саволга жавоб берадилар, ҳар бир тўғри жавоб учун 10 балдан берилади.

ФАННИ ЎҚИТИШ УЧУН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ

«Маданиятшунослик» ўқув фани бўйича юқори илмий-педагогик даражада ташкил этилиши, муаммоли машғулотлар ўтказиш, дарсларни савол-жавоб тарзида ташкил қилиш, илғор педагогик технологиялардан ва мультимедиа қўлланмалардан фойдаланиш, талабчанлик, талабалар билан яқка тартибда ишлаш, эркин мулоқотга киришишга жалб қилиш ва бошқа тадбирлар таълим устуворлигини таъминлайди.

Фаннинг мақсади. Талаба-ёшларда билим, кўникма ва малакалар тизимини таркиб топтириш ва шакллантириш.

Фанни ўқитишнинг вазифалари. Мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифаларни бажариш лозим бўлади: талабаларга тарғибот технологиялари ҳақида, унинг манбалари ва асослари, тарихий ривожланиши, тарғибот технологиялари тараққиёт босқичларини кўрсатиб бериш, шунингдек, тарғибот технологиялари масаласидаги Президентимизнинг концептуал ғоялари, таърифларини ўрганишдан иборатдир.

Шахсга йўналтирилган таълим. Ўз моҳиятига кўра таълим жараёнининг барча иштирокчиларини тўлақонли ривожланишларини кўзда тутди. Бу эса таълимни лойиҳалаштирилаётганда, албатта, маълум бир таълим олувчининг шахсини эмас, аввало, келгусидаги мутахассислик фаолияти билан боғлиқ ўқиш мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ёндашишга эътибор қаратишни амалга оширади. Ҳар бир талабанинг шахс сифатида касбий такомиллашувини таъминлайди. Таълимнинг марказига билим олувчи қўйилади.

Тизимли ёндашув. Таълим технологияси тизимнинг барча белгиларини ўзида мужассам этмоғи лозим: жараённинг мантиқийлиги, унинг барча

бўғинларини ўзаро боғланганлиги, яхлитлиги билим олиш ва касб эгаллашнинг мукамал бўлишига ҳисса қўшади.

Фаолиятга йўналтирилган ёндашув. Шахснинг жараёнли сифатларини шакллантиришга, таълим олувчининг фаолиятини жадаллаштириш ва интенсивлаштириш, ўқув жараёнида барча қобилият ва имкониятларни, ташаббускорликни очишга йўналтирилган таълимни ифодалайди. Эгалланган билимларнинг кўникма ва малакага айланиши, амалиётда татбиқ этилишига шароит яратади.

Ҳамкорликдаги таълимни ташкил этиш. Демократлилик, тенглик, таълим берувчи ва таълим олувчи ўртасидаги субъектив муносабатларда ҳамкорликни, мақсад ва фаолият мазмунини шакллантиришда эришилган натижаларни баҳолашда биргаликда ишлашни жорий этишга эътиборни қаратиш зарурлигини билдиради. Таълим жараёнида “субъект-субъект” муносабатлари таркиб топади.

Муаммоли таълим. Таълим мазмунини муаммоли тарзда тақдим қилиш орқали таълим олувчи фаолиятини активлаштириш усулларида бири. Бунда илмий билимни объектив қарама-қаршилиги ва уни ҳал этиш усуллари, диалектик мушоҳадани шакллантириш ва ривожлантиришни, амалий фаолиятга уларни ижодий тарзда қўллашни таъминлайди.

Ахборотни тақдим қилишнинг замонавий воситалари ва усуллари қўллаш - ҳозирги ахборот коммуникация технология воситалари кучли ривожланган шароитда улардан тўғри ва самарали фойдаланиш, ахборотларни танлаш, саралаш, сақлаш, қайта ифодалаш кўникмалари ҳосил қилинади. Бу жараёнда компьютер саводхонлиги алоҳида аҳамият касб этади.

Ўқитиш методлари ва техникаси. Маъруза (кириш, мавзуга оид, визуаллаш), муаммовий усул, кейс-стади, пинборд, парадокслар, лойиҳа ва амалий ишлаш усуллари.

Ўқитиш воситалари: ўқитишнинг анъанавий воситалари (дарслик, маъруза матни, кўргазмали қуроллар, харита ва бошқалар) билан бир қаторда – ахборот-коммуникация технология воситалари кенг кўламда татбиқ этилади.

Коммуникация усуллари: тингловчилар билан оператив икки ёқлама (тескари) алоқага асосланган бевосита ўзаро муносабатларнинг йўлга қўйилиши.

Тескари алоқа усуллари ва воситалари: кузатиш, блиц-сўров, жорий, оралиқ ва яқунловчи назорат натижаларини таҳлили асосида ўқитиш диагностикаси амалга оширилади.

Бошқариш усуллари ва тартиби: ўқув машғулоти босқичларини белгилаб берувчи технологик харита кўринишидаги ўқув машғулотларини режалаштириш, қўйилган мақсадга эришишда ўқитувчи ва тингловчининг биргаликдаги ҳаракати тартибли йўлга қўйилади.

Мониторинг ва баҳолаш: бутун курс давомида ҳам ўқитиш натижалари рейтинг тизими асосида назорат ва таҳлил қилиб борилади. Курс охирида ёзма иш ёрдамида таълим олувчиларнинг билимлари баҳоланади.

ЛЕКЦИЯЛАР КУРСИ:

1-МАВЗУ: «Маданиятшунослик» фанининг предмети ва вазифалари

Фанни ўқитиш технологияси: Маданиятшунослик» фанининг предмети ва вазифалари мавзусидаги маъруза машғулотининг технологик харитаси

Т.р	Бажариладиган иш мазмуни	Маъсул шахс
1 босқич	<p>Дарс мақсади: Талабаларга «Маданиятшунослик» фанининг мақсад ва вазифалари ҳақида маълумот бериш, талабаларда «маданият» атамаси ҳақида маълумотлар бериш. Маданиятшуносликнинг фалсафий фанлар тизимига кириши ҳақида ва унинг фалсафа, тарих, этнография ва бошқа фанлар билан алоқаси ҳақида билим бериш, асосий тушунчаларга изоҳ бериш. Маънавий маданиятнинг илмий дунёқараш нуқтаи назаридан ёритиб бериш, маънавий маданиятнинг илмий дунёқарашни шакллантиришдаги ўрнини изоҳлаб бериш.</p> <p>Идентив мақсадлар:</p> <ul style="list-style-type: none"> -«Маданиятшунослик» фанининг баҳс мавзусини айтиб беради. -«Маданиятшунослик» фанининг мақсад ва вазифаларини изоҳлайди. -Фаннинг илмий – тадқиқот усулларини аниқлайди. <p>Маданиятшуносликнинг фалсафий фан эканини билади;</p> <ul style="list-style-type: none"> -Маданиятшуносликнинг бошқа фанлар билан алоқасини изоҳлайди; -Маданиятшуносликнинг тузилишини изоҳлайди; -Цивилизация атамасини изоҳлайди -Маънавий маданиятнинг илмий жиҳатларини изоҳлайди 	Ўқитувчи
2 босқич	<p>Асосий тушунчалар: Маданият, миллийлик, мафкура, маънавият, миллий истиқлол ғояси, маданият турлари, маданиятда миллийлик, маданиятда умуминсонийлик, маданият ва муомала, цивилизация.</p> <p>Дарс шакли: Гуруҳ ва микрогуруҳда ишлаш.</p> <p>Воситалар: Кўргазмали қуроллар, экран карта, тарқатма материаллар.</p> <p>Метод ва усуллар. Китоб билан ишлаш, тушунтириш, амалий машқ, баҳс мунозара.</p>	Ўқитувчи
3 босқич	<p>Гуруҳда ишлаш:</p> <ul style="list-style-type: none"> -Маданият атамаси ва унинг асосий функциялари таҳлил қилинади. -Маданиятшунослик фанининг асосий бўлимлари ва унинг тадқиқот доираси изоҳланади. -Маданиятнинг инсон ва жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти очиб берилди. 	Талабалар
4 босқич	<p>Мустаҳкамлаш ва баҳолаш учун саволлар:</p> <ul style="list-style-type: none"> -Маданиятшунослик фанининг предмети, у нимани ўрганеди? -Маданиятшунослик илмининг асосий йўналишларини санаб беринг? -Маданият атамаси фанда қачон пайдо бўлган ва унинг инсон ва жамият ҳаётидаги ўрни қандай? -Табиат ва маданиятнинг қандай фарқли томонлари мавжуд? -Маданиятшунослик фанининг бошқа фанлар билан алоқасини тушунтириб беринг? - Маданиятнинг асосий вазифалари нималардан иборат? -Тест саволларини ечиш, (5 та тест саволи). -Микрогуруҳлар иши баҳоланади. 	Ўқитувчи талаба
5 босқич	<p>Умумий якуний хулосалар чиқариш.</p> <p>Мақсад ва вазифалар бажарилганлиги таҳлил қилинади,</p>	Ўқитувчи

	тегишли таклифлар бериледи, мустақил иш топшириқлари тарқатилади.	
--	---	--

Асосий саволлар:

1. Маданиятшунослик фаннинг предмети ва вазифалари.
2. Маданиятшунослик фаннинг фалсафий билимлар тизимидаги ўрни.

Таянч тушунча ва иборалар:

Маданият, миллийлик, мафкура, маънавият, миллий истиқлол ғояси, маданият турлари, маданиятда миллийлик, маданиятда умуминсонийлик, маданият ва муомала, цивилизация.

1-асосий савол. Маданиятшунослик фаннинг предмети ва вазифалари.

Дарснинг мақсади:

Талабаларга «Маданиятшунослик» фаннинг мақсад ва вазифалари ҳақида маълумот бериш, талабаларда «маданият» атамаси ҳақида маълумотлар бериш.

Идентив ўқув мақсадлар:

1. «Маданиятшунослик» фаннинг баҳс мавзусини айтиб беради.
2. «Маданиятшунослик» фаннинг мақсад ва вазифаларини изоҳлайди.
3. Фаннинг илмий – тадқиқот усулларини аниқлайди.
4. Илмий тушунчалари, категорияларини ажратиб кўрсатади.

1-асосий саволнинг баёни:

Ҳар бир фаннинг ўз мақсади, унинг асосий назариялари, амалий нуқталарнинг аниқ белгиси, муаммолари, манфаатлари соҳаси бўлиб, шу асосда оламни, унинг ҳодисаларини, улар ўртасидаги ўзаро алоқа ва муносабатларида келиб чиқади. Сўнгра уларни ўз баҳс мавзуи ва текширишлари доирасига киритади.

Маданият тушунчаси этнография, техника, археология, антропология каби илмлар ривож топиши билан ҳаётимиздан турғун ўрин олиб, у XVIII асрда инсоннинг маърифат, турли ҳунарлар, санъатларни эгаллаш маъносида вужудга келди ва инсон амалий фаолияти, келажаги учун фойдали бўлган бойликларни умумий ном билан изоҳлаш учун қўллана бошлади. XIX асрнинг охири, XX асрнинг бошларида этнографик ва археологик қидирувларнинг авж олиши Осиё, Африка халқларининг тарихий, ижтимоий-маданий ҳаётига доир нарсаларини йиғилиб бориши «маданият» тушунчасини кенгроқ маънода талқин этишни тақозо этди. Маданият инсон ижтимоий - иқтисодий фаолиятининг натижаси деган таъриф илм – фанда барқарорлашади. Маданий, моддий ва маънавий кўринишдаги техника жиҳозлари, санъат асарлари, фалсафий фикрлар, бадиий ўйлар, диний, ахлоқий ва ҳуқуқий тушунчалар, анъаналар, урф- одатлар мажмуидир. Жамият маънавий ҳаётини ривожлантириш кишиларнинг маданият тўғрисидаги тасаввурларнинг нечоғлик илмий эканлиги тўғри назарий ва амалий асосга қўйилганлигига суянади. Гап инсон ҳақида бўладими, тафаккур даражаси хусусида бўладими, қадриятларнинг бойиб бориши хусусидами бундан катъий назар, жамият маънавий ҳаётининг мана шу томонларини ўрганиш маънавий мустақилликнинг асосий масалаларидан ҳисобланади.

Маданиятшунослик фани ўрганадиган соҳанинг мазмунини ёритиб беришда қуйидаги масалаларни ўрганиш асосий ўрин тутлади:

- Маданиятшунослик фаннинг илмий усуллари, вазифалари, категориялари;
- Маданиятшуносликнинг илмий фанлар тизимида тутган ўрни;
- Маданиятшуносликнинг илмий тарбиявий аҳамияти.

Маданиятшунослик жамият маънавий тараққиётининг умумий қонунлари, уларни ҳаракатга келтирувчи кучлар, инсоннинг маданий – тарихий жараёнида, маданият соҳасида тутган ўрни ҳақидаги фандир.

Маданиятшуносликни бир тизим деб эътироф этадиган бўлсак, у ўз ичига қуйида кўрсатилган мантиқий бўлақларини олади. Маданиятшунослик ҳар бир масаласи бошқа муаммолар билан мантиқан боғланади, маданиятшунослик маданиятни ўрганганда уни

жамият ҳаётининг бошқа соҳалари сирасига олиб кириб текширади, воқеа - ҳодисаларнинг умумий жиҳатларини назарий хулосалайди, умумлашган концепциялар яратади, маданиятшунослик муайян монизмга суянади, текшириш ҳодисаларни ана шу нуқтаи назардан қараб чиқади, инсон томонидан олами маънавий ўзлаштириш ва маданий фаолият кўрсатишда ранг – баранг чексизлигини намоён қилади ҳамда, шуларга асосан маданиятшунослик янги далилларни, факт ва ҳодисаларни таҳлил этиб, мазмунан бойиб боради. Қуйидаги келтирилган мисолларга аниқ ҳодисаларнинг барчасига илмий ёндошади ва таҳлил қилади.

Маданиятшунослик фан сифатида шаклланар экан, фалсафа ва бошқа фанларнинг «маданият, ижодий фаолият», сингари категориялардан ташкил топади. Бу категориялар қуйидагилардан иборат. «Маданий тарихий жараён», «маънавий ишлаб чиқариш», «маънавий раванқ», «маданият субъекти ва объекти», «маданий далил», «маданий мерос», «маданий эҳтиёж», «маданий қатлам», «маданий муҳит», «маданийлик даражаси» ва б. Бу категориялар инсон маданий фаоллиги маҳсулотларини яратиш, айрибошлаш, тақсимот ва истеъмол қилиш билан узвий боғланган ҳолда амалга ошади. Бу тушунчалар турли тарихий даврларда инсоният амалга оширган фаолиятининг асосий хусусий, шу билан бирга бир ижтимоий тузумда маданият соҳасида юзага келадиган янгиликларини, ўзига хос жиҳатларни аниқлашга ёрдам беради. Маданиятшунослик категориялари билан маданият категориялари бир биридан фарқ қилади.

Назорат саволлари:

1. Маданият тушунчасини талқинини айтинг?
2. Маданиятнинг турлари талқинини гапириб беринг?
3. Маданият тушунчасининг ўзига хослигини сўзланг?
4. Маданиятнинг моддий ва маънавий қирралари нимада?

2-асосий савол. Маданиятшунослик фанининг фалсафий билимлар тизимидаги ўрни.

Дарсинг мақсади:

Талабаларда маданиятшуносликнинг фалсафий фанлар тизимидаги кириши ҳақида ва унинг фалсафа, тарих, этнография ва бошқа фанлар билан алоқаси ҳақида билим бериш, асосий тушунчаларга изоҳ бериш.

Идентив ўқув мақсадлар:

1. Маданиятшуносликнинг фалсафий фан эканини билади;
2. Маданиятшунослик ва социологияни алоқасини изоҳлайди;
3. Маданиятшунослик ва адабиётни алоқадорлигини тушунади;
4. Маданиятшуносликнинг тузилишини изоҳлайди;
5. Цивилизация атамасини изоҳлайди.

2-асосий саволнинг баёни:

Барча фанларда бўлгани каби маданиятшуносликнинг ҳам бошқа фанлар билан алоқалари мавжуд. У фалсафа, тарих, этнография, социология, адабиёт, санъат каби илмий билимлар тизимлари билан алоқадорликда, яхлитликда ривожланиди. Уларнинг айримларини кўриб ўтамиз.

Маданиятшунослик ва фалсафа. Фалсафа маданиятни ўрганганда умуман маданий тарихий жараён мазмун дунёқараши соҳаси, ижтимоий тараққиётда маданиятшуносликнинг тутган ўрнини очишга асосий эътибор беради. Маданиятшуносликнинг ўзи фалсафа орқали яратилади, бутун олам фалсафа учун маданият дунёсидир. Шу сабабли у фалсафий фанлар қаторига киради ва фалсафа билан ҳамкорликда ривожланиб боради.

Маданиятшунослик ва социология. Социология маданиятшуносликни ижтимоий борлиқнинг бир бўлаги тарзида олиб ўрнади. Социологик ўрганиш маданият тараққиётининг умумий социал қонуниятларини ҳар бир жамият ривожининг муайян босқичида турли табақалар ва социал гуруҳлар маданий ҳолатининг ўзига хослигини

тадқиқ этишни назарда тутати. Бунда қуйидагиларга эътибор берилади: яратилган ва фойдаланилган предметлар, ғоялар, тасаввурлар, устувор ҳодисаларни ифодаловчи қадриятлар, уларни тартибга солиб турадиган меъёрларга айтилади.

Маданиятшунослик ва адабиёт. Маълумки, маданиятшунослик конкрет қонунларни тадқиқ этадиган илмий соҳадир. Шунинг учун адабиётшунослик маданият назарияси ва тарихи билан боғлиқ. Маданиятда адабий асарлар, тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик, бадиий адабиёт, фалсафа ва бошқалар ўрганилганда, тадқиқ этилганда умумий ҳолда қадриятлар деб эътироф этилади. Ушбу фан маданият тўғрисидаги конкрет фанлар: адабиётшунослик, киношунослик, тасвирий санъат назарияси, фаншунослик, театршунослик каби ўнлаб фанлар тажрибасига суянади. Уларнинг илмий хулосалари негизида мазмунан бойиб боради.

Маданиятшунослик тузилишига кўра қуйидаги билимлар соҳасидан ташкил топган:

- маданият тарихи;
- маданият назарияси тарихи;
- маданият фалсафаси;
- маданият социологияси;
- маданият психологияси.

Маданиятни яхлит структурасига мувофиқ икки соҳага ажратамиз:

- моддий маданият
- маънавий маданият

Цивилизация - инсон томонидан унга тегишли бўлмаган моддий объектларни қайта ўзгартиришни билдиради. Маданият эса – инсоннинг ички фазилати, маънавияти эркинлиги ёки тушкунлиги, ташқи оламга бутунлай боғлиқлиги ёки маънавий мустақиллигига бериладиган баҳодир.

Маънавиятимиз, маданиятимиз ва уни юксалтириш хусусида гапирар эканмиз, даврнинг ўзига хос ва мос миллий маънавий муаммоларнинг тадқиқ этиш ғоят муҳимдир. И.Каримовнинг қуйидаги назарий фикрлари сўзимиз заминидир: «Халқнинг маънавияти ва маданияти, унинг ҳақиқий тарихи ва ўзига хослиги қайта тикланаётганлиги жамиятимизни янгилашни ва тараққий эттириш йўлидан муваффақиятли олға силжишда ҳал қилувчи, таъбир жоиз бўлса, белгилловчи аҳамиятга эгадир. Ўзбеклар тарихан доно, зукко маънавий жиҳатдан юксак халқ, бинобарин халқимиз босиб ўтилган ислохотларнинг биринчи босқичида иқтисодий, мафкуравий, ижтимоий, бозор иқтисодиёти ва бошқа соҳалар бўйича тегишли, маънавий сабоқлар олгани аниқ ва равшан ҳақиқатдир. Фақат маънавий эркин ва озод халқ тарихи ва комил тафаккур туфайли ҳар соҳада катта ютуқларга эришиши мумкин».

Маърифат маънавий қадриятлар миллий истиқлол мафкураси ва сиёсатнинг ажралмас қисми бўлиб, у янги қурилаётган жамият тараққиёти, шунингдек халқ онгининг ўсиши ва ҳаёт ҳамда турмуш маданиятининг ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Ўзбек халқи ҳар қандай шароитда ҳам бир умр ўзининг диний эътиқодини авайлаб ва эъзозлаб келган, маънавий қадриятларни эъзозлаган. Шундай фидоийлардан А. Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Элбек, У. Носир, Ф. Хўжаев, А. Икромов каби юзлаб зиёли ва давлат арбобларининг аянчли қисмати фикримизнинг далилидир. Улар томонидан яратилган асарлар асримизнинг ноёб маданий ёдгорликларидир.

Маданиятшунослик фани ижтимоий фанлар қаторида олий ўқув юртларда ўқитилиши ҳозирги давр талабига мос келади. Жамият ҳаётидаги мавжуд муаммоларни фақат иқтисодий, сиёсий тадбирла ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш билангина тўла ҳал қилиб бўлмайди. Бунинг учун жамиятнинг маънавий ҳаётини ҳам қайта қуриш талаб этилади. «Маънавият йўқ жойда ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди» деган эди Президент И. Каримов.

Маданиятшунослик талабаларга жаҳон маданияти ва унинг узвий ажралмас қисми бўлган Ўзбекистон маданиятини ривожланиш тарихи, ўзига хос хусусиятлари, ўзаро алоқадорлиги муаммолари ва истиқболлари тўғрисида билим, кўникма ва малакаларни бериш билан айна пайтда, миллий маданиятга ва ўзга миллатлар маданиятларига, қадриятларига уларни ҳурмат руҳида тарбиялашда, маданият ёдгорликларига ижодий муносабатда бўлишларида, маънавий жиҳатлардан ривожланишларида кўмаклашади.

Назорат саволлари:

1. Президент И.А.Каримов асарларида маънавий маданиятни илмий асосларни жамиятга тадбиқ этиш ҳақида сўзланг?
2. Маданиятшуносликнинг фалсафий фанлар тизимидаги кириши ҳақида ва унинг фалсафа, тарих, этнография ва бошқа фанлар билан алоқасини тушунтириш?
3. Маънавий маданиятга илмий ва ғайриилмий қарашларини таққосланг?
4. Маданиятга Президент берган таърифни ёддан айтиш ва изоҳланг.

Мавзу бўйича мустақил иш топшириқлар:

1. Маданиятшуносликнинг фалсафий фанлар тизимидаги ўрнини билиб келиш.
2. Маданиятшуносликнинг фалсафа, тарих, этнография ва бошқа фанлар қиёсий ўрганиш.

Мавзу бўйича асосий хулосалар:

1. Маданиятшуносликнинг фалсафий фанлар тизимидаги кириши ҳақида ва унинг фалсафа, тарих, этнография ва бошқа фанлар билан алоқаси очиқ берилди.
2. Маданиятшуносликнинг фалсафий фанлар тизимидаги ўрни ёритиб берилди.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008.
2. Абдуллаев. М. Маданиятшунослик. –Фарғона: Фарғона, 1997.
3. Гулметов Э., Маврулов А. Маданиятшунослик (Маъруза матни). –Т.: 2000.
4. Abdullaev M., Umarov E., Ochildiev A. va b. Madaniyatshunoslik asoslari. –Т.: 2006.
5. Умаров Э., Абдуллаев М., Хакимов Э. Культурология. –Т.: Янги аср авлоди, 2006.
6. Маданиятшунослик. ЎУМ. –Гулистон: 2006.
7. Ҳожи Исмаилов Абдуллоҳ. Марказий Осиёда Ислам маданияти. –Т.: Шарқ, 2005.

2-МАВЗУ: Маданиятнинг ижтимоий-фалсафий моҳияти ва таркибий тузилиши.

Фанни ўқитиш технологияси: Маданиятнинг ижтимоий-фалсафий моҳияти ва таркибий тузилиши мавзусидаги маъруза машғулотининг технологик харитаси

Т.р	Бажариладиган иш мазмуни	Маъсул
1 босқич	<p>Дарс мақсади: Моддий маданият тушунчасига таъриф беради, маънавий маданият тушунчасига таъриф бериш, моддий ва маънавий маданиятдаги ўзаро алоқадорликни шарҳлаб бериш. Шахс ва жамият тушунчаларига илмий-фалсафий таъриф бериш, маданиятнинг шахс ҳаётидаги ўрнини изоҳлаш, маданиятнинг жамият ҳаётидаги ўрнини изоҳлаш, талабалар онгида маданиятли киши жамиятда юксак мавқеда бўлиш ҳақида мустаҳкам фикр пайдо бўлишига эришиш. Қадрият тушунасига таъриф бериш, қадриятларни турларини классификация қилиш, маданий қадрият тушунчасига таъриф бериш, талабаларда ўтмиш маданий бойликларимизга ҳурмат ҳиссини уйғотиш.</p> <p>Идентив мақсадлар:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Моддий маданиятнинг ўзига хос соҳалари ҳақида тушунчага эга бўлади. - Маънавий ва моддий маданиятлар ўртасидаги фарқни англаб етади. - Маданиятнинг жамиятдаги инсон билан боғлиқ функцияларини шарҳлаб беради. -Жамият маданиятининг маълум тизимлари тўғрисида тушунчага эга бўлади. -Жамият ва шахс маданияти ўртасида ўзаро фарқ ва ҳамда боғлиқликларни фарқлайди. -«Зиёли» тушунчасига таъриф беради. -Қадрият тушунчаси ва унинг турларига таъриф бера олади. -маданият бойликларини жамият ҳаётидаги ўрнини англайди. 	Ўқитувчи
2 босқич	<p>Асосий тушунчалар: Моддий маданият, маънавий маданият, сиёсий маданият, ҳуқуқий маданият, ахлоқий маданият, эстетик маданият, ижодий салоҳият, қадрият, цивилизация, коммуникатив функция, ижтимоий моҳият, зиёли, дилетант.</p> <p>Дарс шакли: Гуруҳ ва микрогуруҳда ишлаш</p> <p>Воситалар: Маъруза матнлари, семинар ишланмалар, тарқатма материаллар, кўргазмали қуроллар.</p> <p>Метод ва усуллар: Китоб билан ишлаш, тушунтириш, ақлий хужум, амалий машқ ва мунозара.</p>	Ўқитувчи
3 босқич	<p>Гуруҳда ишлаш.</p> <ul style="list-style-type: none"> -Моддий ва маънавий маданиятнинг ўзаро боғлиқлик жиҳатлари ўрганилади. -Маданиятнинг шахс билан боғлиқ функциялари таҳлил қилинади. -Жамият маданиятининг асосий тизимлари тушунтирилади. 	Талаба
4 босқич	<p>Мустаҳкамлаш ва баҳолаш учун саволлар:</p> <ul style="list-style-type: none"> -Маданият қандай соҳаларга бўлинади? -Моддий маданиятнинг асосий соҳаларини тушунтиринг? -Маънавий маданиятнинг аҳамиятини очиб беринг? -Маданий қадриятлар деганда нимани тушунасиш? -Маданий қадриятларнинг шахс баркамоллиги ва жамият равнақидаги аҳамияти нимада? -тест саволларини ечиш, (5 та тест саволи). -микрогуруҳлар иши баҳоланади. 	Ўқитувчи Талаба
5 босқич	<p>Умумий якуний хулосалар чиқариш.</p> <p>Мавзунинг асосий моҳияти очиб берилганлиги таҳлил қилинади, тегишли таклифлар берилади.</p>	Ўқитувчи

Асосий саволлар:

1. Моддий ва маънавий маданиянинг ўзаро алоқадорлиги.
2. Маданият турлари.

Таянч тушунча ва иборалар:

Моддий маданият, маънавий маданият, сиёсий маданият, ҳуқуқий маданият, ахлоқий маданият, эстетик маданият, ижодий салоҳият, қадрият, цивилизация, коммуникатив функция, ижтимоий моҳият, зиёли, дилетант.

1-асосий савол. Моддий ва маънавий маданиянинг ўзаро алоқадорлиги.

Дарснинг мақсади:

Талабаларда «маданият» атамасининг илмий-фалсафий таҳлили ҳақида, маданиятнинг ижтимоий-фалсафий моҳияти ҳақида билимлар ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлар:

1. Маданиятнинг инсон меҳнати натижаси эканлигини изоҳлай олади;
2. Моддий ва маънавий маданият соҳаларини ажрата олади;
3. Моддий ва маънавий маданият атамасини фалсафий таҳлил этади.
4. Моддий ва маънавий маданиянинг ўзаро алоқадорлиги ажратиб кўрсатади.

1-асосий саволнинг баёни.

Маданият тушунчаси инсон фаолияти натижасидир. У ҳамиша инсонга таъсир этиб, унинг таъсирида инсонда ижобий ўзгаришлар ҳосил бўлади. Маданият ишлаб чиқариш ва меҳнат жараёнининг натижаси сифатида вужудга келади. Маълумки, инсонлар фаолиятида моддий ва маънавий намуналарини яратишни инсоннинг онгли фаолиятисиз ва тафакурисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Улар инсон ижодий фаолиятининг, билишининг, интеллектининг натижасидир. Маънавий маданий маҳсулотлар, китоблар, ҳар хил расмлар, киноленталар бўлиши билан бирга, улар инсониятнинг моддий маданий бойлиги ҳам ҳисобланади.

Маданият жуда ҳам мураккаб ва кўп қиррали ижтимоий ҳодисадир. Маданият ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларини, яъни моддий - техник, иқтисодий - ижтимоий, сиёсий, маънавий ва бошқа соҳаларни ўзида мужассамлаштирган. Лекин, бундан маданият тушунчаси билан ижтимоий ҳаёт тушунчаси бирдай айнан бир хил деган хулоса келиб чиқмайди. Ижтимоий ҳаёт маданият тушунчасидан анча кенгроқ тушунчадир.

Моддий маданиятнинг маънавийдан тарихан айрилиги фақат инсоният тараққиётининг илк даврларигагина хосдир. Жамиятда маънавий маданият махсус соҳага айлангач, ахлоқий мезонлар, дин, санъат, ҳуқуқ, сиёсат, фан шаклланиб, маълум доирадаги кишилар бу соҳа билан шуғуллана бошлаган.

Узоқ вақтлар фанда маданият даганда фақат маънавий маданият назарда тутилган. Негаки, борлиқни ҳақиқат, яхшилик, гўзаллик белгилайди деб ҳисоблашган. Шунинг учун, биринчи ўринда илмий тадқиқотларнинг асоси фан, ахлоқ, нафосат бўлиб келди. Натижада, жамиятнинг моддий ҳаётини, унинг иқтисодиётини ўрганишга эътибор берилмади. Моддий маданият илмий тадқиқот учун қизиқарсиз ҳисобланган. Индустиал жамиятнинг вужудга келиши, унинг техникавий тараққиёти ва технологияларни тезда алмашиши маданиятшуносларни инсониятнинг барча моддий маданиятини ўрганишга мажбур қилди.

Ҳар қандай маданият мураккаб тизимни ифода этади. Маданиятнинг ранг баранг таркибий қисмлари, компонентлари ва шакллари инсоннинг ижтимоий алоқа ва муносабатлари турли - туманлигини акс эттиради. Маданиятнинг инсон шахсий ва ижтимоий ҳаётини ўз ичига қамраб олиш характери ва имконияти ҳар қандай маданиятни мураккаб тизимни ифода этади, маданиятнинг ранг баранг таркибий қисмлари компонентлар ва шакллари очишга ёрдам беради. Маданиятнинг моҳияти ва ижтимоий ҳаётдаги ўрни масаласини тўғри тушуниш учун унинг таркибий қисмларига алоҳида эътибор билан қараб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Маданий жараённинг ўзига хослиги шундаки, маданият ҳодисаси ҳар доим шакл ва мазмун, борлиқ ва муносабат, нарсанинг мавжудлиги ва унинг рамзий мазмуни уйғунлигига эга бўлади. Моддий маданият ва маънавий маданият – маданиятнинг асосий икки соҳаси бўлиб, бир – бири билан ўзаро алоқада, ўзаро таъсирда ва бир – бирини тақозо қилган ҳолда ривожланади. Моддий маданият ҳар доим маълум бир маънавий маданиятнинг тимсоли ҳисобланади, ўз навбатида маънавий маданият ҳам қайсидир нарса, белги, тасвир, рамзларда моддий уйғунликда мужассам бўлади. Моддий маданиятнинг маънавийдан тарихан айрилиши фақат инсоният тараққиётининг бошланғич даврларигагина хосдир. Жамиятда маънавий фаолият махсус соҳага айлангач, ахлоқий мезонлар, дин, санъат, ҳуқуқ, сиёсат, фан шаклланиб, маълум доирадаги кишилар бу соҳа билан шуғуллана бошлади.

Узоқ вақтлар фанда маданият деганда фақат маънавий маданият назарда тутилади. Негаки, борлиқни ҳақиқат, яхшилик, гўзаллик белгилайди деб ҳисоблашган. Шунинг учун, биринчи ўринда илмий тадқиқотларнинг асоси фан, ахлоқ, нафосат бўлиб келди. Натижада, жамиятнинг моддий ҳаётини, унинг иқтисодиётини ўрганишга эътибор берилмади. Моддий маданият тадқиқот учун қизиқарсиз ҳисобланган.

Индустриал жамиятининг вужудга келиши, унинг техникавий тараққиёт ва технологияларини тезда алмашиши маданиятшуносларни инсониятнинг барча моддий маданиятини ўрганишга мажбур қилди.

Моддий маданиятнинг биринчи катта соҳаси бу меҳнат қуроллари ишлаб чиқаришнинг барча воситалари, турар жойлар, алоқа воситалари, техника қурилмалари, хуллас сунъий шароитда яратилган нарсаларнинг барчаси. Шунингдек моддий маданиятнинг бу қисми ишлаб чиқариш техника маданияти ёки жамият ҳаётининг моддий техника асоси деб аталади.

Моддий маданиятнинг иккинчи соҳаси ижтимоий ҳаёт ва унинг барча тармоқларининг меъёрий ҳаракатини таъминловчи кўплаб ижтимоий институтлар, ташкилот ва муассасалар фаолияти билан боғлиқ. Бу турли ҳокимият тузилмалари ва унга муносиб бошқарув шакллари, ижтимоий ташкилотлар, таълим, ёш авлодни тарбиялаш ва таълим бериш, соғлиқни сақлаш ва дам олиш, бўш вақт ва кўнгил очиш муассасалари тизими каби барча ижтимоий институтлар амалда жамият маданиятини сақлайди, ўзгартиради ва қайта шакллантиради.

Моддий маданиятининг учинчи соҳаси (ишлаб чиқарувчи ва қайта ишлаб чиқарувчи) инсоннинг ўзи ҳисобланади. Моддий маданиятнинг бу соҳаси нафақат инсониятни шунчаки биомавжудотлик муаммоларини тадқиқ қилмасдан, балки авлодларнинг ўзаро муносабатлари муаммоларини ҳам таҳлил қилади.

Моддий маданиятнинг учинчи соҳаси доирасига инсон ҳаёт фаолиятининг генетик (ирсий), жисмоний (соматик), тиббий биологик хусусиятлари ҳақидаги, жамиятда юзага келадиган ва тарихий тараққиётнинг ўзига хос хусусиятлари акс этувчи маданий анъаналар ва соғлом одатларга тўғри келадиган инсоннинг тартибли овқатланиш ва турмуш тарзи ҳақидаги билимлар мажмуи бўлган инсон экологияси муаммолари ҳам мансуб. Умуман, моддий маданиятга меҳнат маданияти, ишлаб чиқариш маданияти, турмуш маданияти, экологик маданиятлар киради. Ишлаб чиқариш воситалари моддий маданиятнинг асосини белгиловчи жиҳатдир.

Моддий маданият муайян тарихий даврда жамиятда мавжуд бўлган буюмларни моддий ишлаб чиқариш фаолиятининг барча соҳаларини ва натижаларни ўз ичига олади. Тарихий даврларда маданиятнинг кенг кўламли ривожини цивилизация тушунчасида ҳам ифодаланади. Цивилизация ижтимоий ва моддий маданият тараққиёти босқичини билдириб, моддий маданиятнинг турдош номидир. Ҳозирги даврда цивилизация инсониятга бегона бўлган объектларни қайта ўзгартиришни билдиради, маданият эса инсоннинг фазилати ва ҳолати, ташқи дунёга боғлиқлиги ёки эркинлигининг мезонидир. Немис олими О. Шпенглер, цивилизация тафаккурни бир қолипга солиб кўяди, умум қабул қилган ҳақиқатларни мутлақлаштиради, деб ҳисоблайди. Бундан ташқари, цивилизацияни урбанизацияга, хатто оламни ноинсонлаштиришга олиб келади. Цивилизация ва фан ўзлигича маънавий тараққиётни таъминлай олмайди, бу ерда ақлий, ахлоқий ва эстетик ютуқларни мужассам қилган маънавий тузилма зарур деган фикрлар ҳам мавжуд.

Маънавий маданият анча илгаритдан ўрганила бошланган. Инсоният тарихининг бошларидан кишилар маънавий маданиятни белгилашга, унинг шаклланиши сабабларини аниқланишга, маънавий бойлик ижодкорлари ва яратувчилари қандай сифатларга эга бўлишлари кераклиги ва маънавий ижодкорлик жараёнини тушунтиришга ўринганлар. Илгари мавжуд бўлмаган маданият ҳодисасини вужудга келтиришга хизмат қилувчи ижодий кучлар ҳаёлот, фантастик тадқиқотларга эътиборларини қаратади. Инсониятдаги барча қобилият табиатан мавжуд бўлиб, унинг шаклланиши инсоннинг пайдо бўлиш давридан бошланган. Инсондаги аждодлардан қолган ёввойилик хусусиятлари табиат билан доимий ўзаро ҳамкорликда, уни ўзлаштириши давомида йўқолиб, билими ривожланди. Ундаги жисмоний ва руҳий жиҳатлар такомиллашиб, интеллектуал ва ҳиссий имкониятлар кучайиб борди. Инсон жисмоний, фикрий ва ҳис қилувчи мавжудот сифатидаги дастлабки даврданоқ ўзига хос дунёсини ярата бошлади. Моддий ва идеал дунёси тараққиётининг ҳар бир даврида фикрлаш ва ҳис қилиш тарзини махсус ақлий тасаввур тизими тўпланади. Бунда барча умуминсоний маданият сингари турли халқлар томонидан яратилган мустақил маданиятлар манбаи ҳам мавжуд. Инсоннинг идеал дунёси—бу узлуксиз ҳаракат шаклини бениҳоят ранг—баранглиги, мураккаб меъёр, муносабатлари даражасига эга бўлган образлар ривожи ва вазифаси, типларининг воқелик билан алоқасидир.

Маданият ўзига хос ижтимоий ҳодиса сифатида жамиятда қуйидаги вазифаларни бажаради:

Оламни ўзлаштириш ва қайта ўзгартириш: бунда у мавжуд нарсаларнинг жисмоний талабларини, шунингдек ижоддаги ҳаётий талабларни қондириш зарурати билан боғлиқ.

Ҳимоя-мослашув вазифаси: жамият ва атроф муҳит ўртасидаги мувофиқликни сақлаш. Ушбу функция узок вақт қийин табиий шароитларда барча янги ҳимоя воситаларини ишлаб чиқишда ва қониқтиришда (олов, турар жой, кийим, деҳқончилик ва б.) одамнинг омон қолишини таъминлайди. Кейинги вақтларда ўта жиддий бўлиб турган муаммо табиатни ҳимоя қилувчи воситаларни яратиш. Бунда экологик мезон, экологик тафаккурнинг кенг кўламда ёйилишини амалга ошириш зарур.

Сигнификатив функция: (белгилаш, рўйхатга олиш мазмунида)-мазмун, маъно, ном, белгилар кўламини ишлаб чиқиш воситасида дунёнинг қиёфасида, воқеликдаги белгилар тизимининг яратилиши.

Ахборотларни ўзлаштириш ва йиғиш функцияси: хабарларни йиғиш ва сақлаш воситаси табиий хотира ёки хабарларни нарсаларга ёзиш. Масалан: қўлёзмалар, картиналар, пластинкалар, китоблар, кинотасмалар, оханграбо ёки рақамли ёзувлар бўлиши мумкин. Ҳар қандай ҳолатда ахборотларни ташкил қилиш, унинг қадри ва мазмуни бўйича тартибга солишнинг маълум усули ва белгилар тизими зарур, ҳозирги даврда тил белгилар тизимининг кенг кўлами ва ўта аҳамиятлиси бўлиб қолмоқда.

Коммуникатив функция (алоқа алмашув)—оламдаги нарса ва ҳодисалар, турли хил жароёнларнинг моҳиятини аниқлашда билимлар, фикрлар, маънавий кучларни алмашилиши. Ижтимоий ҳаёт доимий равишда энергия ва ахборот алмашинувини, ўзаро амалий ҳамкорликни тақозо қилади, негаки турли типларнинг муносабати жамиятнинг тузум сифатида мавжудлигини ва унинг кейинги тараққиётини таъминлашга қодир.

Маданиятнинг нормативийлик функцияси (мезон—меъерий)—кишилар хулқини тартибга солиш, уларнинг кучини бир меъёрда ва жамиятни бир бутунликда сақлаш мақсадида мувофиқлаштириш. Меъерий—қоида қандайдир ҳаракат ёки қандайдир предметлар, нарсаларни яратиш соҳасида аниқ кўрсатмадир. Онгли равишда ўрнатилган ёки кўп асрлик анъаналарга мажбурий, таъқиқловчи меъёрлар мавжуд (ҳуқуқий, ахлоқий меъёрлар), бироқ уларнинг мазмуни бор жамиятни барбод қилмаслик учун кишилар фаолиятини тартибга солиш, аниқ чегаралар билан белгилаш.

Руҳий ёки «лойихавий» мўътадиллик—байрамлар, диний маросимлар, ўйин, томоша жараёнларида руҳий зўриқишларни бартараф қилиш. Қониқарсиз истаклар, рўёбга чиқмайдиган ниятлар, амалда таъқиқланувчи жанжаллар мавжудлиги руҳий зўриқишлар пайдо бўлишига олиб келиб, нафақат маълум бир шахс саломатлигига зарар етказди, балки, оммавийлик касб этиб, жамият ҳаракатини издан чиқариши мумкин. Шунинг учун маданиятда кераксиз хиссиётдан халос бўлиш механизми ишлаб чиқилган. Хуллас, кишилар яратган моддий ва маънавий қадриятлар бойликлар

уларнинг қобилиятлари, муносабатлари ва моҳиятли кучлари намоён бўлишидан иборат. Инсон маданият соҳасида бу маънавий қадриятларга ўз муносабатини билдирар экан, айна вақтда, ўзи ривожланидиган, ўзи ўзгариб турадиган моҳият сифатида ҳам намоён бўлади.

Кишилар ижтимоий тажриба жараёнида зарурий моддий шарт–шароит ва ҳаёт воситаларини яратиш билангина қифояланмай, айна чоғда ўз онгини ҳам такомиллаштиради. Ижтимоий онг шакллари (дунёқараш, ахлоқ, ҳуқуқ, эстетик онг) вужудга келтирадиган ёки маънавий ишлаб чиқариш фаолиятини амалга оширадиган. Буларнинг мажмуи маънавий маданият соҳасини ташкил этади. Маънавий маданият кишилар маънавий ижодкорлиги фаолиятлари натижалари–тасаввурлар, ғоялар, илмий билимлар диний қарашлар, санъат соҳалари, ахлоқий ва ҳуқуқий меъёрларни ишлаб чиқаришдан ҳосил бўлади. Бундай маънавий қадриятлар ўзича пайдо бўлмайди, балки муайян тараққиёт босқичида ўзаро муносабатга кирадиган кишилар томонидан яратилади.

Назорат саволлари:

1. Маданият фалсафаси ва унинг методологик принциплари нималардан иборат?
2. Моддий ва маънавий маданиятнинг ўзаро алоқадорлиги нималарда намоён бўлади?
3. Моддий ва маънавий маданиятнинг ўзига хослигини сўзланг?
4. Маданиятнинг моддий ва маънавий қирралари нималарда намоён бўлади?

2-асосий савол. Маданият турлари.

Дарснинг мақсади:

Талабаларга маданиятнинг таркибий қисмлари ҳақида маълумот бериш, миллий маданият ва унинг ривожланиш босқичларини тушунтириб бериш.

Идентив ўқув мақсадлар:

Маданиятнинг таркибий қисмларини изоҳлаб беради;

Маданиятшуносликнинг ижтимоий фанлар билан муносабатини изоҳлайди.

2-асосий саволнинг баёни:

Маданият бир неча турларга бўлинади: А) сиёсий маданият; Б) иқтисодий маданият; В) меҳнат маданияти; Г) ахлоқий маданият; Д) ҳуқуқий маданият; Е) фалсафий маданият; Ё) эстетик маданият; Ж) педагогик маданият.

Сиёсий маданият. Сиёсий маданият тушунчаси ўз мазмунига кўра шахсларнинг, ижтимоий гуруҳларнинг ҳаётий фаолияти ва сиёсий ҳаётда қатнашиш масаласини ўзлаштиришни, қатнашиш даражасини ифодалайди. Сиёсий маданият тафаккур ва сиёсий фаолият шаклида намоён бўлади. Сиёсий маданият тушунчасини жуда ҳам кенг ёритиш мумкин. Масалан: шахсларнинг меҳнат активлиги, инсоний муносабатлари, айрим кишиларнинг ўзаро муносабатлардан то миллатлараро ва давлатлараро алоқаларига бўлган жараёнлар: сиёсий маданият қарашлар, фикрлар, қадриятлар тизимининг тарихан вужудга келиши ва ўзига хос тарзда сақлаб қолиниши, кишиларнинг ижтимоий яшаш меъёри қадриятларни эркин ҳис этишлари, уларнинг ички ҳис туйғуси асосида хоҳиш иродалари асосида йўналтирилган сиёсий фаоллиги, сиёсий ахборотлар тарқатишнинг мукамал олиб борилиш ва улар мазмунининг кенг омма манфаатларига мос келиши ва тушунарли бўлиши билан боғлиқдир. Сиёсий маданият тушунчаси муайян жамиятга хос сиёсий билимлар, фикрлар, қарашлар, қадриятлар ва эътиқодлар, анъаналар ва расм русумлар, шунингдек, сиёсий ҳокимиятни амалга ошириш ва уни бошқариш қонун қоидалари тизимининг умумий ифодаси демакдир.

Иқтисодий маданият. Бозор муносабатларини таркиб топтириш шароитида иқтисодий билимлар, эътиқодлар, фикрларни ривожлантириш усули билан фаол ишлаб чиқариш иқтисодий фаолият ўртасидаги ўзаро алоқадорлик муҳим омил ҳисобланади. Бу нарса иқтисодий метод тушунчасида ўз ифодасини топади. Иқтисодий маданиятнинг мазмунини ёритиш учун иқтисодиёт билан маданият ўртасидаги муносабат масаласини қараб чиқишни тақозо этади. Маданиятни жамиятнинг хотираси деб атайдилар. Сабаби бугунги иқтисодиёт хизматчилар, ишчилар, иқтисодий тузилмалар, муносабатларини

мамлакат ўтмишида қўлга киритилган тараққиёт мезонлари билан боғлайди. Ўтмиш тажрибаларини амалий фаолият таркибига олиб киради, шунингдек маданият тизимида ҳунармандларнинг илғор анъаналари сақлаб қолинади, муайян жамоалар ўртасидаги амал қилинган ўзаро иқтисодий ҳамкорлик ва ёрдам, иқтисодий жиҳатдан бақувват ижтимоий қатламлар ўртасидаги барқарор муносабатлар, расмий қоғозлар ва кўрсатмаларга анъанавий ҳурмат руҳида муносабатда бўлиш сингари масалаларни тарғиб қилади.

Миллий истиқлол жамият иқтисодий маданиятига янгича моҳият бахш этди, унинг мафкуравий, сиёсий, ғоявий ҳамда партиявий тазйиқларига барҳам берди, иқтисоднинг сиёсатдан устуворлиги, қонун олдида барчанинг баробарлиги, давлатнинг иқтисодий соҳада бош ислоҳотчи эканлиги, ижтимоий муҳофаза тамойиллари, янги жамиятга босқичма - босқич ўтиш мезонлари жамият ва шахс, шахс ва давлат муносабатларини янги асосга қўйди, иқтисодий маданият йўналишини белгилаб берди. Иқтисод маданият таркибини ўз ичига олган ҳолда иқтисод ва иқтисодий фаолият, иқтисодий муносабатларни ўз ичига олади.

Меҳнат маданияти. Меҳнат маданияти объектив равишда озод, эркин ва ихтиёрий меҳнат табиатидан келиб чиқади. Шахс хатти ҳаракати ва фаолияти устидан ҳукмрон бўлсагина, меҳнат маҳсулига эгаллик қилсагина меҳнат маданияти объектив равишда шаклланади ва ривожланади. Меҳнат маданияти шахс маънавий маданиятининг натижаси, унинг ахлоқий камолотининг мезони сифатида бунёд бўлади. Меҳнат эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлганлар. Табиат билан уйғунликда яшаш, ундан ибрат олиш, унинг гўзалликларидан завқланиш ва табиат қўйнида меҳнат қилиш шарқликлар ҳаёт тарзининг муҳим белгилари эди. Маънавий қадриятни олий қадрият сифатида эъзозлаш, илм - маърифатга ташналик, камтарона ҳаёт билан қаноатланиш, ортиқча хашам ва зебу - зийнатлардан узоқроқ туриш, бойликка берилмаслик сабр тоқатли бўлган Шарқ халқларига хос хусусиятдир.

Ахлоқий маданият. Ахлоқий маданият ахлоқ тушунчаси билан узвий боғлиқ бўлиб, унинг давомидир. Ахлоқий маданият жамият аъзоларининг ахлоқий фазилатлари, инсонпарварлик урф одатларидир. У кишиларнинг жамият ва миллатнинг халқ сифатини назарда тутаяди, ҳамда инсонларнинг комил инсон даражасига етказаяди. Ахлоқ маданияти қуйидаги таркибий қисмларидан иборат:

- жамиятга хос прогрессив ахлоқий қарашлар, назариялар, идеаллар, қоидалар;
- шу жамият турмуш тарзига айланган миллий ва умуминсоний урф – одатлар, анъаналар;

- жамият аъзоларининг ахлоқий фазилат ва хислатлари.

Ахлоқий маданият қуйидаги хусусиятларда намоён бўлади:

а) эътиқоднинг устуворлиги; б) ҳиссиётларнинг муҳим ўрин тутishi; г) чуқур миллийлик; д) амалийлик; е) кундалик ҳаёт учун ўта зарурийлик; ж) универсаллик (умумийлик) – шахс ва жамият ҳаётининг ҳаётий жабҳаларига ҳар доим таъсир қилиш.

Ҳуқуқий маданият. «Ҳуқуқий маданият даражаси фақатгина қонунларни билиш, ҳуқуқий маълумотлардан хабардор бўлишдангина иборат эмас. У қонунларга амал қилиш ва уларга бўйсиниш маданияти демакдир», деб ёзади И.А.Каримов.

Ҳуқуқий маданият 3 таркибий қисмга бўлинади:

1) ҳуқуқий онг;

2) ижтимоий ҳаётда фуқаро ва мансабдор шахсларнинг фаолиятида ҳуқуқ талабаларини тўғри ва аниқ бажариш ҳамда унумли фойдалана билиши;

3) фуқароларнинг ҳуқуқий фаоллиги.

Фалсафий маданият. Фалсафа табиат, жамият ва инсон билимлари тараққиётининг энг умумий қонунлари, одамнинг оламга, маънавийликнинг моддийликка муносабати, оламни билиш ва уни ўзгартириш тўғрисидаги қарашлар тизимидир. Фалсафий маданият тушунчаси кенг ва тор маъноларда ишлатилади. Кенг маънода ишлатганда фалсафий маданият деб умумлаштирилади ва уни вужудга келиши, шаклланиши ва ривожланиши тушунилади. Тор маънода фалсафий маданият шахснинг табиий илмий, фалсафий билимлари ҳамда амалиётда улардан фойдаланиши демакдир. Фалсафий маданият фалсафий билимларнинг шахс эътиқодига айланиши, шахсий ижтимоий ҳаётда улардан фойдалана олишдан иборат.

Фалсафий маданият замирида энг аввало ижтимоийлик ва имкониятга бўлган муҳаббат ётади.

Эстетик маданият. Эстетик маданият эстетик фаолият билан боғланган муносабат ва қадриятлар тизимини ифода этади. Инсоннинг теварак атрофини ўраб олган воқеликка муносабатида ўз ўзини эркин намоён этиш масаласи эстетик маданият соҳасини ташкил этади. Бу эркинликнинг моҳияти шундаки, инсон предмети унинг жинсига хос меъёрини топа олади ва гавдаланади.

Эстетик маданиятнинг тузилиши куйидаги кўп қатламлардан иборат:

1. Кишиларнинг эстетик онги. Бу эҳтиёжларда, идеалларда, дидларда, қарашларда, концепцияларда, назарияларда ўз ифодасини топади.

2. Фаолиятнинг турли кўринишларидаги эстетик моментлар (меҳнатда, турмушда, ижтимоий – сиёсий ҳаётда, спортда).

3. Эстетик тарбия. Бу авлоддан - авлодга жамиятнинг шахсга онгли ва мақсадга мувофиқ равишда ўтказиладиган эстетик тажрибадир.

Педагогик маданият. Шахснинг таълим ва тарбияга оид қараши, тажриба ва муносабатлари йиғиндиси педагогик маданият дейилади. Таълим тарбияга оид назарий ва амалий билимлар шахснинг дидактика, тарбия қарашлари, таълимни бошқариш ҳақидаги фикрлар, билимлар мактабшунослик қарашлари ҳисобланади. Тасаввуф илми намоёндалари Имом Абул Ҳомид Ғаззолий, Хожа Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбандлар илгари сурган комил инсон ғояси бутун мусулмон олами педагогикасидаги таълимотнинг асосий мақсади бўлиб хизмат қилади.

Назорат саволлари:

1. «Сиёсий маданият» тушунчаси қандай маънони англатади?
2. Эстетик маданият моҳияти ва мазмунини ёритиб беринг.
3. Ахлоқий маданият нима?
4. Ахлоқий маданият ва ахлоқий амалиётнинг ўзаро алоқадорлигини тушунтиринг.
5. Ҳуқуқий маданият неча қисмга бўлинади?

Мавзу бўйича мустақил иш топшириқлар:

1. Маданият турларини билиб келиш.
2. Маданият турларини қиёсий ўрганиш.

Мавзу бўйича асосий хулосалар:

1. Маданият ва цивилизациянинг ўзаро муносабати очиб берилди.
2. Маданият таркибий қисмларининг ўзаро таъсири ва акс таъсири ёритиб берилди

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008.
2. Абдуллаев. М. Маданиятшунослик. –Фарғона: Фарғона, 1997.
3. Гулметов Э., Маврулов А. Маданиятшунослик (Маъруза матни). –Т.: 2000.
4. Abdullaev M., Umarov E., Ochildiev A. va b. Madaniyatshunoslik asoslari. –Т.: 2006.
5. Умаров Э., Абдуллаев М., Хақимов Э. Культурология. –Т.: Янги аср авлоди, 2006.
6. Маданиятшунослик. ЎУМ. –Гулистон: 2006.
7. Ҳожи Исматуллоҳ Абдуллоҳ. Марказий Осиёда Ислом маданияти. –Т.: Шарқ, 2005.

3-МАВЗУ: Марказий Осиё халқларининг қадимги маданияти.

Фанни ўқитиш технологияси: Марказий Осиё халқларининг қадимги маданияти мавзусидаги маъруза машғулотининг технологик харитаси

Т.р	Бажариладиган иш мазмуни	Маъсул
1 босқич	<p>Дарс мақсади: Марказий Осиё ҳудудида мавжуд бўлган қадимий халқлар ва давлатлар маданиятининг вужудга келиш заминлари, уларнинг бошқа халқлар маданиятларидан фарқли томонлари, мазкур халқлар маданиятининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида, Юнон-Бақтрия маданияти ҳақида тушунча бериш, бу маданият билан Шарқ маданиятининг ўзаро таъсири, яқинлашуви ва инсон ижтимоий фаолиятининг барча соҳалардаги уйғунлашуви ҳақида маълумотлар бериш. Кушон давлатининг пайдо бўлиши, ундаги маданий юксалиш ва Кушон давлати ҳамда маданиятининг Марказий Осиё халқлари тарихида тутган ўрни ва роли ҳақида маълумот бериш.</p> <p>Идентив мақсадлар:</p> <ul style="list-style-type: none"> -Марказий Осиё ҳудудида мавжуд бўлган қадимги халқлар ва давлатлар тўғрисида тушунчага эга бўлади. -Марказий Осиё маданиятининг тарихан ўзига хос жиҳатларини аниқ кўрсатиб беради. -Қадимги Шарқ ва Ғарб маданиятларини бир-биридан фарқлайди; -Кушонлар даврида маданият ривожланишининг ўзига хос йўналишларини умумлаштирган ҳолда шарҳлаб беради. 	Ўқитувчи
2 босқич	<p>Асосий тушунчалар: Марказий Осиё, руҳий қувват, қадимий цивилизация, субмаданият, зардуштийлик, Авесто, Аҳмонийлар, Юнон-Бақтрия, меҳроб, солнома, буддавийлик, оромий ёзуви, сўғд ёзуви.</p> <p>Дарс шакли: Гуруҳ ва микрогуруҳда ишлаш</p> <p>Воситалар: Маъруза матнлари, семинар ишланмалар, кўргазмалар, кўрсатма материаллар.</p> <p>Метод ва усуллар: Баҳс-мунозара, китоб билан ишлаш, тушунтириш, амалий машқ.</p>	Ўқитувчи
3 босқич	<p>Гуруҳда ишлаш.</p> <ul style="list-style-type: none"> -Марказий Осиё халқлари қадимги маданиятнинг ўзига хос жиҳатлари ўрганилади. -Марказий Осиё ҳудудидаги илк давлатлари маданияти мушоҳада қилинади. -Юнон-Бақтрия маданиятининг асосий белгилари очиб берилди. -Кушонлар маданияти тушунтирилади. 	Талаба
4 босқич	<p>Мустақамлаш ва баҳолаш учун саволлар:</p> <ul style="list-style-type: none"> -Марказий Осиё маданиятининг ўзига хос жиҳатлари нималардан иборат? -Марказий Осиё минтақасининг Шарқ ва Ғарб маданиятлари ўзаро яқинлашуви нималарда намоён бўлади? -Қадимги Бақтрия, Хоразм, Сўғд давлатлари маданиятларини тавсифланг. -Марказий Осиёдаги мамлакатларнинг бир-бирига ўзаро таъсир жараёнини изоҳлаб беринг? -Юнон Бақтрия подшолигида қандай санъат турлари ривожланган? -Жаҳон маданияти ривожланишида Марказий Осиё маданиятининг ўрни ва аҳамиятини кўрсатиб беринг? -Қадимги даврда ёзув, илм ва фанни ривожланганлигини 	Ўқитувчи Талаба

	<p>кўрсатувчи қандай маълумотлар мавжуд?</p> <p>-Кушонлар давлати қайси ҳудудларни ўз ичига олганлигини харита асосида таърифлаб беринг?</p> <p>-тест саволларини ечиш, (5 та тест саволи).</p> <p>-микрогуруҳлар иши баҳоланади.</p>	
5 босқич	<p>Умумий якуний хулосалар чиқариш.</p> <p>Мавзунинг мақсад ва вазифалари бажарилганлиги таҳлил қилинади, тегишли таклифлар берилади.</p>	Ўқитувчи

Асосий саволлар:

1. Марказий Осиё худудидаги илк давлатлар маданияти.
2. Қадимги Марказий Осиё маданияти.

Таянч тушунча ва иборалар:

Марказий Осиё, руҳий қувват, қадимий цивилизация, субмаданият, зардуштийлик, Авесто, Аҳмонийлар, Юнон-Бақтрия, меҳроб, солнома, буддавийлик, оромий ёзуви, сўғд ёзуви.

1-асосий савол. Марказий Осиё худудидаги илк давлатлар маданияти.

Дарсинг мақсади:

Марказий Осиё худудида мавжуд бўлган қадимий халқлар ва давлатлар маданиятининг вужудга келиш заминлари, уларнинг бошқа халқлар маданиятларидан фарқли томонлари, мазкур халқлар маданиятининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида маълумот бериш.

Идентив ўқув мақсадлар:

1. Марказий Осиё худудида мавжуд бўлган қадимги халқлар ва давлатлар тўғрисида тушунчага эга бўлади.
2. Марказий Осиё маданиятининг тарихан ўзига хос жиҳатларини аниқ кўрсатиб беради.
3. Қадимги Шарқ ва Ғарб маданиятларини бир-биридан фарқлайди;
4. Кушонлар даврида маданият ривожланишининг ўзига хос йўналишларини умумлаштирган ҳолда шарҳлаб беради.

1-асосий саволнинг баёни.

Марказий Осиё маданияти жаҳон маданияти тарихида муҳим ўрин тутди. Унинг ўрта асрлардаги маданиятига бутун дунё аллақачон муносиб баҳо берган. Ҳатто бугунги кунда Бақтрия, Марғиёна, Сўғд, Парфия, Фарғона, Хоразм, Чоч халқларининг қадимги маданияти жаҳон илм аҳлини ҳайратга солмоқда.

И.А.Каримов айтганларидек, «Модомики, ўз тарихини билган, ундан руҳий қувват оладиган халқни энгиб бўлмас экан, биз ҳаққоний тарихимизни тиклашимиз, халқимизни, миллатимизни ана шу тарихимиз билан қуроллантиришимиз зарур. Тарих билан қуроллантириш, яна бир бор қуроллантириш зарур».

Марказий Осиё халқлари маданиятининг вужудга келиши шароитларини белгилашда даставвал, унинг жуғрофий ўрни ва табиати, иқлими воситаларга эътиборни қаратиш лозим бўлади. Маданиятшунослик фани ҳар қандай маданиятнинг шаклланишидаги ўзига хос жиҳатларни жой манзараси, иқлими, биосфера омилларининг аҳамияти катта эканлигига алоҳида эътибор беради. Марказий Осиё минтақасининг табиати турли хиллиги билан катта фарқ қилади. Бу ерда серҳосил водий ва воҳалар, серсув дарёлар, қақроқ чўллар, дашту адирлар, Помир ва Тангритоғнинг баланд музофотлари билан ёнма-ён жойлашгани диққатга сазавор. Бундай хусусият деҳқончилик, чарвачилик, тоғда яшовчи қабила ва халқлар хўжалик тарзи билан ўзига хос маданиятларининг шаклланиши учун муҳим имконият яратади.

Тадқиқотларда Марказий Осиё маданиятининг икки хусусияти кўрсатилади: бир томондан, турли маданиятларнинг ўзаро таъсирида, иккинчи томондан, қадимги цивилизацияларнинг бошқа ўчоқлари билан яқин алоқада ривожланиш. Бу

хусусиятларни батафсил кузатадиган бўлсак, Марказий Осиё маданиятининг шаклланиш жараёнлари яққол намоён бўлади. Энг қадимги даврлардан деҳқончилик, чорвачилик ва тоғ овчи қабилалари ўртасидаги маҳсулот айирбошлаш Марказий Осиё халқлари иқтисодиётининг катта аҳамиятига эга бўлиб, кейинги даврларда ҳам у узок сақланиб қолди. Турмуш тарзи ва хўжалик фаолиятидаги фарқланиш билан бирга минтақа халқларининг этник ва тиллардаги яқинлик, ҳамда худонинг ҳам уйғунлашиб кетганлиги Юнон ва Хитой манбаларида ҳам қайд қилинган. Марказий Осиё халқларининг кучли иқтисодий алоқалари, этник ва тил бирлиги уларнинг бир-биридан айрича яшашига йўл қўймади. Натижада қадимги Шарқнинг классик маданияти орасида Марказий Осиё қадимги маданияти ажралиб, ўзига хос кўринишда шаклланди.

Дастлаб, бу маданиятда икки хил маданият аралашиб кетади: кўчманчилик ва ибтидоийлик олами ҳамда цивилизация олами. Бу ердаги қадимги маданиятга хос маданиятларнинг ўзаро мулоқотига акс таъсир кўрсатган «ўзининг бетакрорлиги» ҳақидаги тасаввур шаклланмоқда. Марказий Осиёнинг яхлит маданиятини ташкил қилувчи турли субмаданиятлар мавжудлиги ҳақида тўхталиш жоиздир. Улар қуйидагилар: қадимги давлатлар субмаданияти (Бақтрия, Сўғд, Хоразм, Фарғона, Марғиёна), дашт кўчманчилари – сак, массагет, да-коччилар субмаданияти, Помир ва Тангри тоғ қабилаларнинг субмаданияти.

Марказий Осиё маданиятининг ўзига хослигининг иккинчи жиҳати минтақанинг ўта қулай жуғрофий ўрнашганлиги билан узвий боғлиқ. Минтақа Месопотамия, Ҳиндистон ва Хитой каби учта буюк Шарқ цивилизацияси билан бевосита чегарадош бўлиб, Фарб цивилизациясига хос бешинчи–Греция ва Рим билан алоқада ривожланган. Бундай алоқаларнинг муқаррарлиги туфайли Марказий Осиё маданияти Шарқ ва Фарб ўртасида воситачилик миссиясини бажаришга сабаб бўлди, яъни иқтисодий соҳаларда энг аввало халқаро савдода ва маданий соҳаларда ҳам Марказий Осиё Фарб ва Шарқ ўртасида боғловчи кўприк вазифасини бажарди.

Марказий Осиё маданиятининг буюк воситачилик миссияси бошқа маданий қадриятларини янгилаши, ўзлаштириши маҳорати ва қайта ишлаш каби жиҳатларисиз бўлмас эди. Бу маданият қадимданоқ янги ҳодисаларни ўзлаштириш ва мослаштириш маҳоратига эга бўлди. Минтақа орқали катта босқинчилик юришлари, халқларнинг кўчишлари юз берган бўлиб, бу эса Марказий Осиё халқларининг тарихи давомида бир неча бор маданиятни сезиларли ўзгаришларга олиб келди. Афсуски, кўпгина урушлар Марказий Осиё маданиятининг қадимги тараққиёт даврларининг беҳисоб далилларини йўқ қилди. Археологик қазилма маълумотлари ва ёзма манбалар милоддан аввалги I минг йиллик бошларида вужудга келган, бу эса Марказий Осиёнинг илк давлатлари Бақтрия, Сўғд ва Хоразм маданияти ҳақида бир оз маълумотлар беради. Милоддан аввалги VIII–VI асрларга оид Афросиёб (Самарқанд), Сурхондарё воҳасидаги Қизилтепа, Қашқадарё воҳасидаги Узунқир, Хоразмдаги Қўзилик қабри ва маданий шохларда ўтказилган тадқиқотлар мураккаб ижтимоий тузилма ва маданиятнинг юқори ривожланганлигини кўрсатади.

Кўчманчи массагетларнинг удуми ва турмуш тарзи ҳақида машҳур қадимги Юнон тарихчиси Геродот (мил. ав. V аср) бир неча асарларида ёзиб қолдирган. У массагетларнинг ҳарбий қуроллари (камон–ёйи, найзаси, ойболтаси)да олтиндан безак сифатида, мисдан қурол ва совут учун кенг фойдаланишини алоҳида таъкидлайди. Геродотнинг ёзишича, массагетлар ягона маъбуд Қуёшга топиниб, отни қурбонлик қилганлар.

Қадимги Марказий Осиё халқларининг маънавий маданияти ҳақидаги билимларининг бебаҳо манбаси «Авесто» ҳисобланган. «Авесто» сўзининг мазмуни умумий изоҳга эга эмас, кўпинча «Асосий матн» сифатида таржима қилинади. «Авесто» дунёдаги энг қадимги динлардан бўлган зардуштийлик тарафдорлари учун муқаддас калима ҳисобланиб, пайғамбар Зардушт тўпланганларга ундан ваъз ўқиган. Унинг ҳаёти даври мил. ав. IX–VI асрлар атрофида дейилади. «Авесто» ва унинг бошқа матнларининг тўпланиши кўп асрлар давомида амалга оширилган. «Авесто» нинг энг қадимги матнлари мил. ав. II мингинчи йилларга таалуқлидир, «Авесто» нинг миллодий VII асрга тегишли бўлган тўплами турли мазмундаги 21 китобдан иборат бўлиб, унда ўша даврнинг барча билимлари жамланган.

Назорат саволлари:

1. Марказий Осиёда илк давлатлар маданиятининг вужудга келиш заминлари нималардан иборат?
2. Марказий Осиё маданиятининг тарихан ўзига хос жиҳатлари нималардан иборат?
3. Марказий Осиё минтақасининг Шарқ ва Ғарб маданиятлари ўзаро яқинлашуви ва ривожланишидаги роли ҳамда ўзига хос ўрни нималарда намоён бўлади?

2-асосий савол. Маданият турлари.

Дарснинг мақсади:

Юнон-Бақтрия маданияти ҳақида тушунча бериш, бу маданият билан Шарқ маданиятининг ўзаро таъсири, яқинлашуви ва инсон ижтимоий фаолиятининг барча соҳалардаги ўйғунлашуви ҳақида маълумотлар бериш.

Идентив ўқув мақсадлар:

1. Қадимги Шарқ ва Ғарб маданиятларини бир-биридан фарқлайди;
2. Қадимги Шарқ ва Ғарб маданиятларининг ўзаро таъсири ва яқинлашувининг шарт-шароитлари ҳамда сабабларини шарҳлаб беради.

2-асосий саволнинг баёни.

Марказий Осиё цивилизация ва маданиятининг мустақил ривожланиши Эрон Аҳмонийлари томонидан биринчи йирик босқинчилиги туфайли тўхтаб қолди. Сўғд, Бақтрия, Хоразм мил. ав. VI – IV асрларда Аҳмонийлар давлати таркибига кирган. Аҳмонийлар империяси маданияти ҳам кўпгина мамлакат халқлари яратган илмий билимлар, диний эътиқодлар, санъат ютуқларининг синтези ҳисобланади. Бу маданиятга Марказий Осиё халқлари ҳам ўзининг алоҳда ҳиссасини қўшган. Зардуштийлик Аҳмонийларнинг давлат дини сифатида қабул қилиниши билан бирга Ғарбга ҳам кенг ёйила бошлади. Аҳмонийлар салтанатининг Суза ва Персеполдаги ўлкан ёдгорлиги қурилишга Марказий Осиё минтақасидан кўплаб хом ашё келтирилган. Саройлар қурилишига Бақтриядан олтин, Сўғддан ложувард ва қимматбаҳо тошлар, Хоразмдан феруза олиб борилган.

Шу даврга келиб Аҳмонийлар империяси ва Марказий Осиё маданиятига эллинизм элементлари кириб келди. Аҳмонийлар салтанатини емириб ташлаган Юнон - Бақтрия босқини Марказий Осиё минтақасини, хусусан Сўғд маданиятини кулини кўкка совурди. Александр Македонскийга ҳеч ерда Марказий Осиёдагидек қаршилик кўрсатилмаган бўлса керак деган фикрни айтади. Озодлик ҳаракатини бешафқат маҳв этган Мақдуний ерли аҳолининг кўмагига муҳтожлигини сеза бошлади. Вақт ўтиши билан у онгли тарзда барча этник тўсиқларни олиб ташлашга, ўз салтанати ҳудудида турли халқларнинг қоришиб кетиши ҳамда ягона маданият ва тил бирлигини қарор топтиришга уринди. Шу мақсадда у ўз саройида Шарқ удумлари ва либосларини жорий этди, турли этник гуруҳ вакилларининг никоҳларини кенг йўлга қўйди, ўз армиясига Бақтриялик ва Сўғдлик қисмларни киритди, 30 мингдан ортиқ ўғил болаларга юнонча тарбия беришга ҳукм этди. Шундай қилиб Александр Мақдуний Марказий Осиё маданиятининг эллинлаштиришни бошлаб берди.

Марказий Осиё минтақаси Буюк ипак йўли бўйлаб ўтган халқаро савдонинг маркази сифатида ўта муҳим ўрин тутди. Товар-пул муносабатларини ўсишида Бақтрия шоҳларининг ўз пулларини зарб қилиши халқаро савдонинг ривожига ижобий таъсир қилиш билан бирга, юксак бадий даражаси билан ҳам ажралиб туради. Юнон-Бақтрия даврида Ойхонум (Шим. Афғонистон), Сакнахур ва Тахтисангин (Тожикистон) Далварзинтепа, Ёрқўрғон, Афросиёб Талибарзи (Ўзбекистон) каби шаҳарлар қурилди. Юнон-Бақтрия подшолигида театр санъати ва мусиқани ривожланганлиги тўғрисида тарихда бир қанча маълумотлар мавжуд. Бақтрия саройларида Юнонистонлик актёрлик санъати, мусиқачи ва рақосаларнинг гуруҳлари сақланган. Айниқса, юнон халқ театрининг «маскарс», «мим» сингари турлари кенг ёйилган. Рақс, мусиқа, кўзбўямачилик ва акрабатик машқлар театр ижрочиларининг муҳим элементлари бўлиб майдонга чиқади. Ҳукмдорлар ҳомийлик кўрсатган маҳаллий актёрлик саънати «масҳарабоз» ҳам шаклланган. Миллий театрнинг намунасида ҳамон эллинистик

белгилар сақланиб қолган. Эрамиздан авваги III–II асрларда оромий, Юнон–Бақтрия ёзувлари кенг ишлатилган, кейингиси юнон алфавити асосида унга битта ҳарф қўшиб (жами 25 та ҳарф) Бақтрия ёзуви вужудга келади. Зардуштийлик ҳукмрон дин сифатида сақлансада, аҳоли ўртасида юнон худолари тимсолларига сиғиниш аломатлари пайдо бўлади. Маҳаллий аҳоли назарида Олимп худоларининг образлари билан зардуштийлик худоларининг тимсоллари–Зевс ва Ахурамазда, Апполон, Чешос ва Митра, Афродита ва Анахита образлари уйғунлашиб кетди. Юнон–Бақтрия маданияти одатда Шарқ эллинистик маданияти деб таъкидланади. Агар эллинистик маданиятга юнон ва Шарқ маданияти уйғунлиги хос деб характерланса, Марказий Осиё маданиятида маҳаллий ўзига хослик, Шарқона бетакрорлик устувордир. Бу эса айни шу пайтда Юнон маданияти қадриятларини ўзига сингдирган маданият асосида кейинги даврлар маданияти янада ривожланиди.

Бунда Хоразм маданиятини алоҳида таъкидлаш лозим. Шу минтақа суғориладиган деҳқончилик, шаҳар маданияти шаклланган энг қадимги манзилгоҳлардан бўлиб, бу ерда Ўзбекистон ҳудудидаги қадимги (эр. ав. VII–VIa) давлатнинг вужудга келишига асосланган. Хоразм (эр.ав.IV а.) Александр Мақдуний босқинига қадар Аҳмонийлар истилосидан озод бўлган давлат бўлиб хоразмийлар Ҳиндистон, Хитой, Яқин Шарқ ва ўзларининг ҳунармандчилик буюмлари билан донг таратганлар. Канал, қалъа, кўп қаватли саройлар, кураш нафақат амалий малакани, балки мураккаб ҳисоб–китоб ва ўлчовларни ҳам талаб қилар эди. Бу даврда мовий йўл кўрсаткичларидан фойдаланишни билмай дашт–саҳролардан ўтиб бўлмасдан. Хоразмликлар I асрдан VIII асргача ўзлари фойдаланган махсус тақвим тизимини яратдилар. Бу тақвим Абу Райҳон Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида муфассал тавсифланган. Бинобарин, Қўйқирилганқалъадаги обсерваториянинг қадимийлиги (эр.ав.III-II а) шубҳасиздир. Доира шаклидаги, дастлабки диаметри 42 метрли бу бино кейинчалик 8 та мустақам минорага эга бўлган деворлар билан ўралиб, диаметри 80 метрни ташкил этган. Икки қаватли марказий бино деворининг қалинлиги 7 метр бўлган. Олимларнинг тадқиқотларига кўра Қўйқирилганқалъа астрономик кузатиш, изланишлар олиб борилган илм қароргоҳи бўлган. Бинони ноёб қурилиш тизими, хоналарни мақсадга мувофиқ жойланишига кўра уни «Хоразм Стоункенти» деб аташ мумкин.

Қудратли Кушонлар империяси Орол денгизи бўйларидан Ҳинд океанигача ястаниб, ўша даврнинг бошқа уч буюк давлати Рим, Парфия ва Ханлар Хитойи билан бирга бир қаторда турди. Кушонлар империяси даври Шарқ ва жаҳон маданияти ривожига янги даврни ташкил этди. Кушон подшоларнинг тангалари Киев яқинида, Эфиопия, Скандинавия ва Рим империяси шаҳарлардан топилган. Савдо кўприклари йўллари ва Ҳиндистоннинг Ғарбидаги порт–денгиз орқали олиб борилган. Бу йўллардан хилма–хил буюмлар, жумладан Римга қандолат, қимматбаҳо тошлар, фил суяги, гуруч, зебу–зийнат ва заргарлик жиҳозлари олиб борилган. Хитойдан шойи ва тери буюмлар, Римдан тўқимачилик маҳсулотлари, кийимлар, ойна, қимматбаҳо металллар, турли винолар шу йўл орқали олиб ўтилган. Римнинг кўп миқдордаги олтин ва кумуш тангалари алоқага киритилган, ўша даврдаёқ савдо–сотикнинг ушбу йирик халқаро артерияси «Буюк ипак йўли» деб ном олди.

Маданий юксалишнинг Кушон даври (I–IV а.) диний тизимларнинг ёнма–ён яшаши билан характерланади. Бунга маълум маънода Кушон подшолари, айниқса Канишка ва Кунишка томонидан диний ақидаларга нисбатан сабр–қаноат ва ишонч – мурувват билан ёндошилганлиги имконият яратди. Канишка зарб эттирган тангаларда индус, зардушт, эллинлар худоларининг номи ва тасвирлари тушрилган. Буддизм давлат дини мақомига эга бўлишига қарамай, Кушон империяси ҳудудида зардуштийлик, жайнизм, шиваизм, манихейлик, олимп худоларига сиғиниш кенг тарқалган эди. Марказий Осиё буддавийликни бутун Осиё–Хитой, Япония, Кореяга тарқалиш манзилгоҳини ташкил этди.

Кушонлар даврида ёзувнинг турли тизимлари амал қилди. Арамей ёзуви асосида Кушон, Бақтрия алфавити Сўғд ва Хоразм ёзуви ривожланиди. Термиздаги Қоратепа, Фаёзтепадан Ҳиндларнинг Брахма, Кхаратшиха ёзувларидаги битиклар топилди. Кампиртепа эса Марказий Осиёдаги энг қадимий ноёб қўлёзма (эр. ав. II асрнинг I ярими) папирусдаги битик топилди. Асримизнинг бошида Буюк Хитой девори

минораларидан бирида топилган (Кўхна Сўғд ёзуви) алоҳида қизиқиш уйғотади. Ёзув эрамизнинг 312–313 йилларида битилган бўлиб, унда Хитойдаги Сўғд савдогарларининг фаолияти ҳақида маълумотлар берилган. Кушон санъати Кушон империясидан кейин ҳам ана шу замонлар турли эллардаги, жумладан, Марказий Осиё, Ҳиндистон ва Хитойлик санъат усталари ва ижодкорларини руҳлантириб келди. Кушон санъати анъаналари ифодаси Ҳиндистондаги Гупта давлатига хос ҳайкаллар, Сўғддаги бўрттирма тасвир ва безаклар, Шарқий Туркистон топилмаларидан бир–биридан фарқланади. Шундай қилиб, қадимги Марказий Осиё маданияти тараққиёти мобайнида ўзига хос анъана ва ютуқларни сақлабгина қолмасдан, ўлкан минтақада умумий қадриятларни вужудга келиши, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари билан маданий алоқа муносабатларни ривожлантиришга имкон яратиб маданий юксалишни янги сифат босқичига кўтарди. Қадимги Марказий Осиё маданиятининг ривож нуқтаси бўлган Кушонлар маданияти ҳудудий ва мазмун жиҳатидан айро олинган маданият эмас эди. У ўзида Шарқ, Марказий Осиё, Антик дунё ва Ҳинд маданияти ва ютуқларини мужассам этиб, Шарқ ва жаҳон халқлари маданияти яна равнақ топишига асос бўлди. Марказий Осиё Антик бадиий маданиятининг муҳим услубий хусусиятини санъатлар синтези ташкил этган: ҳайкалтарошлик, тасъвирий санъат, нақш бунда умумий меъморчилик расамадига ва унинг ритмига бўйсунган ҳолда меъморчилик билан яхлитлиқда намоён бўлди. Бу синтез Кушонлар даврида ҳам маҳаллий маданиятида ҳам ўз таъсирини сақлаб қолди. Кушонлар империяси даврида Марказий Осиёда суғорма деҳқончилик, ҳунармандчилик, шаҳарсозлик, савдо–сотик ва иқтисодий алоқалар равнақ топди. Бунга Кушон- Бақтрия ёзувлари брахма ва кхарошхи ҳинд алифбосидаги ёзувлар, кушон тангалари гувоҳлик беради. Буддизм динининг расмий даражаси Будда ибодатхоналарининг ўша замон санъати билан безатилишида намоён бўлади. Кушонлар даврида шаҳарлар қурилиши кенг ривожланди. Шаҳарлар қалин деворлар билан ўралиб, ичида арк ва арkning атрофида ҳар хил бинолар қад кўтарган, сопол идишлар ниҳоятда нафис ва жарангдорлиги ҳамда хилма–хиллиги билан ажралиб турган. Амалий санъат кенг тараққий этган. Зеб–зийнат буюмлари, меҳнат ва жанг қуроллари яшаш, мато тўқиш ривожланган. Умуман Кушонлар даври маданияти Марказий Осиё маданиятининг энг юқори чўққиси ҳисобланиб, маълум ҳудуд ва замон билан чегараланмайди. Бу маданият Олд Осиё, Марказий Осиё, Антик ва Ҳинд маданиятлари ютуқларини ўзида жамлаб, кўплаб Шарқ халқларининг Ўрта асрлардаги маданияти ривожини учун асос бўлди ва жаҳон маданияти тарихида ўчмас из қолдирди.

Назорат саволлари:

1. Қадимги Бақтрия, Хоразм, Сўғд давлатлари маданиятларини тавсифланг.
2. Марказий Осиёдаги мамлакатларнинг бир-бирига ўзаро таъсир жараёнини изоҳлаб беринг.
3. Юнон Бақтрия подшолигида қандай санъат турлари ривожланган?
4. Буюк ипак йўлининг Марказий Осиё маданияти ривожидagi ўрни ва роли ҳақида сўзланг.
5. Жаҳон маданияти ривожланишида Марказий Осиё маданиятининг ўрни ва аҳамиятини кўрсатиб беринг.
6. Қадимги даврда ёзув илм ва фанни ривожланганлигини кўрсатувчи қандай маълумотлар мавжуд?
7. Кушонлар давлати қайси ҳудудларни ўз ичига олганлигини харита асосида таърифлаб беришга тайёрланг.

Мавзу бўйича мустақил иш топшириқлар:

1. Қадимги Марказий Осиё маданияти ривожини билиб келиш.
2. Қадимги Марказий Осиё давлатлари маданиятини қиёсий ўрганиш.

Мавзу бўйича асосий хулосалар:

3. Қадимги Марказий Осиё маданияти ривожини очиб берилди.
4. Қадимги Марказий Осиё давлатлари маданиятининг ўзаро таъсири ва акс таъсири ёритиб берилди

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008.
2. Абдуллаев. М. Маданиятшунослик. –Фарғона: Фарғона, 1997.
3. Гулметов Э., Маврулов А. Маданиятшунослик (Маъруза матни). –Т.: 2000.
4. Abdullaev M., Umarov E., Ochildiev A. va b. Madaniyatshunoslik asoslari. –Т.: 2006.
5. Умаров Э., Абдуллаев М., Хакимов Э. Культурология. –Т.: Янги аср авлоди, 2006.
6. Маданиятшунослик. ЎУМ. –Гулистон: 2006.
7. Ҳожи Исматуллоҳ Абдуллоҳ. Марказий Осиёда Ислом маданияти. –Т.: Шарқ, 2005.

4-МАВЗУ: Ислом маданияти.

**Фанни ўқитиш технологияси: Ислом маданияти мавзусидаги маъруза
машғулотивнинг технологик харитаси**

Т.р	Бажариладиган иш мазмуни	Маъсул
1 босқич	<p>Дарс мақсади: Талабаларга Марказий Осиё халқларининг араб халифалигига бўлган даврдаги маданияти тўғрисида маълумот бериш, талабаларда ўтмиш маданий қадриятларга ҳурмат ҳиссини уйғотиш. Талабаларга ислом дини, унинг пайдо бўлиши ва Марказий Осиёга кириб келиши ҳақида, ислом маънавияти ва маданиятининг асосий манбалари тўғрисида тушунча бериш, Марказий Осиё мутафаккирларининг илмий билимлар ривожига қўшган ҳиссаси ҳақида маълумотлар бериш, талабаларда мустақиллик йилларида исломий қадриятларга бўлган янгича муносабат ҳақида маълумотлар бериш.</p> <p>Идентив мақсадлар:</p> <ul style="list-style-type: none"> -Марказий Осиёга ислом ва исломий маданиятнинг кириб келиши ҳақида маълумотларни умумлаштиради; -Марказий Осиёга исломнинг кириб келиши билан содир бўлган ўзгаришлар тўғрисида гапириб беради; -IX-XV асрларда Марказий Осиё маънавиятининг асосий хусусиятлари ва йўналишлари тўғрисида билимга эга бўлади; -Марказий Осиёда «Уйғониш даври» тўғрисида маълумот беради; -Марказий Осиё Уйғониш даври маънавий маданиятининг шаклланиши ва тараққиётда тасаввуфнинг роли хусусида гапиради. -Марказий Осиё Уйғониш даври фалсафасида исломий маданиятнинг ўрни ҳақида тушунча беради. 	Ўқитувчи
2 босқич	<p>Асосий тушунчалар: Мифологик образлар, зардуштийлик, туркий битиклар, ислом, муслим, Қуръон, Ҳадис, Инжил, Таврот, шариат, фикҳ, исломий қадриятлар, тасаввуф.</p> <p>Дарс шакли: Гуруҳ ва микрогуруҳда ишлаш</p> <p>Воситалар: Маъруза матнлари, семинар ишланмалар, кўргазмалар, қуроллар, тарқатма материаллар.</p> <p>Метод ва усуллар: Китоб билан ишлаш, баҳс- мунозара, ақлий ҳужум, амалий машқ.</p>	Ўқитувчи
3 босқич	<p>Гуруҳда ишлаш.</p> <ul style="list-style-type: none"> -Диний маданиятнинг ўзига хос жиҳатлари ўрганилади. -Жаҳон динлари ўзаро тасниф қилинади ва уларнинг фарқли ва ўхшаш томонлари солиштирилади. -Марказий осиега ислом динининг кириб келиши ва унинг ўтмишда ва бугунги кун инсонлари ҳаётидаги аҳамияти очиқ берилади. 	Талаба
4 босқич	<p>Мустаҳкамлаш ва баҳолаш учун саволлар:</p> <ul style="list-style-type: none"> -Жаҳон динлари ҳақида нималарни биласиз? -Марказий Осиё Уйғониш даври маънавиятнинг шаклланиши ва тараққиёти тўғрисида, уни даврлаштириш масаласидаги фикрлар хилма-хиллиги? -Ислом ва Тасаввуф илми, унинг пайдо бўлиши ва Марказий Осиёга кириб келиши ҳақида нималар биласиз? -Марказий Осиёлик қомусий олимлар илмий фаолиятлари ҳақида нималар биласиз? -Қуръони Карим ва Ҳадиси Шарифларда инсон маънавияти масалалари тўғрисида нималар дейилган? 	Ўқитувчи Талаба

	-Тасаввуф ва унинг маънавий жиҳатлари тўғрисида маълумотлар тўпланг? -тест саволларини ечиш, (5 та тест саволи). -микрогуруҳлар иши баҳоланади.	
5 босқич	Умумий якуний хулосалар чиқариш. Мақсад ва вазифалар бажарилганлиги таҳлил қилинади, тегишли таклифлар берилади.	Ўқитувчи

Асосий саволлар:

1. Шарқ ва Ғарб диний маданиятининг ўзига хос хусусиятлари.
2. Ислом маданиятидаги қадриятлар.

Таянч тушунча ва иборалар:

Мифологик образлар, зардуштийлик, туркий битиклар, ислом, муслим, Қуръон, Ҳадис, шариат, фикҳ, исломий қадриятлар, тасаввуф.

1-асосий савол. Шарқ ва Ғарб диний маданиятининг ўзига хос хусусиятлари.

Дарснинг мақсади:

Талабаларга Марказий Осиё халқларининг араб халифалигигача бўлган даврдаги маданияти тўғрисида маълумот бериш, талабаларда ўтмиш маданий қадриятларга ҳурмат ҳиссини уйғотиш. Талабаларга ислом дини, унинг пайдо бўлиши ва Марказий Осиёга кириб келиши ҳақида, ислом маънавияти ва маданиятининг асосий манбалари тўғрисида тушунча бериш, Марказий Осиё мутафаккирларининг илмий билимлар ривожига қўшган ҳиссаси ҳақида маълумотлар бериш, талабаларда мустақиллик йилларида исломий қадриятларга бўлган янгича муносабат ҳақида маълумотлар бериш.

Идентив ўқув мақсадлар:

1. Марказий Осиёга ислом ва исломий маданиятнинг кириб келиши ҳақида маълумотларни умумлаштиради;
2. Марказий Осиёга исломнинг кириб келиши билан содир бўлган ўзгаришлар тўғрисида гапириб беради;
3. IX-XV асрларда Марказий Осиё маънавиятининг асосий хусусиятлари ва йўналишлари тўғрисида билимга эга бўлади;
4. Марказий Осиёда «Уйғониш даври» тўғрисида маълумот беради;
5. Марказий Осиё Уйғониш даври маънавий маданиятининг шаклланиши ва тараққиётида тасаввуфнинг роли хусусида гапиради.
6. Марказий Осиё Уйғониш даври фалсафасида исломий маданиятнинг ўрни ҳақида тушунча беради.

1-асосий саволнинг баёни.

Марказий Осиё халқлари тарихий маданий асарларини яратишда оромий (миххат), хоразм, Сўғд, Ўрхун Энасой, уйғур ёзувлардан фойдаланишган. Қадимда халқимиз зардуштий таълимоти ва унинг муқаддас китоби «Авесто»ни яратар экан, унда ўзининг эзгу ниятлари, орзуларини баён қилади ва инсоннинг ҳаёти, яшаш маданиятини ривожлантириш, яхшилаш йўлларини излайди. Маданий ёдгорликларнинг яратилишига алоҳида эътибор билан қарайдилар. Афросиёбда Аҳмонийлар маданиятига тақлидан ясалган отлиқ подшоҳ тасвири туширилган ўчоқ, Еттисув водийсидан топилган 4 оёқли ва четларида қанотли шер тасвири 4 қулоқли катта ва кичик қозон, катта Фарғона каналидан топилган уч оёқли бронза қозон (тоғ такаси расми тушурилган), Шох Доро тобутидаги безакли тасвирилар Хоразм ва Сўғдийлар кийимлари, ёпинчиқ, тақинчоқ, ковушлар ўзларининг такрорланмаслиги билан алоҳида эътиборга молик.

Ўша давр Ўрта Осиё халқларининг тили хусусида фикр юритиш анча мушкул. Юнонистон тарихчилари бир қанча номларни келтиришади. Бироқ улар ўша номларни ўз тиларига мослаб ёзишган. Улар ўзлари ифода этолмаган шипилдоқ, жарангли

товушларни «с» ҳарфи билан алмаштириб ифода этганлар. Шу боис Тўмарис, Аморг Спортера ва Зарина номлари аслида қандай айтилганини билмаймиз. Фақат «Сак» сўзи шака шаклида ифода этилгани маълум. Чунки қадим ҳинд эпослари «Маҳобҳората» ва «Рамаяна» (мил.авв. 1 асрнинг биринчи ярми) да шу тарзда ёзилган. Амударё–юнон тилида «Аксос» хоразмийлар тилида «Олуз» Сирдарё–юнонча "Таноис" маҳаллий номи эса Яксарт, Зарафшон юнонча «Тоштилит» «Авесто»да эса, «Дайтья».

Марказий Осиё халқларининг энг қадимий ёзуви бу хумнинг сиртида тасвирланган Хоразм тилидаги қисқа ёзувдир. У катта Ойбуйирқалъа шаҳар ҳаробасидан топилган. Археологик маълумотларига кўра, бу ёзув мил. ав. V-IV асрларга тегишлидир. Мил.авв. IV-III асрларга оид яна бир қадимги Хоразм ёзуви Қўйқирилганқалъада топилган. Сопол идишнинг сиртида сақланган. Бу манба ягона «аспоборон»-отлиқ чавандоз сўзидан иборатдир.

Қадимги Хоразм ёзуви оромий алифбосига асосланган. Оромийлар–мил. авв. I минг йилликнинг бошларида Месопотомия (икки дарё оралиғи ҳудудида жойлашган қадимги халқдир) миллоддан аввалги IV-VI асрларга келиб 22 та ҳарфдан иборат бўлган, оромий алифбоси Ўрта Шарқнинг идора қилиш иш юритувчи ва маъмурий тили вазифасини бажарган.

Бақтрия тили ва ёзуви. Бу Ўзбекистон жанубида Сурхон воҳаси ва чегарадош Тожикистон, Шимолий Афғонистон ерларида жойлашган тарихий маданий вилоят аҳолисининг тили ҳамда ёзувдир. Бақтрия ёзуви 2 хил–оромий ва қадимий юнон алифбосига асосланиб ривожланган. Бақтрия тили ва ёзувлари унча мукамал ўрганилмаган.

Сак тили ва ёзуви. Марказий Осиё ва Қозоғистоннинг даштларида, чўлларида ва боғларида жойлашган кўчманчи қабилаларда олимлар фикрига кўра сак тилида ёритилган энг қадимги манба-бу Олма-ота атрофида Иссиқ кўрғонида топилган кумуш идишдаги ёзувдир. У тахминан мил. авв. V асрга тўғри келади. Тилшунослик фанларидан шундай ёзувга ўхшаган белги ёзувлари номаълум хат деб аталади. Сак тилларида ёритилган ҳужжатларнинг асосий қисми Шарқий Туркистоннинг Хотон воҳасидан топилган. Улар VII-X асрларга оиддир. Бу ёзувларни ўрганишга Г.В.Бейме, М.Ж.Длезден. Л.Г.Герценберг, Оронскийлар катта ҳисса қўшганлар.

Бу даврда муқаддас «Авесто» яратилди. Унинг асосий қаҳрамонлари Баҳди, Сўғдиёна, Марғиёна ва Айрнан Вогжа - Хоразм ҳудудларида зафарлар қозонишади. Асарда жумладан аждарҳонинг яккама якка олишувда енгган Баҳодир Крешосп ҳамда Эрон шоҳини забт этган Афросиёб шаънига мадҳиялар ўқилади.

VII асрда Ислом дини араб истилочилиқ ҳаракатидан бошланиб, VIII аср биринчи ярмида Ҳиндистондан то Атлантика океанигача, Африкадан то Мовароуннаҳргача бўлган барча мамлакатлар ва халқлар Араб халифалиги ҳукмронлигига буйсундирилади. Ислом маданияти адабиёт, санъат, фан, фалсафа, ахлоқ, урф одат, таълим тарбия кабиларнинг барчасига ўз таъсирини кучайтирди. Халифалик таркибидаги халқлар ўртасида маданий алоқалар ривожидида Исломнинг алоҳида ўрни бор. Манбаларда ёзилишича, туркийлардан ташқари ҳиндлар, тибетлар, хитойлар, эронийлар, араблар истиқомат қилишган. Бу давр маънавий ҳаётининг муҳим белгиларидан бири яна шундаки, араб, форс, туркийча яратилган маданиятларнинг ўзаро таъсири бойиб бориши учун қулай замин юзага келди. Араб, форс, турк тилларини эгаллаш, таржимонлик фаолияти, араб ислом фани соҳасида ўз билимларини чуқурлаштиришда ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатларида, шу жумладан Марказий Осиёда Уйғониш ҳаракатлари даври Европада содир бўлганидек, феодализм бағрида юз берди. Бу Марказий Осиё Уйғониш ҳаракатларининг асосий хусусиятидир. Иккинчидан Марказий Осиё Уйғониш ҳаракатининг ҳам ўзига хос маънавий таянчлари бўлган. Бу антик замон маданиятига ижобий ва ижодий муносабатда бўлишидир. Антик замон дейилганда қадимги юнон тафаккури, маданияти назарда тутилган. Шубҳасизки, бу нарса Шарқ Уйғониш даврида ҳам ижобий рол уйнайди.

IX асрдан бошлаб Шарқ алломалари юнон антик фалсафаси, фани, маданияти, адабиёти ва санъатини ижодий ўргандилар. Афлотун, Арасту ва бошқаларнинг фалсафий таълимотлари Шарқда шу руҳдаги қарашларнинг юзага келиши ва ривожига катта туртки бўлди. Ўрта аср Шарқ мамлакатларида антик замон маданияти

намуналари таржима қилинди, айна замонда Искандар ҳақидаги ривоятлари кенг тарқалди. Астрономия, медицина, математика сингари фанларнинг ривожланишига уларга битилган шарҳларнинг таъсири катта бўлди. Шунинг учун Марказий Осиё Уйғониш даври аллома ва санъаткорларнинг бадиий, илмий асарларида юнон мутафаккирлари ва буюк шакллари, образлари кенг ўрин эгаллайди. Жомийнинг «Хирадиомаи Искандар», Навоийнинг "Садди Искандарий" дostonларида юнон олимлари, саркардаси образи яратилишининг боиси шунда. Демак, Шарқ Уйғониш даври ҳам юнон маданияти билан яқиндан алоқада бўлган. Уйғониш даври ҳақида гап борганда унинг буюк сиймоларга муҳтожлиги айна вақт ўз тафаккур кучи, эҳтироси, салоҳияти, мукамаллик ва омиллик жиҳатидан улуғ кишиларни етиштириб берганлиги тилга олинади. Хоразмий, Фарғоний, Форобий, Фирдавсий, Ибн Сино, Беруний, Улуғбек, Жомий, Навоий, Беҳзод каби сиймоларнинг дунёвий маданият тарихида тутган ўрни ибратлидир.

Назорат саволлари:

1. Марказий Осиёда илк давлатлар маданиятининг вужудга келиш заминлари нималардан иборат?
2. Марказий Осиё маданиятининг тарихан ўзига хос жиҳатлари нималардан иборат?
3. Марказий Осиё минтақасининг Шарқ ва Ғарб маданиятлари ўзаро яқинлашуви ва ривожланишидаги роли ҳамда ўзига хос ўрни нималарда намоён бўлади?
4. Марказий Осиё Уйғониш даври маънавиятнинг шаклланиши ва тараққиёти тўғрисида, уни даврлаштириш масаласидаги фикрлар хилма-хиллиги нималарда намоён бўлади?
5. Тасаввуф илми, унинг пайдо бўлиши ва Марказий Осиёга кириб келиши, унинг тариқатлари тўғрисидаги маълумотлар ҳақида нималар биласиз?

2-асосий савол. Ислom маданиятидаги қадриятлар.

Дарсинг мақсади:

Талабаларга Марказий Осиёда шаклланган ва ривожланган уйғониш даври маданиятида ислomий қадриятлар ва дунёвий илmlар тўғрисида тўлиқ маълумот бериш, талабаларда ислomий қадриятларга нисбатан ҳурмат ҳиссини ўйғотиш.

Идентив ўқув мақсадлар:

1. Марказий Осиёга ислom ва ислomий маданиятнинг кириб келиши ҳақида
2. маълумотларни умумлаштиради;
3. Марказий Осиёга ислomнинг кириб келиши билан содир бўлган ўзгаришлар тўғрисида гапириб беради;
4. IX-XV асрларда Марказий Осиё маънавиятининг асосий хусусиятлари ва йўналишлари тўғрисида билимга эга бўлади;

2–асосий саволнинг баёни.

Форобий араб-мусулмон оламида «Муаллими Соний», Ибн Сино «Шайх ур раис», унвонларига эга бўлишганлиги фикрларимизнинг далилидир. Бу даврда уч тилда: араб, форс, туркий тилларида кенг ижод қилинди. Абу Мансур ал-Саолибий, Муҳаммад ал-Мурод, Абу Аҳмад ал-Котиб, Рашиддин Муҳаммад Вотвот, Хайдар ал-Хўжандий араб тилида, Рудакий, Фирдавсий, Кайковус, Умар Хайём, Носир Хисрав ва бошқалар форс тилида, Юсуф Хос Хожиб, Аҳмад Ясавий, Маҳмуд Кошғарий, Сулаймон Боқирғоний кабилар туркий тилда ижод қилганлиги маълум. Уйғониш даври маданиятининг мазмунан чуқурлиги ва кенг кўламга эга бўлишида илоҳиёт ва диншунослик соҳасида олиб борилган ишлар алоҳида саҳифани ташкил этади. Шарқшунос А. Зоҳидийнинг ёзишича, бу даврда араб-мусулмон маданият таркибий қисmlаридан бўлиши Ислom дини, Қуръони Карим ва Ҳадис, шариат қонун қоидалари, назарияси, амалиётини ишлаб чиқиши, воъизлик, хотиблик, арабий ҳаттотлик, қорилик, намоз, таҳорат тартиблари, оила ва жамият қуриш масалалари кенг тарғиб ва ташвиқ қилинади.

Ислomда одатда билимларни уч қисмга бўладилар: «Ал-адабиёт»-поэзия, лексикология, романтика ва бошқалардан ташкил топган; «ал-ҳикмат»-математика,

фалсафа, астрология ва бошқа илмлар; «аш-шариат»-илоҳий дунёвий ва амалий фаолият соҳалар бирлигини ифодалайди.

Марказий Осиё Уйғониш даври маънавий маданияти шаклланиши ва тарарққиёти унинг фалсафий, илмий ва бадиий эстетик йўналишлари моҳиятини тушунишда тасаввуфнинг ролини алоҳида таъкидлаш лозим бўлади. Тасаввуф назарий жиҳатдан VII асрда Муҳаммад пайғамбар фаолияти билан боғлиқ ҳолда шаклланганлиги тарихан манбаларда кўрсатилган. Тасаввуф даставвал Ироқ ва Эронда, IX асрда Туркистонда кенг ёйила бошлайди. Унинг кенг кўламдаги таълимотга айланишида араб олимлари Ҳасан Басрий, Рабиа Адвия, Боязид Бастомий, туркийзабон мутафаккирлар–Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Юганкий, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Абдулхолиқ Ғиждувоний, Сулаймон Боқирғоний, Нақшбанд, Навоий, Машраб кабиларнинг хизмати каттадир.

Марказий Осиё Уйғониш ҳаракатларининг дунёвий, илмий фалсафий йўналиши IX асрга бориб тақалади. Бу даврда ислом илмлари билан бир қаторда ақл кўзи билан эгалланадиган табиий фанлар-асосан фалсафа, мантиқ ва бошқалар кенг ўрганилади. Бунда айниқса юнон олимларининг араб тилига ўгирилган асарларини таъсири анча кучли бўлди. Платоннинг «Қонун ва Тилий», Аристотельнинг «Сиёсат», «Категориялар», «Этика», Гиппократнинг «Оғир касалликлар», «Инсон табиати», Галеннинг «Ҳунар», Эвклиднинг «Геометрия асослари», Птоломейнинг «Буюк қурилиш», Архимеднинг «Шар ва цилиндр» каби асарлари муҳим рол ўйнаганлиги илмий адабиётларда қайд этилади.

Шу нуқтаи назардан Хоразмий (780–830), Фарғоний (IX аср), Форобий (873–950), Беруний (973–1048) Ибн Сино (980–1037), Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб (IX аср) каби буюк алломалар Марказий Осиё Уйғониш маданиятини бошлаб берадилар, унинг илмий фалсафий негизлари ривожлантиришга ўз ҳиссаларини қўшадилар, қомусий билимга эга бўлганликларидан замоннинг етук мутафаккирлари бўлиб танилдилар. Бинобарин, бир вақтнинг ўзида бир неча билимни эгаллаш, инсон тафаккури ва ақлининг куч қудратига ишонч, фанни улуғлаш, инсонни илм эгаллаш, борлиқ сирларини ўрганишни даъват этиш Уйғониш даврининг асосий белгиларидан саналади.

Ислом дини дунё халқлари орасида кенг тарқалган динлардан биридир. Бу динга эътиқод этувчилар мусулмонлар жаҳонда карийиб 1 миллиард 400 минг кишини ташкил этади. Ислом арабча сўз бўлиб, худога ўзини топшириш, итоат, буйсиниш деган маънони англатади. Шундан буён динга ишонувчилар муслим деб аталади. Қуръони Карим илоҳий китоб бўлиб, у фаришта Жаброил алайҳиссалом томонидан Муҳаммадга нозил этилган. Бу муқаддас китоб ер юзи мусулмонларининг дастуруламали, диний аҳкомлари манбадир. Қуръони Карим Абу Бакр даврида бошланиб халифа Ҳазрати Усмон даврида яқунланган ва тўрт нусхада кўчирилган. Қуръони Каримда 114 сура, 6236 оят бор.

Илоҳиётда ислом дини уч элементдан иймон, ислом, эҳсондан иборат деб эътироф этилган. Иймон талаблари 7 та ақидани, яъни Оллоҳга, фаришталарга, муқаддас китобларга, пайғамбарларга, охират кунига, тақдирнинг илоҳийлигига ва ўлгандан кейин тирилишга ишониш талабларини ўз ичига олади. Ислом талабларига, яъни дин асослари аркони дин деб ном олган 5 та амалий маросимчилик талаблари киради. Исломнинг кишилар онги ва турмуш тарзига таъсир этиши, улар ҳаётдан мустаҳкам ўрин олишини таъминловчи диний маросимчилик хатна, рўза ҳайит, қурбонлик ва қурбон ҳайити, мавлуд, ашурулар шаклланган.

Ҳадислар ислом динида Қуръондан кейинги муқаддас манбадир. Ҳадислар тўплами суннат деб аталади. Ислом оламининг ўша даврдаги маданий марказларидан саналган Бағдод, Куфа, Басра, Дамашқ, Бухоро, Самарқанд, Урганч, Термиз каби шаҳарларда ҳадис илми билан шуғулланувчи муҳаддислар кўп бўлган. Улар ичида энг ишончли манба саналганлари олтига бўлиб, буларни Имом Бухорий, Имом Муслим, Имом Абу Довуд, Имом Термизий, Имом Насоий ва Имом Ибн Можжа тузишган. Бу буюк муҳаддисларнинг тўрт нафар Туронзаминлик бўлган.

Шариат қонун қоидалари Қуръон ва Суннат асосида ишлаб чиқилган. Унда мусулмонлар ижтимоий, иқтисодий, диний, ҳуқуқий, ахлоқий ҳаётини тартибга солувчи қонун қоидалар белгилаб берилган. Бундай тартиб қоидалар «Ҳидоят», «Виқоя», «Мухтасари хидоя», «Мухтасари Виқоя», номли китобларда жамланган.

Ислом динининг Ўрта Осиё халқлари учун аҳамияти жуда катадир. Жумладан, бизга ҳам аҳамияти беқиёсдир. IX–XII асрларда Марказий Осиё худудларида дунёвий

фан, адабиёт ва маданият билан бир қаторда ислом маданияти ҳам ривожланди ва тараққий этди. Жамиятдан маҳаллий динлар, зардуштийлик, буддизм, оташпарастлик ва бошқалар суриб чиқарилди. Араб тили ва араб ёзуви давлат аҳамиятига эга бўлган тил ва ёзув даражасига кўтарилди. Одамлар ва жой номлари, саналар, ўлчов бирликлари арабчага ўзгартирилди. Хатто она еримиз Мовароуннаҳр (икки дарё оралиғидаги жой) номини олди. Араблар ўзларининг барча фаолиятларини ислом ҳимояси, Муҳаммад Алайҳиссалом ва Аллоҳ йўлига содиқлик байроғи остида амалга оширар эдилар.

Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳадислари инсонлар, ҳаётида уларнинг турмуш тарзида жуда катта аҳамиятга эгадир. Шундай қилиб, X-XI асрларда Мовароуннаҳрда бўлиб ўтган ҳарбий сиёсий воқеалар ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётининг ривожланиши учун имкон бермади. Ижтимоий ва сиёсий аҳвол бу қадар кескинлашган бўлсада, астроном ва географ Хоразмий, файласуф Форобий, буюк олимлар Ибн Сино ва Беруний каби Ўрта Осиёнинг X-XI асрлардаги илм-фан намоёндаларининг номлари шуҳрат қозонди. Шу даврда кўплаб йирик асарлар яратилди. Масалан: Муҳаммад ибн Мусо Хоразмийнинг «Китоб ал-жабр ва муқобала» китоби, «Астрономия жадваллари», «Қуёш соати ҳақида рисола» асари. Ибн Синонинг «тиб қонунлари», «Китоб аш-Шифо», «Донишнома», Фирдавсийнинг «Шоҳнома» ва шу қабилардир. Бу даврда фан ҳар томонлама ривожланди. Шу даврда яъни X-XI асрларда адабиёт ҳам ўзига хос равишда шаклланган. Кўплаб буюк ва машҳур адиблар бизларга йирик асарлар, дostonлар ёзиб қолдирганлар. Масалан: Юсуф Ҳамадонийнинг (1049-1140) «Рутбатул-ҳаёт», «Хуросон қаъбаси», Аҳмад Яссавийнинг (ваф. 1166-1167) «Девони ҳикмат», шу билан бир қаторда Абдуллоҳиқ Ғиждувоний, Сулаймон Боқирғоний, Чағминий (ваф. 1221й) ларнинг ҳам илмларнинг ривожланишига кўшган ҳиссалари беқиёсдир. Бундай улуғ алломалар, мутафаккирлар маданият тарихи саҳнасида сўнмас из қолдирдилар.

Назорат саволлари:

1. Марказий Осиёда исломнинг ёйилиши тўғрисида маълумот беради;
2. Марказий Осиё исломий қомусий олимлар илмий фаолиятлари ҳақида нималар биласиз?
3. Қуръони Карим ва Ҳадиси Шарифларда инсон маънавияти масалалари тўғрисида нималар дейилган?
4. Тасаввуф ва унинг маънавий жиҳатлари тўғрисида маълумотлар тўпланг.

Мавзу бўйича мустақил иш топшириқлар:

1. Марказий Осиёда ислом маданияти ривожини билиб келиш.
2. Марказий Осиёда ислом маданияти тараққиётини қиёсий ўрганиш.

Мавзу бўйича асосий хулосалар:

1. Марказий Осиёда ислом маданияти ривожини очиб берилди.
2. Марказий Осиёда ислом маданиятининг маҳаллий маданиятга ўзаро таъсири ва акс таъсири ёритиб берилди

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008.
2. Абдуллаев. М. Маданиятшунослик. –Фарғона: Фарғона, 1997.
3. Гулметов Э., Маврулов А. Маданиятшунослик (Маъруза матни). –Т.: 2000.
4. Abdullaev M., Umarov E., Ochildiev A. va b. Madaniyatshunoslik asoslari. –Т.: 2006.
5. Умаров Э., Абдуллаев М., Хакимов Э. Культурология. –Т.: Янги аср авлоди, 2006.
6. Маданиятшунослик. ЎУМ. –Гулистон: 2006.
7. Ҳожи Исматуллоҳ Абдуллоҳ. Марказий Осиёда Ислом маданияти. –Т.: Шарқ, 2005.

5-МАЗЗУ: Марказий Осиё Уйғониш даври фалсафасида дунёвий маданият.

Фанни ўқитиш технологияси: Марказий Осиё Уйғониш даври фалсафасида дунёвий маданият мавзусидаги маъруза машғулотининг технологик харитаси

Т.р	Бажариладиган иш мазмуни	Маъсул
1 босқич	<p>Дарс мақсади: Талабаларга Уйғониш даври тўғрисида маълумот бериш, Уйғониш даврини даврлаштириш тўғрисидаги нуқтаи назарларни баён этиш ва бу масалага аниқлик киритиш. Шарқ Уйғониш даврининг ривожланиш босқичлари, унинг ўзига хос хусусиятлари, ўз даври учун ҳамда кейинги даврларда Шарқ ва Ғарб халқлари маданияти ривожидида тутган ўрни ва роли масаласини очиб бериш.</p> <p>Идентив мақсадлар:</p> <ul style="list-style-type: none"> -Шарқ ва Ғарб маданияти ривожланишида Уйғониш даврининг тутган ўрни ва ролини аниқлаб олади. -Уйғониш даврини даврлаштириш масаласини илмий жиҳатдан тушуниб етади. -Уйғониш даврининг илк бор қайси ҳудудларда келиб чиққанлиги тўғрисидаги фикрларни фарқлайди ва уларни ўзаро солиштиради. -Шарқ Уйғониш даври маданиятининг келиб чиқиш манбаларини таҳлил қилади. -Уйғониш даври маданиятини белгилаган ижтимоий-сиёсий омилларни кўрсатиб беради. 	Ўқитувчи
2 босқич	<p>Асосий тушунчалар: Уйғониш даври, Ренессанс, мусулмон маданияти, қорахонийлар, миниатура, Сомонийлар, мусаввирлик, ҳаттотлик, қўлёзма.</p> <p>Воситалар: Маъруза матнлари, кўргазмалар қуроллар, тарқатма материаллар.</p> <p>Метод ва усуллар: Ақлий ҳужум, баҳс мунозара, амалий машқ, савол-жавоблар.</p>	Ўқитувчи
3 босқич	<p>Гуруҳда ишлаш.</p> <ul style="list-style-type: none"> - Шарқ ва Ғарб маданияти ривожланишида Уйғониш даврининг тутган ўрни ва ролини аниқлаб олинади. -Уйғониш даврини даврлаштириш масаласини илмий жиҳатдан таҳлил қилинади. -IX-XII асрларда Марказий Осиёда "мусулмон маданияти", "араб маданияти" деб номланган тушунчалар умумлаштирилади ва уларга изоҳ берилади. -Шарқ Уйғониш даври маданиятининг келиб чиқиш манбалари таҳлил қилинади. -Уйғониш даври маданиятини белгилаган ижтимоий-сиёсий омиллар кўрсатиб ўтилади. 	Талаба
4 босқич	<p>Мустақамлаш ва баҳолаш учун саволлар:</p> <ul style="list-style-type: none"> -Уйғониш даври тушунчаси ва Шарқ Уйғонишининг ўзига хослиги нималарда намоён бўлади? -Уйғониш даври Марказий Осиё файласуфларининг буюк ҳиссалари? -Марказий Осиёнинг миллий маданий Уйғонишини қандай даврларга бўлиш мумкин? -Уйғониш даври маданиятининг асосий белгилари нималардан иборат? -IX-XII асрларда Марказий Осиё ҳудудида мавжуд бўлган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва мафкуравий муҳит ҳақида 	Ўқитувчи Талаба

	сўзланг? -Марказий Осиё мутафаккирларининг жаҳон маданиятига қўшган ҳиссаси? -тест саволларини ечиш, (5 та тест саволи). -микрогуруҳлар иши баҳоланади.	
5 босқич	Умумий якуний хулосалар чиқариш. Ушбу мавзунинг мазмун моҳияти ёритилганлиги таҳлил қилинади, мавзу юзасидан тегишли таклифлар берилади.	Ўқитувчи

Асосий саволлар:

1. Уйғониш даври тушунчаси ва уни даврлаштириш масаласи.
2. Уйғониш даври маданиятининг намоянда ва уларнинг жаҳон фани ва маданияти ривожига қўшган ҳиссаси.

Таянч тушунча ва иборалар:

Уйғониш даври, Ренессанс, мусулмон маданияти, қорахонийлар, миниатура, Сомонийлар, мусаввирлик, ҳаттотлик, қўлёзма.

1-асосий савол. Уйғониш даври тушунчаси ва уни даврлаштириш масаласи.

Дарснинг мақсади:

Талабаларга Уйғониш даври тўғрисида маълумот бериш, Уйғониш даврини даврлаштириш тўғрисидаги нуқтаи назарларни баён этиш ва бу масалага аниқлик киритиш. Шарқ Уйғониш даврининг ривожланиш босқичлари, унинг ўзига хос хусусиятлари, ўз даври учун ҳамда кейинги даврларда Шарқ ва Ғарб халқлари маданияти ривожига тутган ўрни ва роли масаласини очиқ бериш.

Идентив ўқув мақсадлар:

1. Шарқ ва Ғарб маданияти ривожланишида Уйғониш даврининг тутган ўрни ва ролини аниқлаб олади.
2. Уйғониш даврини даврлаштириш масаласини илмий жиҳатдан тушуниб етади.
3. Уйғониш даврининг илк бор қайси ҳудудларда келиб чиққанлиги тўғрисидаги фикрларни фарқлайди ва уларни ўзаро солиштиради.
4. Шарқ Уйғониш даври маданиятининг келиб чиқиш манбаларини таҳлил қилади.
5. Уйғониш даври маданиятини белгилаган ижтимоий-сиёсий омилларни кўрсатиб беради.

1-асосий саволнинг баёни:

Шарқ Уйғониши, Шарқ Ренессанси ҳақида гап кетганда турли соҳа олимлари-тарихчилар, адабиётшунослар, маданиятшунослар ва санъатшунослар бу масалага бефарқ бўлмаганларидек, қарашлар ҳам асосан иккига бўлинади. Уйғониш атамаси (итальянча-французча Renaissans-Уйғониш)ни даставвал шу маданият соҳиблари-итальян гуманистлари ишлатганлар. Жумладан, италиялик ёзувчи Ж.Бокаччо бу атамани Джотто ижодига қарата, «у антик санъатни уйғотди» деб биринчи бор ишлатган эди. Бутун бир даврни англатувчи тушунча сифатида санъат тарихчиси Ж. Вазари (1511-1574) тарафидан унинг «Машҳур санъаткорлар ҳаётидан лавҳалар» китобида (1550) тилга олинган. Кўпчилик олимлар Европа Уйғониш даврини классик тарзда даврлаштириб у XIV-XVI асрларга хос деб билсалар, бошқалар Уйғониш маданиятини бир мунча илгарироқ XII аср-Каролинглар Ренессансдан бошлаб, Испания, Италия шимолидаги мамлакатлар (Шимолий Уйғониш) Уйғониш-XVII аср билан якунлайдилар. 1950 йилларнинг ўрталарида эътиборан «Шарқ» Уйғониш даври масаласида жиддий мунозара баҳс кетди. Хитой маданияти тарихи таҳлилида академик Н. Конрад Уйғониш даврини қадимги, ўрта асрлар сингари инсоният цивилизациясининг барча минтақаларига хос умумбашарий ҳодиса деб қарайди. Умумжаҳоний жараён ҳисоблаган Уйғониш Шарқда (Хитой) VI-VIII асрларда бошланиб, Ғарб сари силжиган ва XIV асрда Европа ҳодисасига айланган. Уйғонишнинг бундай талқинига қарши бу ҳодиса турли мамлакатларда минтақавий, айрим кўринишларда амал қилиши мумкин, лекин у умумжаҳоний феномен бўлиши мумкин эмас, деб ҳисобловчилар ҳам бор. Уйғониш

даври Хитойда (Конрад), Кореяда (Тен), Эрон ва Тожикистонда (Брагинский, Никитин), Ҳиндистонда (Цемшев), Туркияда (Меллов), Арманистонда (Чалоян), Озарбайжонда (Гаджиев), Грузияда (Нуцубидзе, Натадзе) кечканлиги ҳақида айрим маълумотлар келтирилади. Айни чоғда ҳар икки қараш тарафдорларини Европа Уйғониш даврини мутлақо бетакрор ҳодиса деб қаровчи муаллифлар (А. Лосев, М. Петров) жиддий танқид қиладилар.

Марказий Осиё минтақасидаги Уйғониш ҳақида гап борганда IX–XII асрлар аввало ҳорижий маданият ва қарор топган исломий эътиқодга нисбатан ривожланган ва бойиган қадимий маданият негизида миллий Уйғониш деб қаралмоғи лозим. Марказий Осиё узоқ йиллик тарихида кўп босқич ва талончиликларни кўрди, уларга қаршилик ва озодлик, мустақиллик учун кураш олиб борди. Ҳақиқат шундаки, ҳар бир босқиндан сўнг миллий давлатчилик ва маданият тикланди. Мустақилликка интилиши ғояси ва ҳаракати ўзга халқлар томонидан яратилган маданиятларни инкори эмас. Марказий Осиё маданиятида умуминсоний аҳамиятга молик жамики маданият ютуқлари ижодий уйғунлашганидек, айни пайтда минтақа маданияти бошқа халқлар маданиятларига самарали таъсир кўрсатди ва уларни бойитди.

Мавжуд адабиётлар ва фикрлар таҳлили асосида Марказий Осиёдаги халқлар Миллий маданий Уйғонишни уч даврга бўлиши мумкин:

1. IX – XII асрлар – араб босқинидан кейинги давр.
2. XIV – XV асрлар мўғул истилосидан кейинги давр.
3. XX аср боши ва ҳозирги давр-колониал босқин ва Совет давридан кейинги сиёсий, миллий, маданий Уйғониш.

Мустақиллик ва миллий маданият Уйғониш ҳодисалари моҳиятан, ички жиҳатдан узвий боғлиқ бўлиб, бу хусусда академик М. М. Хайруллаев шундай ёзади. «Мустақиллик ва Уйғониш, Мустақиллик ва юксалиш узвий боғлиқдир, у биздан ақл идрокни, билимни, истеъдоду қобилиятни, фаолликни, куч–ғайратни талаб этади».

Назорат саволлари:

1. Уйғониш даври тушунчаси ва Шарқ Уйғонишининг ўзига хослиги нималарда намоён бўлади?
2. Уйғониш даври Марказий Осиё файласуфларининг жаҳон фалсафаси, илм-фани ва маданияти тараққиётига қўшган буюк ҳиссалари нималардан иборат?
3. Марказий Осиёнинг миллий маданий Уйғонишини қандай даврларга бўлиш мумкин?
4. Уйғониш даври маданиятининг илк бор қайси ҳудудларда келиб чиққанлиги тўғрисида фанда қандай қарашлар мавжуд?
5. Бу маданиятни маълум бир халққа тегишли деб ҳисоблаш мумкинми?

2-асосий савол. Уйғониш даври маданиятининг намоянда ва уларнинг жаҳон фани ва маданияти ривожига қўшган ҳиссаси.

Дарсинг мақсади:

Талабаларга Шарқ Уйғониш даврининг ривожланиш босқичлари, унинг ўзига хос хусусиятлари, ўз даври учун ҳамда кейинги даврларда Шарқ ва Ғарб халқлари маданияти ривожига тутган ўрни ва роли масаласини очиқ бериш.

Идентив ўқув мақсадлар:

1. IX-XII асрларда Марказий Осиёда "мусулмон маданияти", "араб маданияти" деб номланган тушунчаларни умумлаштиради ва уларга изоҳ беради;
2. Шарқ Уйғониш даври маданиятининг келиб чиқиш манбаларини таҳлил қилади;
3. Уйғониш даври маданиятини белгилаган ижтимоий-сиёсий омилларни кўрсатиб беради.

2-асосий саволнинг баёни.

IX–XII асрларда Марказий Осиё минтақасида маданият юксалиши парвоз босқичга чиққанлиги тўғрисида гап борар экан, айни шу ҳудуд жаҳонни хайратга солган буюк мутафаккирларни етиштириб берганлиги, илм–маърифат, бетакрор кашфиётлар

бешиги–тарихда «Мусулмон маданияти», «араб маданияти» деб номланган тушунчалар билан баҳолангани бежиз эмас, ўрта аср тарихчилари ва сайёҳлари ушбу даврда Марказий Осиёда иқтисод, савдо ўсганлиги, кўркам шаҳарлар қад кўтарганлиги, илм–маърифат гуркираб ривожланганлиги ҳақида маълумот берадилар.

Марказий Осиёда Уйғониш даври маданиятининг белгилари қуйидагилар:

- дунёвий илмларига интилиш, дин ва диний билимларни жамият, инсонлар манфаати нуқтаи назаридан талқин этиш;

- турли халқларнинг маънавий–маданий мероси ўтмиш маданий қадриятларидан (араб, эрон, юнон маданияти бойликлари) фойдаланиш;

- табиатни, мавжуд ҳаётни, мавжудотни ўрганишга қизиқишнинг кучайиши, унинг сирларини очишга ва ундан фойдаланишга интилишнинг ортиб бориши, шу муносабат билан табиатшунослик илмларининг ривожланиши;

- билишда ақлни мезон деб билиш, ақлнинг билиш, рационалистик усул, илмийлик ролининг ошиб бориши;

- инсонга муҳаббат, унинг ахлоқий, ақлий хислатларини, қобилиятларини ўрганиш ва фазилатларни очиб беришга интилиш, мантиқ илмига катта эътибор бериш, комил инсонни тарбиялаш, етук фозил жамоа ҳақидаги фикрларни асослаб бериш;

- диний тасаввур, диний таълимотлар ривожда диний ахлоқий мавзунинг устунлиги, инсон хулқи, манфаатларининг диний ғояларда етакчи мавзуга айланиши, ички маънавий камолот, Оллоҳга субъектив ички мукаммаллашув, маънавий–руҳий кўтарилиш, юксалиш ёрдамида эришув ва унинг сифатларига муяссар бўлишига қаратилган фаолият;

- оғзаки ва ёзма сўзга катта эътибор, унинг ижтимоий ахлоқий қудратини куйлаш, таърифлаш, шеърят, филология, бадий маданиятнинг юксак ривожи, сўз санъати, риторика билан шуғулланиш маданийликнинг муҳим белгисига айланиб қолиши.

Уйғониш даври маданиятининг буюк намоёндалари ўз ижод, изланишларида бевосита қадимги маданий меросга таяндилар. Аввалги маърузада Марказий Осиё халқларининг қадимги юнонлар, римликлар, месопатамияликлар, ҳиндистонликлар ва хитойликларнинг маданияти билан яқиндан таниш бўлганлиги, бу тилларни яхши билганликларини қайд этган эдик. Юртни ҳаробага айлантирган, маданий ёдгорликларни хонавайрон қилган, илм аҳлларини қувғин этган (Ибн Кутайба) араб босқинига қарамай, қадимги бой маданият иссиз йўқолмади. Ислол бутун маданиятга, тилга удум–анъаналарга маълум даражада ўз таъсирини ўтказган бўлсада, унинг моҳияти ўзгармади. Бу халқимизга хос эзгулик, меҳр–шафқат, инсонпарварлик, хайр–мурувват, оққўнғиллик, бағрикенглик, илмга ташналик, ўзга халқларга чуқур эҳтиром фазилатларидир. Юнон, Ҳинд ва Хитой маданиятини жуда яхши билган Марказий Осиёнинг илм аҳлигина ўзга халқларни бошқалар маданияти билан яқиндан таништириши мумкин эди. Шунинг учун ҳам машҳур математик Хоразмий ҳиндларнинг ҳисоб тизимини, Форобий юнонистонлик Арастунинг фалсафий таълимотини, Ибн Сино Гиппократ тиббиётини янги даврда янги босқичга кўтарди, имом ал-Бухорий исломий таълимотни асослади, Муҳаммад Пайғамбардан кейинги иккинчи шахсга айланди.

Уйғониш даврида миллий маданиятни юксалтиришга эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Мустақилликни қўлга киритган Самонийлар сулоласининг биринчи ҳукмдорлари миллий маданий қадриятларни барқарор этмасдан туриб тўла давлат мустақиллигига эришиш мумкин эмаслигини англадилар. Жумладан, она юрт мадҳи бу даврда шу даражага кўтарилдики, зардуштийлик эсланмай қолди. Араб ёзувида бадий ижодни таъқиқламаган ҳолда, сомонийлар оддий халқ англайдиган тилда ёзган муаллифларни тўла қўллаб–қувватладилар. Сомонийлар нафақат адабиёт аҳлига, барча олимларга ҳомийлик кўрсатиб Шероз кутубхонаси билан рақобат даражасида бўлган ўлкан кутубхонани асосладилар. Улуғ аллома Ибн Синонинг хотирлашича, кутубхона кўп хонали бўлиб, хоналарнинг бирида араб китоблари, шеърлари, бошқасида фикҳга оид китоблар сақланган. Шу тартибда ҳар бир хонада фаннинг маълум соҳасига доир китоблар жамланган. Китоб ёзишнинг кучайиши, хатотлик санъатининг, уни безаш, нақшлар билан кўркам қилиш мусаввирлик санъатининг ривож топишига олиб келган.

Умуман, бу даврда қўлёзмаларни кўчириш, тайёрлаш, тўплаш маданий ҳаётнинг муҳим соҳасига айланган. Маълумки, асар фақат қўлда бир нусхадагина ёзилар эди.

Босмахона эса бир неча асрдан сўнггина пайдо бўлган. Ёзилган асарни нусхасини кўпайтириш, бошқаларга етказиш, ундан нусха олиш зарур эди. Шунинг учун нусха кўчириш, асарни кўпайтиришга катта эътибор берилди.

Махсус нусха кўчириш билан шуғулланувчилар, хуснихат соҳиблари пайдо бўлиб, улар буюртма ёки сотиш учун асарлардан нусха кўчириш билан шуғулланганлар. Китобдан нусха кўчириш, китоб савдосининг кенг йўлга қўйилиши ҳамда маърифат аҳлини тинимсиз фаолияти туфайли Бухоро, Самарқанд, Марв, Нишопур, Бағдод, Дамашқ сингари шаҳарларда катта кутубхоналар вужудга келди. Бозорларда китоб расталари кўпайди, китоб савдоси, уни тарқатиш билан шуғулланувчилар фаолияти кенгайди. Марказий Осиёга Бағдод, Миср, Эрон ва Испаниянинг турли шаҳарларидан қўлғамалар келтирилиб, юртдошларимизнинг қўлғамас асарлари бошқа ўлкаларга олиб кетиладиган бўлди.

Назорат саволлари:

1. Уйғониш даври маданиятининг асосий белгилари нималардан иборат?
2. IX-XII асрларда Марказий Осиё ҳудудида мавжуд бўлган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва мафкуравий муҳит ҳақида сўзланг.
3. Марказий Осиё мутафаккирларининг Араб дунёси ва жаҳон маданияти ривожига қўшган ҳиссаси ҳақида нималарни биласиз?

Мавзу бўйича мустақил иш топшириқлар:

1. Уйғониш даври маданиятининг асосий белгилари билиб келиш.
2. Уйғониш даври маданиятининг асосий белгилари бошқа уйғониш даврлари билан қиёсий ўрганиш.

Мавзу бўйича асосий хулосалар:

1. Уйғониш даври маданиятининг асосий белгилари очиб берилди.
2. Уйғониш даври маданиятининг маҳаллий маданиятга ўзаро таъсири ва акс таъсири ёритиб берилди

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008.
2. Абдуллаев. М. Маданиятшунослик. –Фарғона: Фарғона, 1997.
3. Гулметов Э., Маврулов А. Маданиятшунослик (Маъруза матни). –Т.: 2000.
4. Abdullaev M., Umarov E., Ochildiev A. va b. Madaniyatshunoslik asoslari. –Т.: 2006.
5. Умаров Э., Абдуллаев М., Хакимов Э. Культурология. –Т.: Янги аср авлоди, 2006.
6. Маданиятшунослик. ЎУМ. –Гулистон: 2006.
7. Ҳожи Исматуллоҳ Абдуллоҳ. Марказий Осиёда Ислом маданияти. –Т.: Шарқ, 2005.

6-Мавзу: Темур ва темурийлар даври маданияти.

Фанни ўқитиш технологияси: Темур ва темурийлар даври маданияти мавзусидаги маъруза машғулотининг технологик харитаси

Т.р	Бажариладиган иш мазмуни	Маъсул
1 босқич	<p>Дарс мақсади: Талабаларга Темур даври ҳақида, у билан боғлиқ Уйғониш даврида маданият, маърифат тўғрисида тўлиқ маълумот бериш. Темур салтанатида қилинган маънавий-маърифий ишлар, уларнинг жамият ижтимоий, иқтисодий ва маънавий ривожига ўрни хусусида маълумот бериш. Темур даври маънавий ҳаётининг юксаклиги даражасини батафсил ёритиб, тушунтириб бериш, уларда ўтмиш маданий меросга эҳтиром ҳиссини уйғотиш.</p> <p>Идентив мақсадлар:</p> <ul style="list-style-type: none"> -Темур маърифатпарвар, юксак маънавиятли комил инсонлигини асослаб беради. -Темур даврида ижтимоий-фалсафий фикрлар хусусида гапириб беради. -Темурнинг маънавий олами хусусида тўхталади. -Темурнинг шарафли номлари, унинг пирлари тўғрисида маълумот беради. -Темур ва Темурийлар давлатининг иқтисодий ва маданий турмуши хусусида гапириб беради. 	Ўқитувчи
2 босқич	<p>Асосий тушунчалар: Амир Темур, темурийлар, салтанат, Султония, Бибиҳоним, масжид, мақбара, Мовароуннаҳр, Регистон, настаълиқ, тасаввуф, нақшбандия, тузуклар.</p> <p>Дарс шакли: Гуруҳ ва микрогуруҳда ишлаш</p> <p>Воситалар: Маъруза матнлари, кўргазмалар қуроллар, тарқатма материаллар.</p> <p>Метод ва усуллар: Ақлий ҳужум, амалий машқ, баҳс мунозара.</p>	Ўқитувчи
3 босқич	<p>Гуруҳда ишлаш.</p> <ul style="list-style-type: none"> -Темур маърифатпарвар, юксак маънавиятли комил инсонлиги асослаб берилади. -Темур даврида ижтимоий-фалсафий фикрлар ривожига хусусида фикр билдирилади. -Темурнинг маънавий олами хусусида маълумотлар бера олади. -Темурнинг шарафли номлари, унинг пирлари тўғрисида маълумот олинади. -Темур ва Темурийлар давлатининг иқтисодий ва маданий турмуши хусусида гапириб берилади. 	Талаба
4 босқич	<p>Мустақамлаш ва баҳолаш учун саволлар:</p> <ul style="list-style-type: none"> -Темур ва Темурийлар ҳақида шўролар даврида қандай фикрлар мавжуд эди? -«Амир Темур ўз даврининг маърифатпарвари» жумласига изоҳ беринг? -Темурийлар давлатининг маънавий ва маданий юксалишининг асосий сабаблари нимада эди? -Темурнинг шарафли номлари тўғрисида нималар биласиз? -Темур замонига ободончилик ва қурилиш ишлари хусусида нимларни биласиз? -тест саволларини ечиш, (5 та тест саволи). -микрогуруҳлар иши баҳоланади. 	Ўқитувчи Талаба
5 босқич	<p>Умумий якуний хулосалар чиқариш.</p> <p>Темур ва Темурийлар даври маданий ҳаёти ҳар томонлама ўрганилганлиги таҳлил қилинади, тегишли тақлиф ва</p>	Ўқитувчи

Асосий саволлар:

1. Темур ва темурийлар давлатининг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маиший тараққиёти.
2. Темур ва темурийлар даври маданий юксалишининг умумий омиллари.

Таянч тушунча ва иборалар:

Амир Темур, темурийлар, салтанат, Султония, Бибиҳоним, масжид, мақбара, Мовароуннаҳр, Регистон, настаълиқ, тасаввуф, нақшбандия, тузуклар.

1-асосий савол. Темур ва темурийлар давлатининг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маиший тараққиёти.

Дарснинг мақсади:

Талабаларга Темур даври ҳақида, у билан боғлиқ Уйғониш даврида маданият, маърифат тўғрисида тўлиқ маълумот бериш. Темур салтанатида қилинган маънавий-маърифий ишлар, уларнинг жамият ижтимоий, иқтисодий ва маънавий ривождаги ўрни хусусида маълумот бериш. Темур даври маънавий ҳаётининг юксаклиги даражасини батафсил ёритиб, тушунтириб бериш, уларда ўтмиш маданий меросга эҳтиром ҳиссини уйғотиш.

Идентив ўқув мақсадлар:

1. Темур маърифатпарвар, юксак маънавиятли комил инсонлигини асослаб беради.
2. Темур даврида ижтимоий-фалсафий фикрлар хусусида гапириб беради.
3. Темурнинг маънавий олами хусусида тўхталади.
4. Темурнинг шарафли номлари, унинг пирлари тўғрисида маълумот беради.
5. Темур ва Темурийлар давлатининг иқтисодий ва маданий турмуши хусусида гапириб беради.

1-асосий саволнинг баёни.

Марказий Осиё Уйғониш даврининг иккинчи босқичи XIV–XV асрларни ўз ичига олади. Мазкур давр ҳақида шуни таъкидлаш керакки, бу давр маданиятида илмий-фалсафий йўналишлар билан бир қаторда бадиий эстетик тамойиллари ҳам кенг тарғиб этилади. Айниқса шу давр Шарқ мутафаккурлари Қозизода Румий, Улуғбек, Али Қушчи ва бошқалар устувор даражада илмий фаолият билан шуғулланган бўлсалар, Саккокий, Лutfий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Беҳзод кабилар ижодида бадиий-эстетик ғоялар марказий ўрин тутлади.

Марказий Осиё Уйғониш даврининг етуклик даври деб ҳисобланган бу босқичи Темур ва темурийларнинг сиёсий ҳукмронлиги даврига тўғри келади. Тарихшунос олим Б. Аҳмедовнинг қайд этишича, темурийлар деб ном олган сулола Мовароуннаҳр, Афғонистон, Эрон, Озарбайжонда XIV асрнинг 70 йилларидан XV асрнинг бошларигача ҳукмронлик қилади. Марказий Осиё XIV асрнинг 40 йилларида Чиғатой улусида феодал тарқоқлик кучаяди. Бунинг натижасини мамлакатда нотинчлик вужудга келади ва тахт тепасига машхур Темур келади.

Темурийлар даври маданияти тушунчаси чуқур маънога эга бўлиб, унинг ривожига Улуғбек, Ҳусайн Бойқаро, Бобур сингари темурийзодалар, шу билан бирга ўша даврда яшаган алломалар Жомий, Навоий, Беҳзод сингари ижодкорлар, Ғиёсиддин Самарқандий, Хондамир каби тарихнавислар, юзлаб меъморлар, мусиқа арбоблари, хунармандчиликнинг моҳир усталари катта аҳамиятга эга бўлган улушларини қўшади.

Соҳибқирон Амир Темур салтанати жуда катта ва бой маънавий заминга қурилган бўлиб, шу давлатнинг асосий устуни маънавий бой ўтмишга эга. Темур фаолияти давомида маънавий ахлоқий фазилатлари шакллантириш маълум тарихий жараёнларни ўз бошидан кечирган. Темурнинг ўз устозларига бўлган ҳурмати, муносабати, садоқати, эҳтироми масаласи. Темурнинг муҳим фазилатлардан бири инсониятга бўлган ҳурмати, илм-фан, маданиятни юксак қадрлаши ифодасидир.

Бинобарин, унинг устозлари ўз замонасининг фозилу-фузалолари Хожа Шамсиддин Кулол, Сайид Амир Кулол, Мавлоно Абу Бакр Таёбодий, Мир Сайид Баракалар бўлишган. Амир Темур ҳамиша куйидаги мисраларни таъкидлаб келган "салтанатимдан орттирган жамики бойлигим ва мустаҳкам маъволарни фатх этганим барчаси Шайх Шамсиддин Кулолнинг дуоси, Мовлоно Зайниддин Абу Бакр Таёбодий ҳиммати ва Сайид Барака шарофатидандир".

Бу ўрнида Темур тузукларида кўплаб мисоллар келтирилганлигини эслашимиз мумкин. Темур салтанатида маънавий омиллар ҳақида сўз борганда унинг ислом дини, шариат қоидаларини ҳамиша қўллаб-қувватлаганлигини, улар ривожига алоҳида эътибор берганлигини таъкидлашимиз лозим. Айниқса соҳибқирон исломнинг маънавий тарбиядаги мавқеига алоҳида эътибор берди. Ислоннинг Туркистон халқлари маънавий ҳаётидаги мавқеини юқори тутганлиги, унинг равнақига жуда катта ҳисса қўшганлиги туфайли Темур 800 йилликнинг бошидаги дин тарқатувчиси унвонига сазовор бўлади. Ислон қонун қоидаларини шариат талабларини билиш, уларнинг мазмунини англаб етиш масаланинг бир томони Темур ана шундай маънавий тамойилларини ўз фаолиятида ҳар томонлама қўллаши ишлар ва давлатчилик ишларини юргизишда уларга суянган ҳолда масалаларни ҳал этиш масаланинг бошқа муҳим бир томонидир.

Соҳибқирон Амир Темур ўз салтанатида тили, эътиқоди, урф-одатлари ҳудудлари турлича бўлган кишиларнинг ҳамжиҳатлиги учун ҳам кўп кайғуради. Жаҳоннинг турли мамлакатларидан келтирилган минглаб ҳунармандларни иш билан таъминлайди, улар ўртасидаги мунсосбатнинг самимий бўлишига эътибор беради. Тарихчиларнинг маълумотларга қараганда, келтирилган 150000 дан ортиқ кулоллар, заргарлар, тўқувчилар, меъморлар, тош йўнувчилар ва бошқа ҳунармандлар ўртасида яхши алоқалар ўрнатади ва улар меҳнатини муносиб тақдирлайди. Юқоридаги фикрлар ҳулосаси билан жаҳоннинг юзлаб тарихчи-ю олимлари ёзиб қолдирганлар. Уларнинг эътирофича, Темур фалсафа, тарих, табобат, жузум фанларидан яхши хабардор бўлган. шеърият соҳасида эстетик онги юксак эканлиги ҳақида Навоий «Мажолис ун-нафоис» да келтиради.

Темур фан, маданият соҳасида жуда тўғри сиёсат олиб боради. Гап шундаки, у Туркистон халқлари маънавий маданияти миллий хусусиятларига содиқ қолгани, тараққий эттиргани ҳолда, умуминсоний кадриятлардан баҳраманд бўлиш учун ҳам реал имкониятлар яратади. Бу даврнинг маданият арбоблари ҳам Шарқ, ҳам Ғарб маънавияти ютуқларидан баҳраманд бўладилар ва ижод қиладилар. Иккинчидан, исломнинг умуминсоний ғоялари, ислом маданиятининг ранг-баранг йўналишлари халқимиз маданияти, урф-одатлари, маросимлари, томошалари руҳига кириб бориб, мазмунан бойитади. Учинчидан, маданият ва санъат соҳасида, маиший турмуш соҳасида хотин-қизларнинг эр йигитлар билан байрамларда, улуғ айём кунларда эркин иштирок этишлари маданиятнинг маънавий аҳамиятини янада юқори кўтаради. Бинобарин, темурийлар шундай ғояларни илгари суришганки, хотин-қизлар оила қуришда, илм олишда, ҳунарда, санъатда ўз қобилиятларини эркин кўрсатишлари мумкин бўлган. Темурий маликалари, беклари ва ҳокимлар саройдагина эмас, байрамларда, сайилларда халқ оммаси олдида очиқ юрганликлари, ҳатто элчилар билан мунозора олиб борганликлари, меҳмон қабул этганликлари, умуман, давлат ишларида, шеъриятда, соз чалишда ўз қобилиятларини намойиш этганликлари ҳақида тарихий манбаларда ёзиб қолдирилган.

Темурнинг меъморчилик соҳасида олиб борган ишлари жуда катта аҳамиятга эга бўлиб, буларга Самарқанд атрофида қурилган 12 та чорбоғ, 10 яқин йўлдош шаҳарчаларининг қасрлари яққол мисол бўла олади. У яратган боғлар-Боғи Шамол, Боғи Баланд, Боғи Биҳишт, Боғи Чинор ва бошқаларда олиб борилган ободончилик ишлари натижасида Самарқанд, Хива, Шаҳрисабз, Бухоро каби шаҳарлар гуркираб ўсади ва кўркам тус олади. Соҳибқирон Темур юбилеи муносабати билан чоп этилган илмий тадқиқотларда темурийлар даврида моддий маданиятнинг туқимачилик, кулолчилик, чилангарлик ва металл буюмлар ясаш, темирчилик ва бинокорлик каби соҳалари асосий ўрин тутганлигига алоҳида эътибор қаратилди. Темурийзодалар Улуғбек (1394-1449), Султон Ҳусайн (1438-1506), Бобур (1483-1530) илм фан ва маданият тараққиётига фақатгина ҳомийлик қилиб қолмасдан, айна вақтда ўзларининг

бетакрор шахсий илмий, фалсафий, бадиий эстетик фаолияти билан унинг тараққиётига катта ҳисса қўшдилар.

Сохибқироннинг бунёдкорлик соҳасидаги хизматлари беқиёс. У томонидан бунёд этилган мадрасалар, масжидлар, хонақоҳлар, саройлар, боғлар, қалъалар, каналлар ва бошқа иншоотларнинг сон-саногии йўқ. Юқори савиядаги билимга эга бўлган Амир Темур тарих, тиббиёт, математика, астрономия, меъморчилик соҳаларида бемалол баҳслашар эди. Мазкур фазилят унинг набираси Мирзо Улуғбекка ҳам ўтгани шубҳасиз. Мирзо Улуғбек нафақат давлат арбоби, у буюк олимдир ҳам. Темурнинг маънавий набираларига, тахт ворисларига қолдирган ўғитлари «Темур тузукларида» ифода этилган:

- Юз минг аскар қила олмаган ишни бир тўғри тадбир билан амалга ошириш мумкин.

- Ҳеч кимдан ўч олиш пайида бўлмадим, тузимни тотиб, менга ёмонлик қилганларни Парвардигори оламга топширдим.

- Содиқ ва вафодор дўст улким, ўз дўстидан ранжимади, дўстнинг душманини ўз душмани деб билади, агар керак бўлса, дўсти учун жонини ҳам аямайди.

Амир Темур маърифатга ҳам алоҳида эътибор билан қарайди. Бу эса мамлакатнинг гуллаб яшнашига сабаб бўлди.

Бутун дунёга номлари машҳур тарихчилар Шарафиддин Али Яздий, Хондамир, Самарқандлик олимлар—Улуғбек, Али Қушчи, Қозизода Румий, файласуф шоирлар—Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Лutfий, Саккокий, Атоий; мусаввирлар—Камолиддин Беҳзод, Қосим Али, Мирак Наққош, хаттотлар—Султон Али Машҳадий, Султон Муҳаммад Хандон, Муҳаммад Бин Нур ва бошқалар шу даврнинг улуғ мутафаккирларидир. Уларнинг ҳаммаси инсон маънавияти, маърифати ва маданияти ютуғининг барча соҳаларини эгаллаган улуғ сиймолар, қомусий илм, ақл эгалари бўлганлар.

Камолиддин Беҳзод ва унинг шогирдлари ижодида юксак босқичга кўтарилган мусаввирлик санъати Шарқ Уйғониш даврининг энг катта ютуқларидан биридир. Беҳзод ўзининг такрорланмас ижоди, гўзал миниатюра санъати ва ажойиб маҳорати билан нафақат Шарқда, балки бутун дунёда ҳам ўчмас из қолдирган. «Иккинчи Моний», «Шарқ Рафаэли» деб юксак даражада эъзозланган Беҳзод машҳур сўз санъаткорлари Жомий, Ҳусайн Бойқаро, Шайбонийхон ва бошқаларнинг сиймосини яратган юксак маънавиятли буюк рассом эди.

Давлат арбоби, фан, маърифат ҳомийси, буюк олим ва мунажжим Мирзо Улуғбек (1394—1449) нинг илмий кузатишларида яқиндан ёрдам берган забардаст олимлар Қозизода Румий, Ғиёсиддин Жамшид, Али Қушчи, Мавлоно Аҳмад, Муҳаммад Хавофий, Абул Али Биржоний, Мирам Чалобий, Муиннидин Кошийлардир. Мирзо Улуғбек ўз даврида Самарқанд шаҳрида «Самарқанд академияси»-Улуғбек академиясига асос солган. «Зижи жадиди Кўрагоний» (Кўрагонийнинг янги астрономик жадвали) ва «Тўрт улус тарихи» номли асарларнинг муаллифидир.

У Мовароуннаҳрда уч мадраса қурдирди. Самарқандда (1417-1420), Бухорода (1417), ва Ғиждувонда (1433)дир. У ҳадис ва илмлардан ҳам яхши хабардор бўлган алломадир. Темурийлар даври маънавияти ва маърифати ривожини, инсоннинг бахт саодати, халқлар осойишталиги, ободончилик ишлари, илм-фан, адабиёт ва санъат ривожига бағишланган икки буюк мутафаккир Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоийларнинг номи билан чамбарчас боғлиқдир ва уларнинг маданий маънавий бойликларида намоён бўлган.

Назорат саволлари:

1. Темур нима сабабдан ўз ҳокимиятининг маркази этиб Самарқандни танлади?
2. Темур ва темурийлар ҳақида шўролар даврида қандай фикрлар мавжуд эди?
3. «Амир Темур ўз даврининг маърифатпарвари» жумласига изоҳ беринг.
4. Темурийлар давлатининг маънавий асосларини шаклланишида нақшбандия тариқати ва унинг намоёндаларининг хизматлари тўғрисида айтиб беринг.

2-асосий савол. Темур ва темурийлар даври маданий юксалишининг умумий омиллари.

Дарснинг мақсади:

Талабаларга Темур салтанида қилинган маънавий-маърифий ишлар, уларнинг жамият ижтимоий, иқтисодий ва маънавий ривожигаги ўрни хусусида маълумот бериш.

Идентив ўқув мақсадлар:

1. Амир Темур ва Темурийларнинг нинг маънавий-маърифий ҳаётдаги ўрни тўғрисида гапириб беради;
2. Темурнинг маънавий оламига чизгилар хусусида тўхталади.
3. Темурнинг шарафли номлари, унинг пирлари тўғрисида маълумот беради.
4. Темурийлар давлатининг иқтисодий ва маданий турмуши хусусида гапириб беради.

2-асосий саволнинг баёни.

Уйғониш даври тўғрисида тадқиқотлар олиб борган: Н.И.Конрад, М.М.Хайруллаев каби олимлар бу даврдаги оммани нисбий тинч ҳаёт кечириш, ҳунармандчилик, савдо, маданият ва маърифатга эътибори кучайганлиги каби ўзига хос хусусиятларни қайд этиб ўтадилар. Амир Темур ҳам ўз даврининг маърифатпарвари бўлган, буни биз куйидаги жиҳатларда кўрамиз.

Темур сиёсий саҳнага келганданоқ илм-фан, зиё аҳлига алоҳида эътибор билан қарайди. Амир Темур ҳарбий юришларда ҳам илм фан ғамини еб, Журжоний, Тафтазоний, Низомиддин Шомий, Шарафиддин Али Яздий, Ибн Арабшоҳ, Ибн Халдун каби зиё пешволарини Самарқандга олиб келади ва фаолиятларига алоҳида эътибор беради. Бу эса келгусида ўша даврнинг тарих илми тараққиётига замин бўлиб хизмат қилди.

Амир Темур келгусида давлатни бошқариш тизими ўқимишли, саводхон кишилар қўлида бўлишини ўйлаб булғуси тахт ворислари: ўғли Шохруҳ ва севимли набиралари Муҳаммад Султон, Халил Султон, Мирзо Улуғбек кабиларни тарбиясини ўзининг энг ишончли ва тажрибали оқила аёли Сароймулк Хоним (Бибихоним) қўлига топширади. Шунингдек, ўз даврининг етук олимлари асарларини ўз юртига олиб келди ва катта кутубхона яратди.

Темурни маърифатпарварлигини кўрсатувчи яна бир муҳим манба мавжуддирки, бу ҳам бўлса унинг номи билан бевосита ва билвосита боғлиқ бўлган «Темур тузуклари» ва «Темур таржимаи ҳолидир». Келгуси авлодларга ўз қонунлар тўплами ва ўз ҳаёт йўли ҳақида битик қолдириш ҳар қандай тарихий шахсларда ҳам бўлавермайди.

Юқорида санаб утилган жиҳатлардан кўриниб турибдики, ҳақиқатдан ҳам Амир Темур даврида ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёт соҳаларида бўлганидек, маърифат соҳасида ҳам бир қатор эзгу ишлар амалга оширилган. Бу эса бизга Темурнинг Марказий Осиёнинг етук маърифатпарварлари қаторида кўришимизга имкон беради.

Вамбери ибораси билан айтганда, Темурнинг тузуми Мовароуннаҳр учун ҳеч шубҳасиз энг дабдабали давр бўлиб, турк халқи учун шундай зиё берадики, баъзи қавмлар, эллар ҳозиргача ундан ҳарорат оладилар.

Хулоса қилиб айтганда Темур кенг маънода ўз даврининг маърифатпарвари, одил ҳукмрони эди. Ҳар қандай давлат тузумида бўлганидек, темурийлар давлатининг ҳам уз иқтисодий, сиёсий ва маънавий асослари мавжуддир. Тарихда қарийиб 150 йиллик (1218-1370) мўғуллар босқини ўрнига келган Темурийлар давлати ҳам яқин 140 йил (1370 – 1500) Мовароуннаҳрда ҳукмронлик қилди. Агар Темурийлар тарихий тараққиёт қонуниятлар асосида, мўғуллар бошбошдоқлиги (тарқоқлиги) натижасида сиёсий тарих саҳнасига келган бўлсада, иккинчи бир томондан бу ҳодиса сарбадорлар ҳаракати билан боғлиқ. Бу икки жиҳат темурийларнинг сиёсий тарих саҳнасига келишининг бош сабабидир. Табиийки, ҳарбий ҳаракатлар, сиёсий курашлар натижасида вужудга келган, кейинчалик буюк темурийлар давлати деб ном олган, ўрта асрлардаги йирик бир давлатнинг ҳам ўз маънавий асослари бўлганлиги аниқ. Ана шу маънавий асос нимадан иборат, унга XIV асрда кенг тарқалган сарбадорлар ҳаракати қандай таъсир этди?

Темур «Мурувват ва мард киши холиқ маҳмуд аст: инсонпарварлик ва мардликни Оллоҳ ҳам, халқ ҳам улуғлайди, деган гапни кўп такрорлар эди», деб ёзади академик

И.Мўминов. Темурийлар давлатини маънавий асосларининг шаклланишида Нақшбандия тариқати ва унинг намоёндаларининг хизмати аҳамиятлидир. Темурнинг яссавия тариқати ва унинг намоёндаларига ҳам ихлоси баланд бўлган: Темур Аҳмад Яссавий, Занги Ота ва бошқа яссавия тариқати вакилларига мурувват кўрсатиб, улар мазоротига мақбаралар қурдирди ёки таъмирлаш ишларига бош-қош бўлди. Темурийлар даврига келиб нақшбандийликнинг аҳамияти кучайган эди. Чунки, биринчидан, Яссавия тариқати кўпроқ камбағал деҳқонлар манфаатини ифода этиб, қишлоқларда чорвадор деҳқонлар орасида кўпроқ тарқалган эди. Бизга тарихдан маълумки, ўрта асрларда фан ва маданият кўпроқ шаҳарларда тараққий этган. Иккинчидан, Нақшбандийлик кўпроқ ҳунармандлар манфаатини ифода этади. Ҳунармандчилик ривожланган ерда фан ва маданият ҳам ривожланган. Самарқанд ва Бухоро ҳунармандчиликнинг қадимий манзиллардандир. Учунинчидан, Темур нақшбандия тариқати намоёндалари билан бевосита руҳан боғлиқдир. Темур нақшбанд Сайид Мир Кулолдан тарбия олган, бу ҳақда «Темур тузуклари»да қайд этилган. Тарихчиларнинг фикрича Темурнинг отаси Тарағай Баҳодир Сайид Мир Кулолга, Темур эса унинг шогирди Шамсуддин Кулолга сиғинишган. Темур ўз отасининг пирини ўз пиридек қабул этган. Чунки, Сайид Мир Кулол вафоти чоғида (1371) Темур Абу Бакр Тайободий, шайх Хасан Бохарзий, Баҳоуддин Нақшбандлардан ҳам тарбия олганлиги маълум. Умуман олганда Нақшбанд ва нақшбандий тариқати вакиллари Темурнинг ва Темурийларнинг маънавий пиру комилари бўлишган. Файласуф Муҳаммедхожаев: XII-XIV асрлар шароитида бу тарикат (яъни нақшбандия) вакиллари оғир ва ўринлари шу қадар улуғ эдики, улар ғояси кенг халқ оммаси доирасини қамраб олган эди, деб қайд этади. Файласуф Э.Каримовнинг ҳам бу борадаги фикри аҳамиятлидир: XV асрда нақшбандийлик фақатгина диний таълимотгина бўлиб қолмай, балки мафкуравий, ахлоқий, ижтимоий, ҳуқуқий дунёқараш сифатида ҳам намоён бўла бошлади. Нақшбандийшунос олима Г. Наврўзова эса XV асрда Темурийлар даврида нақшбандия таълимоти ва амалиёти жамиятда мафкура даражасига кўтарилган деб қайд этади. Юқоридаги фикрлардан хулоса қилиб XV асрда нақшбандийлик раҳнамолигида халқимизнинг улкан чинорларга айланган Хожа Аҳрор Вали, Абдурахмон Жомий, Мир Алишер Навоий, Ҳусайн Байқаро, Мирзо Улуғбек, Воиз Кошифий ва бошқаларини шаклландирилганлигига асосланиб, XII асрда шакллана бошлаган нақшбандийлик, кейинги 200 йилликда тараққий этиб, XVI аср охирига келиб Темурийлар давлатининг мафкураси даражасига кутарилган дейишимиз мумкин.

Темур Самарқандни бош кент ҳисоблаб, унда катта кўламда қурилиш ишлари олиб борди. Темур ишғол қилган ўлкаларидаги шиддатли юришлари давомида имкон қадар қурилиш ва ободончилик ишларига ҳам эътибор берган. Айниқса Самарқанддаги иншоотларнинг қурилиш ишларига эгаллаган юртларидан меъморлар, косиблар, усталарга Самарқанд атрофида Дамашқ, Миср, Шероз, Султония, Бағдод номли қишлоқлар қурдирди. Аёллар учун Дилкушо, Шамол, Нақшижаҳон, Чинор, Тахти Корача номли боғлар барпо қилдирди. Кеш шаҳридан бир неча километр узоқликда хоразмлик усталарга Оқсаройни қурдиради. Бу сарой биноси чинни кошинлар билан безатилиши сабаб жуда гўзал қилиб ишлангандир. Бугунги кунда унинг қуббалари йўқ бўлиб кетган, аммо 56 метр баландликдаги обидавий эшиклари сарой ҳаробалари ҳамон унинг илк улуғлигини таъкидлаб турибди.

Темур тасаввуф, айниқса нақшбандий шайхларига жуда ҳурмат билан қараган уларнинг маънавий нуфузларидан ўз сиёсий ҳокимиятида фойдаланган. Аҳмад Яссавийга ҳурмати туфайли унинг қабри устида ерли дарвишлар учун, ҳамда қўноқлар учун катта мусофирхона ва мақбара қуришни, буюк бир қозон қўйдиришни буюрди. Мақбара ичида масжид, бир неча хоналар, супалар, ошхоналар ва ҳужралар қурилди. Мақбарада буюк бир кубба ва икки минора мавжуд бўлиб, уни битиришга икки йил сарфланганлиги тарихий манбаларда қайд этилган. Самарқанддаги қурилиш ишлари билан бирга бу ерга Чин, Ҳинд, Дашти Қипчоқ, Эрон каби мамлакатлардан тужжорлар ва моллар кела бошлади. Темур шаҳарнинг у бошидан бу бошигача дўконлар қурдиради, бозорнинг қурилиш ҳаражатлари Самарқандликларга юклатилди. Бозор қурилиши билан биргаликда Самарқанддаги муҳташам бино Бибиҳоним масжиди бунёд этилди. Темур қурдирган буюк бинолардан яна бири Кўксаройдир. Темур даври ва ундан сўнг ушбу сарой хазинахона ва ҳисобхона сифатида фойдаланилган.

Саройларнинг деворларида Темурнинг ўғиллари ва невараларининг, беклари ва аскарларини сафар ва зафарларини кўрсатувчи лавҳалари билан безатилиши унинг жозибасини янада орттирган.

Хулоса ўрнида қуйидагиларни баён этиш жоиздир. Амир Темур буюк шахс, кураги ерга тегмаган саркарда, йирик давлат арбоби, қонуншунос, талантли меъмор, нотиқ, руҳшунос, шу билан бирга эл-юртини, халқини севган ва уни машҳури жаҳон қилган инсон. Унинг тарихи кўп жилдлик китоблар ёзишга арзийди. Мустақилликка эришгунимизга қадар буни қилиш имконига эга эмас эдик. Темурнинг ўзи ҳам таҳқирланиб, туҳмат-маломатларда қолган эди. Мустақиллик туфайли кўп минг йиллик бой тарихимизнинг тиклашниши ва ўрганишни имконига эга бўлдик. Амир Темур 1336 йилнинг 9 апрелида Шаҳрисабзнинг Хўжа Илғор қишлоғида таваллуд топди. Унинг ёшлиги ва йигитлик йилари мамлакат оғир ижтимоий, сиёсий исканжага тўлиб қолган бир даврга тўғри келди. Амир Темурнинг тарих олдидаги хизмати бениҳоя катта. Биринчидан, у мамлакатда феодал тарқоқликка барҳам берди, эл юртни ўз туғи остига бирлаштирди. Марказлашган йирик феодал давлатини яратди. Бу билан савдо сотиқ ва маданиятнинг ривожига мустаҳкам замин яратиб берди. Иккинчидан, бир қатор халқлар ва юртларни мустамлакачилар зулмидан озод бўлишига ёрдам берди. Темур даври адабиётларни мулоҳоза қилиб кўрсак асосан тўғрилиқ, муравватлиқ, эл юртга меҳр муҳаббат ва бошқа инсоний ҳислатларга бой эканлигини кўришимиз мумкин. Бунга Темурнинг «Темур тузуклари», Низомиддин Шомий, Шарафиддин Али Яздийларнинг «Зафарнома» лари, Ибн Арабшоҳнинг «Темур ҳақидаги хабарларда тақдир ажойиботлари» фикримизнинг далилидир.

Назорат саволлари:

1. Темурнинг шарафли номлари тўғрисида нималар биласиз?
2. Темур замонидаги ободончилик ва қурилиш ишлари хусусида нимларни биласиз?
3. Темур ва темурийлар даври маданиятининг асосий белгилари нималардан иборат?
4. Темур ва темурийлар давлатлари ҳудудида мавжуд бўлган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва мафкуравий муҳит ҳақида сўзланг.
5. Темур ва темурийларнинг жаҳон маданияти ривожига қўшган ҳиссаси ҳақида нималарни биласиз?

Мавзу бўйича мустақил иш топшириқлар:

1. Темур ва темурийлар даври маданиятининг асосий белгилари билиб келиш.
2. Темур ва темурийлар даври маданиятининг асосий белгилари бошқа уйғониш даврлари билан қиёсий ўрганиш.

Мавзу бўйича асосий хулосалар:

3. У Темур ва темурийлар даври маданиятининг асосий белгилари очиб берилди.
4. Темур ва темурийлар даври маданиятининг маҳаллий маданиятга ўзаро таъсири ва акс таъсири ёритиб берилди

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008.
2. Абдуллаев. М. Маданиятшунослик. –Фарғона: Фарғона, 1997.
3. Гулметов Э., Маврулов А. Маданиятшунослик (Маъруза матни). –Т.: 2000.
4. Abdullaev M., Umarov E., Ochildiev A. va b. Madaniyatshunoslik asoslari. –Т.: 2006.
5. Умаров Э., Абдуллаев М., Хакимов Э. Культурология. –Т.: Янги аср авлоди, 2006.
6. Маданиятшунослик. ЎУМ. –Гулистон: 2006.
7. Ҳожи Исмаилов Абдуллоҳ. Марказий Осиёда Ислом маданияти. –Т.: Шарқ, 2005.

7-МАНЗУ: Туркистонда маърифатчилик маданияти.

Фанни ўқитиш технологияси: Туркистонда маърифатчилик маданияти мавзусидаги маъруза машғулотининг технологик харитаси

Т.р	Бажариладиган иш мазмуни	Маъсул
1 босқич	<p>Дарс мақсади: Талабаларга маърифатпарварлик маданиятининг пайдо бўлиши ва унинг ривожланиши босқичларини тўлиқ тушунтириб бериш, маърифатпарварларнинг ғоявий устози ва Туркистонга маърифатпарварлик ғояларининг кириб келиши ҳақида маълумот бериш. Жадидларнинг маърифатпарварлик ҳаракатлари ва унинг халқ маънавиятини кўтаришда тутган ўрни тўғрисида маълумот беради.</p> <p>Идентив мақсадлар:</p> <ul style="list-style-type: none"> -XIX асрнинг иккинчи ярмида маърифатпарварлик маданиятининг пайдо бўлиши тўғрисида маълумот беради. -Маърифатпарварлик маданиятининг Туркистонга кириб келиши жараёнини таҳлил қилади. - XIX асрнинг иккинчи ярмида Мустақил хонликлар ўртасидаги ўзаро маданий алоқалар хусусида маълумот беради. - Жадидчилик ҳаракатининг мазмунини ёритиб беради. - Жадидларнинг асосий ғояларини изоҳлайди. -Жадидчилик ҳаракатининг халқ маънавиятини кўтаришдаги роли ҳақида гапириб беради. 	Ўқитувчи
2 босқич	<p>Асосий тушунчалар: маърифат, маърифатпарварлик, маънавият, маърифатчилик, Туркистон зиёлилари, туркий маданият, рус-тузем мактаби, жадидлик, қатагон, жадид мактаблари.</p> <p>Дарс шакли: Гуруҳ ва микрогуруҳда ишлаш</p> <p>Воситалар: Маъруза матнлари, кўргазмали қуроллар, тарқатма материаллар.</p> <p>Метод ва усуллар: Ақлий хужум, амалий машқ, баҳс-мунозара, савол жавоблар.</p>	Ўқитувчи
3 босқич	<p>Гуруҳда ишлаш.</p> <ul style="list-style-type: none"> -XIX асрнинг иккинчи ярмида маърифатпарварлик маданиятининг пайдо бўлиши тўғрисидаги маълумотлар ўрганилади. -Маърифатпарварлик маданиятининг Туркистонга кириб келиш жараёнини тушунилади. - XIX асрнинг иккинчи ярмида Мустақил хонликлар ўртасидаги ўзаро маданий алоқалар хусусида маълумотлар олинади. - Жадидчилик ҳаракатининг мазмуни уларнинг асосий ғоялари тушунилади. -Жадидчилик ҳаракатининг халқ маънавиятини кўтаришдаги роли ҳақида тушунча ҳосил қилинади. 	Талаба
4 босқич	<p>Мустаҳкамлаш ва баҳолаш учун саволлар:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Маърифатпарварлик маданиятининг моҳияти нимада? -Фурқатнинг маърифатпарварлик ғоялари тўғрисида сўзлаб беринг? -Туркистонда жадидчилик ҳаракати юзага келишининг ижтимоий ва маънавий негизлари нимада, Жадидчиликнинг маориф ва мактабларни ислоҳ қилишнинг сабаблари нимада деб биласиз? -Туркистон маърифатпарварлик маданиятининг арбоблари ва уларнинг илмий мероси ҳақида нималар биласиз? 	Ўқитувчи Талаба

	-Туркистон маърифатпарварлик маданиятининг намоёндаларининг шўролар давридаги фаолиятларини таҳлил этинг. -тест саволларини ечиш, (5 та тест саволи). -микрогуруҳлар иши баҳоланади.	
5 босқич	Умумий якуний хулосалар чиқариш. XIX-XX аср Туркистон халқлари маданияти ва уларнинг ҳаётида маърифатпарварлар ва жаҳидларнинг тутган ўрни изоҳланади, тегишли таклифлар берилади.	Ўқитувчи

Асосий саволлар:

1.Марказий Осиёда мустақил хонликларнинг пайдо бўлиши ва уларда маданий ҳаёт.

2.Маърифатчилик маданиятининг Марказий Осиё халқлари маданияти ривожланишига қўшган ҳиссаси.

Таянч тушунча ва иборалар:

Маърифат, маърифатпарварлик, маънавият, маърифатчилик, Туркистон зиёлилари, туркий маданият, рус-тузем мактаби, жаҳидлик, қатағон, жаҳид мактаблари.

1-асосий савол. Марказий Осиёда мустақил хонликларнинг пайдо бўлиши ва уларда маданий ҳаёт.

Дарснинг мақсади:

Талабаларга маърифатпарварлик маданиятининг пайдо бўлиши ва унинг ривожланиши босқичларини тўлиқ тушунтириб бериш, маърифатпарварларнинг ғоявий устози ва Туркистонга маърифатпарварлик ғояларининг кириб келиши ҳақида маълумот бериш. Жаҳидларнинг маърифатпарварлик ҳаракатлари ва унинг халқ маънавиятини кўтаришда тутган ўрни тўғрисида маълумот беради.

Идентив ўқув мақсадлар:

1. XIX асрнинг иккинчи ярмида маърифатпарварлик маданиятининг пайдо бўлиши тўғрисида маълумот беради.
2. Маърифатпарварлик маданиятининг Туркистонга кириб келиши жараёнини таҳлил қилади.
3. XIX асрнинг иккинчи ярмида Мустақил хонликлар ўртасидаги ўзаро маданий алоқалар хусусида маълумот беради.
4. Жаҳидчилик ҳаракатининг мазмунини ёритиб беради.
5. Жаҳидларнинг асосий ғояларини изоҳлайди.
6. Жаҳидчилик ҳаракатининг халқ маънавиятини кўтаришдаги роли ҳақида гапириб беради.

1-асосий саволнинг баёни.

Маърифатчилик ғоялари Марказий Осиё халқлари минг йиллик тарихининг энг муҳим ва кучли маънавий таянчларидан ҳисобланади. Унинг теран илдизлари энг қадимий обидалардан тортиб ҳозирги маданиятимизнинг асосий тамойилари билан узвий боғланиб кетади. Тарихан кўз ташлайдиган бўлсак, бу йўналиш тараққиётида ислом дини ақидалари, тасаввуфнинг маънавий тамойиллари, инсонпарварлик ғоялари ҳамиша ҳамоҳанг тарзда намоён бўлганлигини кўраемиз.

XIX асрнинг иккинчи ярми биз маърифатпарварлик маданияти деб атаётган соҳада муайян ўзгаришларни юзага келтиради, маърифий эстетик ақидаларни амалда тадбиқ этиш учун муайян шарт-шароит яратди дейиш мумкин. Бунинг ижтимоий сиёсий ва маънавий омиллари мавжуд, албатта. XIX асрнинг иккинчи ярмида чор Россияси томонидан Туркистоннинг истило этилиши туфайли ижтимоий ҳаётида ички мувозанат ва турғунликка муайян даражада эришилгандай туюлади, маданий маърифий ва бадий жараёнларнинг жонланишига, европача маданиятнинг кириб келишига таъсир кўрсатди. Аҳмад Дониш, Абай, Тўхтағул, Фурқат, Муқимий, Сатторхон ва бошқа

маърифатпарварлар мустамлакачилик йўли билан кириб келган рус ва Европа маданиятига ҳар ҳолда, тўла салбий муносабатда бўлган эмас, аксинча уни ўрганиш ишига ижобий ёндошадилар. Чунончи, Сатторхон Абдуғаффоров биринчилардан бўлиб рус тилини ўрганади. 1873-76 йилларда Чимкентда очилган рус-тузем мактабида муаллимлик қилди. «Туркистон вилоятининг газетаси» да таржимон бўлиб ишлади. Биринчи бўлиб рус тилида «Қўқон хонлигининг ички аҳволи ҳақида қисқача очерк»ни ёзди. «Туркестанские ведомости»нинг бир неча саналарида уни эълон қилади. Бироқ шуни айтиш керакки, бу даврда Чор расмий доираларида фақат рус маданиятини улуғлаш, тарғиб қилишга, халқни руслаштириш учун Туркистонлик зиёлиларни жалб қилишга катта аҳамият берилади, бу ишга рози бўлганлар рағбатлантирилади.

Маърифатпарварлик маданиятини ривожлантиришда қозоқ халқининг йирик алломаси Абай Қўнанбоев (1845–1904)нинг алоҳида ўрни бор. Абай жуда мураккаб ижтимоий сиёсий шароитда яшади. Бироқ илм маърифатга, эзгуликка бўлган интилиш унинг ижодини фавқулодда сермазмун қилди, таъсир кучини оширди. Абай маърифатпарварлигининг муҳим белгиларидан бири шундаки, у ўз асарларида инсонийликка путур етказадиган салбий иллатлардан қутилиб боришга даъват этади. Нодонликни ана шундай иллатларнинг биринчиси деб ҳисоблайди. Абай Шарқ фалсафасида нодонликни кескин танқид қилиш аънасини янада давом эттиради. Сир эмаски, Аҳмад Яссавий, Навоий, Бедил ва бошқа мусулмон алломалари нодонликни фалсафий, ижтимоий маърифий маъносини очиб, унинг инсоният учун ғоят зарарли эканлигини алоҳида уқтирганлар.

Агар бу кадрятларни кенг маънода маданият тушунчасига киритадиган бўлсак, ундан қутилган мақсад қайси йўл билан бўлса ҳам халқ учун фойда келтиришдир. Маданиятли бўлиш инсонларнинг хоҳ қўли, хоҳ тили билан ўзаро бир бирларига ёрдам беришлари демакдир. Англашиладики, Туркистон халқларининг XIX аср иккинчи ярми ва XIX аср бошларида яшаган мутафаккирлари дунёқарашлари негизида маърифатпарварлик концепцияси ётади. Туркистон халқлари маърифатпарварлик маданияти, бир томондан ўзининг бой ва сермазмун меросига суянади, иккинчи томондан бошқа халқларнинг хусусан, умуминсоний маънавий кадрятларни ижобий қабул қилади. Маърифатпарварлик маданияти тизимида санъат алоҳида ўрин тутаяди. Бу муамони ҳал этишда мутафаккирлар ижтимоий онг шаклларида бири бўлган ва маънавий тарбиясини амалга оширадиган воситалардан бири сифатида санъатнинг ролини кўрсатиб беришга алоҳида эътибор берадилар. Бундай қарашларни Муқимий ижодида ҳам кўриш мумкин.

Маърифатпарварлик маданияти тизимида санъат турларига ҳам эътибор берилади. XIX аср иккинчи ярми XX аср бошлари Туркистон маърифатчилари қарашларида санъатни турларга бўлиш, ҳар бир турнинг ўзига хослиги, имкониятлари, жанр хусусиятлари тўғрисидаги фикрлар ҳам алоҳида соҳани ташкил қилади. Абай, Дониш, Муқимий, Фурқат санъатининг ранг баранг турлари рассомлик, шеърят, публицистика, мусиқа, ашула, театр асарларига алоҳида эътибор берадилар, уларнинг эстетик хусусиятларини ифодавий ва тасвирий имкониятларини кўрсатадилар.

Назорат саволлари:

1. Маърифатпарварлик маданиятининг моҳияти нимада?
2. Фурқатнинг маърифатпарварлик ғоялари тўғрисида сўзлаб беринг?
3. Туркистонда жадидчилик ҳаракати юзага келишининг ижтимоий ва маънавий негизлари?
4. Туркистонда жадидчилик ҳаракатининг ўзига хослиги нимада?

2-асосий савол. Маърифатчилик маданиятининг Марказий Осиё халқлари маданияти ривожланишига қўшган ҳиссаси.

Дарснинг мақсади:

Талабаларга жадидларнинг маърифатпарварлик ҳаракатлари ва унинг халқ маънавиятини кўтаришда тутган ўрни тўғрисида маълумот беради.

Идентив ўқув мақсадлар:

1. Жадидчилик ҳаракатининг мазмунини ёритиб беради;
2. Жадидларнинг асосий ғояларини изоҳлайди;
3. Жадидчилик ҳаракатининг халқ маънавиятини кўтаришдаги роли ҳақида гапириб беради.

2-асосий саволнинг баёни:

Туркистон маърифатчилик мактаби бой ўтмиш ва улкан меросга эга. Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар Қори Абдурашидхон ўғли, Абдуқодир Шакурий, Ашурали Зоҳирий, Саидрасул Саидазизий, Исҳоқхон Иброт, Аҳмад Дониш XIX аср охирларидан фаолияти бошлаб мамлакатни халқни миллий зулм ва қолоқликдан халос этишнинг ягона йўли маърифатда деб билдилар. Бу фидоий зотлар мустабид тузум ва жаҳолатчи, маънавий қуллик ва зулм, зўравонликка қарши бор кучлари билан кураш олиб борганлар. Жадидчилик–янгиликни, янги усул маъносини аниқлатади. У янги замонавий мактаб, матбаа, миллий тараққиёт усуллари, йўллари тарафдорларининг умумий номи.

Жадидчиликнинг асосий ғоя ва мақсадлари: Туркистоннинг ўрта асрчилик, феодал қолоқлик, хурофотлардан озод қилиш усули қадимни инкор этган ҳолда улкан, халқни, миллатни замонавий тараққиёт йўлига олиб чиқиш, миллий давлат барпо этиш, конституцион, парламент ва президент идора усулидаги озод ва фаровон жамият қуриш, туркий тилларга давлат тили мақомини бериш, миллий қўшин тузиш ва бошқалардан иборат эди.

Туркистонда жадидчилик миллий озодлик кураши жараёнида юзага келган, ўзбек халқи тарихида янги саҳифани оча бошлаган ижтимоий ҳаракат бўлганлиги билан ажралиб туради. Уларнинг дунёқарашида ватанпарварлик, миллатпарварлик, маърифатпарварлик тараққийпарварлик каби ғоялар етакчилик қилган. Ўлкани мустамлака зулмидан озод қилишни жадидлар ҳамма нарсдан устун қўйганлар. Жадидлар, маърифатчилар миллатининг маънавий камолоти йўлида ўзининг бутун кучи ва истеъдодини сафарбар этишга тайёр бўлган фидоий инсон эдилар. Улар миллатни қолоқлик, хурофот ботқоғидан олиб чиқиш учун шариятга қатъий риоя қилиш орқали мактаб ва мадрасаларда таълим бериш тизимини дунёвий илмларни барпо этиш борасида ислоҳ қилиш ғоясини илгари сурганлар ва бу борада ўзлари амалий ҳаракат намунасини кўрсатганлар.

Хуллас, жадидчилик XIX аср охири ва XX аср бошларида миллий Уйғониш ва миллий онг юксалишида катта рол уйнаган. Жадидчилик ғояларини унинг ёрқин вакилларидан Беҳбудий, Фитрат, Чўлпон, Қодирий, Авлоний, Мунаввар Қори, Файзулла Хўжаев, Сўфизода, Тавалло, Иброт кабилар ғоят оғир шароитларда тарғиб этишга ҳаракат қилганлар. Беҳбудий, Фитрат, Мунаввар Қори ва бошқа миллат учун жонкуяр жадидлар мактаблари очар, уларда ўзлари дарс берар, ўқув кўлланмаларини ёзар, нашр этар ва бу йўлда жонбозлик кўрсатар эди. Бу йўлда ўз маблағларини ҳам аямаганлар.

Мунавварқорининг миллий тараққиёт учун олиб борган ғоялари туфайли собиқ зўравон Шўролар ҳукумати уни таъқиб остига олади ва натижада 1931 йил 25 апрелда отиб ташланади. Миллий Уйғонишга чорловчи ғояларни илгари сурган жадид ҳаракатининг яна бир йирик вакили Абдулла Авлонийдир. У миллатнинг маънавий инқирозида саводли бўлиш, замонавий фан, маданий ютуқларини эгаллашга чақиради, Авлонийнинг «Илм инсонларнинг мадори, қалби, раҳбари, нажотидир» деган ғоя, маърифатпарварлик, жадидчилик ҳаракатининг дастурини ташкил этади. У маърифатпарвар сафдошлари сингари мазлум Туркистон аҳлини илм маърифат зиёсидан баҳраманд қилишдан унутилмас хизматлар кўрсатган. «Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ» китобида маърифат, илм фаннинг жамият тараққиётда тутган ўрни ҳақида қимматли фикрларни баён қилган. Алломанинг қарашларини ўрганиш бугун ўзлигимизга қайтиш жараёни кенгайиши бир пайтда алоҳида аҳамият касб этади.

Жадидларнинг қисмати собиқ Шўролар тузуми даврида ниҳоятда фожиали поёнига етади. Уларни кўпчилигига миллатчи «пантуркист» деган тамға босилиб, қатағон қилинди, жадидлар ғоялари ҳаракатига қора чизиқ тортилди.

Назорат саволлари:

1. Жадидчиликнинг маориф ва мактабларни ислоҳ қилишнинг сабаблари нимада деб биласиз?
2. Туркистон маърифатпарварлик маданиятининг арбоблари ва уларнинг илмий мероси ҳақида нималар биласиз?
3. Туркистон маърифатпарварлик маданиятининг намоёндаларининг шўролар давридаги фаолиятларини таҳлил этинг.
4. Туркистон маърифатпарварлари давридаги мавжуд бўлган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва мафкуравий муҳит ҳақида сўзланг.
5. Туркистон маърифатпарварларнинг жаҳон маданияти ривожига қўшган ҳиссаси ҳақида нималарни биласиз?

Мавзу бўйича мустақил иш топшириқлар:

1. Туркистон маърифатпарварлик даври маданиятининг асосий белгилари билиб келиш.
2. Туркистон маърифатпарварлик даври маданиятининг асосий белгилари бошқа маърифатпарварлик даврлари билан қиёсий ўрганиш.

Мавзу бўйича асосий хулосалар:

1. Туркистон маърифатпарварлик даври маданиятининг асосий белгилари очиб берилди.
2. Туркистон маърифатпарварлик даври маданиятининг ўлка маданиятга таъсири ва акс таъсири ёритиб берилди

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008.
2. Абдуллаев. М. Маданиятшунослик. –Фарғона: Фарғона, 1997.
3. Гулметов Э., Маврулов А. Маданиятшунослик (Маъруза матни). –Т.: 2000.
4. Abdullaev M., Umarov E., Ochildiev A. va b. Madaniyatshunoslik asoslari. –Т.: 2006.
5. Умаров Э., Абдуллаев М., Хакимов Э. Культурология. –Т.: Янги аср авлоди, 2006.
6. Маданиятшунослик. ЎУМ. –Гулистон: 2006.
7. Ҳожи Исмаилов Абдуллоҳ. Марказий Осиёда Ислам маданияти. –Т.: Шарқ, 2005.

**8-МАНЗУ: Миллий истиқлол ва Ўзбекистонда маданий тараққиёт.
Миллий истиқлол ва Ўзбекистонда маданий тараққиёт» мавзусидаги семинар
машғулотивнинг технологик харитаси.**

Т.р	Бажариладиган иш мазмуни	Маъсул
1 босқич	<p>Дарс мақсади: Маънавий-маърифий ислохотларнинг жамиятимиз ҳаётида тутган ўрни ва роли ҳақида маълумот бериш, истиқлол йилларида маданиятнинг мақсади ва маънавият соҳасидаги бош ғоямиз нималардан иборат эканлигини талабаларга тушунтириш, «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг маданий тараққиётдаги аҳамиятини тушунтириш.</p> <p>Идентив мақсадлар:</p> <ul style="list-style-type: none"> -Миллий-маданий марказларнинг ривожланишини кўрсатади. -Янги аср маънавият соҳасидаги асосий ғояларимиз нималардан иборат эканлигини шарҳлайди. -Жамиятимиз тараққиётининг энг асосий вазифалари нималардан иборат эканлигини тушунтиради. -Таълим ва тарбиянинг аҳамиятини англайди. -«Таълим тўғрисида»ги Қонун ва кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қабул қилиниши заруриятини англайди. -Ҳозирги босқичда ўзбек миллий маданияти ривожланишининг асосий йўналишларини кўрсатади. 	Ўқитувчи
2 босқич	<p>Асосий тушунчалар: Мустақиллик, мустақиллик маданияти, мустақиллик мафқураси, маънавий-маърифий ислохот, маънавият ва маърифат маркази, миллий ғоя, миллий маданий марказ, истиқлол мафқураси, комил инсон.</p> <p>Дарс шакли: Гуруҳ ва микрогуруҳда ишлаш</p> <p>Воситалар: Маъруза матнлари, кўргазмали қуроллар, тарқатма материаллар.</p> <p>Метод ва усуллар: Китоб билан ишлаш, ақлий хужум, амалий машқ, баҳс-мунозара.</p>	Ўқитувчи
3 босқич	<p>Гуруҳда ишлаш.</p> <ul style="list-style-type: none"> -Мустақиллик йилларида миллий-маданий марказларнинг ривожланишининг зарурлиги ўрганилади. -Жамиятимиз маданий тараққиётининг энг асосий вазифалари нималардан иборат эканлиги тушунилади. -Таълим-тарбиянинг инсон ва жамият ҳаётидаги аҳамияти ўрганилади. - «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қабул қилиниши заруриятини тушунтириб бера олади. - Президентимиз ташаббуси билан ўтказилаётган кўрик танловлар ва бошқа тадбирларнинг маданиятимиз ривожланишидаги аҳамияти тушунилади. -Ҳозирги босқичда ўзбек миллий маданияти ривожланишининг асосий йўналишларини кўрсатилади. 	Талаба
4 босқич	<p>Мустаҳкамлаш ва баҳолаш учун саволлар:</p> <ul style="list-style-type: none"> -Мустақиллик шароитида миллий маданиятимиз ривожланишининг ижтимоий-сиёсий омиллари нималардан иборат? -Таълим тўғрисидаги Қонун ва кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг маданий-маърифий ислохотларни амалга оширишдаги аҳамиятини кўрсатинг? -Маданий маърифий ислохотлар жараёнида миллий кадриятларга муносабат мезонлари қандай? -Маданий - маърифий ислохотлар ва комил инсон тарбияси 	Ўқитувчи Талаба

	вазифасини тушунтиринг? - тест саволларини ечиш, (5 та тест саволи). -микрогуруҳлар иши баҳоланади.	
5 босқич	Умумий якуний хулосалар чиқариш. Мустақиллик йилларида маданий соҳада амалга оширилган ишлар кўлами ва уларнинг келажақдаги аҳамияти тўлиқ ўрганилишига эътибор қаратилади, тегишли таклифлар берилади.	Ўқитувчи

Асосий саволлар:

1. Ўзбекистоннинг миллий истиқлолга эришуви ва маданий юксалиш.
2. Таълим ривожининг ўзига хос хусусиятлари.

Таянч тушунча ва иборалар:

Мустақиллик, мустақиллик маданияти, мустақиллик мафкураси, маънавий-маърифий ислоҳот, маънавият ва маърифат маркази, миллий ғоя, миллий маданий марказ, истиқлол мафкураси, комил инсон.

1-асосий савол. **Ўзбекистоннинг миллий истиқлолга эришуви ва маданий юксалиш.**

Дарснинг мақсади:

Талабаларга Маънавий-маърифий ислоҳотларнинг жамиятимиз ҳаётида тутган ўрни ва роли ҳақида маълумот бериш, истиқлол йилларида маданиятнинг мақсади ва маънавият соҳасидаги бош ғоямиз нималардан иборат эканлигини талабаларга тушунтириш, «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг маданий тараққиётдаги аҳамиятини тушунтириш.

Идентив ўқув мақсадлар:

1. Миллий-маданий марказларнинг ривожланишини кўрсатади.
2. Янги аср маънавият соҳасидаги асосий ғояларимиз нималардан иборат эканлигини шарҳлайди.
3. Жамиятимиз тараққиётининг энг асосий вазифалари нималардан иборат эканлигини тушунтиради.
4. Таълим ва тарбиянинг аҳамиятини англайди.
5. «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қабул қилиниши заруриятини англайди.
6. Ҳозирги босқичда ўзбек миллий маданияти ривожланишининг асосий йўналишларини кўрсатади.

1-асосий саволнинг баёни.

Ҳар қандай жамият тараққиёти, унинг у ёки бу вақт ва макондаги даражаси кўп жиҳатдан фуқаролар маънавияти, турмуш тарзи, кишиларнинг маънавий–моддий, ижтимоий эҳтиёжлари ҳамда уларнинг қай даражада қондирилишига боғлиқдир. Мустақиллик давригача ва ундан кейинги ўтган тарихан қисқа муддат ичида рўй берган ҳолатлар, жамият ижтимоий–сиёсий, иқтисодий, маънавий–маърифий ва тарбиявий мафкуравий соҳасидаги ўзгаришлар бизга шўролар мустабид тузуми ҳамда истиқлол йилларида Ўзбекистоннинг реал ҳаётида ҳолисона жавоб излашга ва унга эришишга имкон беради. Қайд этиш лозимки, истиқлолнинг дастлабки даврлариданоқ маданиятнинг методологияси ўзгарди. Агарда, шўролар мустабид тузуми даврида маданиятнинг асосий вазифаси жамият аъзоларининг коммунистик мафкура ва сохта ғоялар эътиқодини мустаҳкамлашга сафарбар этиш бўлса, истиқлол даврида унинг мақсади тамомила ўзгарди.

Хўш, булар нималарда кўринди? Хусусан, энг аввало, мамлакат ҳукумати, Президентнинг маънавий–маърифий омилларга нисбатан муносабати шаклланди. Жумладан, маънавий–маърифий ислоҳотлар давлат сиёсатининг асосий устувор йўналиши, деб ҳисобланди. Жойларда маънавият билан боғлиқ ишларнинг амалга

оширилиши учун бутун маъсулиятнинг ҳокимлар, вазирликлар, идоралар, ташкилотларнинг биринчи раҳбарлари зиммаларига юклатилиши жуда катта ижтимоий аҳамият касб этди.

Иккинчидан, маънавияти юксак миллат ва давлатнигина келажаги буюк бўлиши мумкин эканлиги тўғрисидаги ижтимоий фикр шакллана бошланди. Дарҳақиқат, иқтисодий–сиёсий омилларнинг ҳар қандай давлат, миллат ҳаётидаги ўрни ва роли каттадир. Бироқ, маънавий омилларгина жамиятда содир бўлган барча муаммоларни ҳал этишга қодир омил эканлиги энди ҳақиқатдир.

Учинчидан, маънавият ва маърифат жамиятни поклантирувчи куч эканлиги эътироф этилмоқда, зеро шўролар мустабид тузуми даврдан қолган ярамас «маънавий» меросдан покланмасдан туриб истиқлолга хизмат қиладиган, фуқаролар қалби ва онгини янгилашга қодир маънавиятни шакллантириш мумкин эмас.

Тўртинчидан, истиқлол даври Ўзбекистон жамияти маънавиятининг энг муқаддас мақсадларидан бири–ўтмиш тарихий–маданий, илмий, ахлоқий–мафкуравий, ижтимоий–сиёсий кадриятларига шўро даврида таркиб топган муносабат каби «иллат» сифатида эмас, аксинча, жамиятни поклантирувчи ва келажакни маънавий жиҳатдан мустаҳкамловчи омил асносида қарашдан иборат жамоатчилик фикри шаклланди.

Бешинчидан, истиқлол даврида маънавиятнинг ҳар қандай сиёсий ҳукмрон мафкуралардан холилги, муҳими, шаклланаётган миллий мафкурамизга куч–қудрат берадиган, уни янги-янги марралар сари сафарбар этадиган, кенг оммага таъсир ўтказишга, халқни ўзига тарафдор этишга хизмат қиладиган сиёсий, ижтимоий иқтисодий, маънавий манбаларни тўғри белгилаб олишдир. Хўш, ҳозирги ва янги асрда маънавият соҳасидаги бош ғоямиз нималардан иборат? Мазкур саволга жавоб бера туриб, И.Каримов қуйидагиларни ёзади: «Модомики биз ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти қураётган эканмиз, маънавият соҳасидаги XXI асрга мўлжалланган ҳаракат дастуримиз ҳам ана шундан келиб чиқмоғи даркор. Яъни эркин фуқаро онгли яшайдиган, мустақил фикрга эга бўлган шахс маънавиятини камол топтириш бизнинг бош миллий ғоямиз бўлиши зарур».

Ўзбекистоннинг ҳозирги тараққиёт босқичида маънавий омиллар ҳамда миллатлараро муносабатлар масаласига қараш ҳам тубдан ўзгарди. Чунончи, истиқлолнинг дастлабки даврларида «сохта байналмиллаллик» олдида юрак олдириб қўйган ҳамда ҳадиксираш касалидан холи бўлмаган ҳолда ҳар қандай миллийликни улуғлаш ва ҳар қандай «байналмиллаллик» дан қочиш ҳиссиёти юзага келган эди. Бундай жиддий ва қатъий қутблилик, табиийки, жамият ижтимоий тараққиётига, айниқса, миллатлараро муносабатлар масаласига жиддий салбий таъсир кўрсатиши мумкин эди.

Ўзбекистонда истиқомат қиляётган кўп миллатли халқларнинг маданий тараққиёти, уларнинг ўзликларини англаш жараёнларига бўлган интилишларини қонуний-ҳуқуқий асосда қондириш масалалари ҳам мамлакат ҳукумати олдидаги энг муҳим вазифалардан бири бўлди. Шу ўринда 1989 йил маданият вазирлиги ҳузурида республика миллатлараро маданий марказнинг ташкил этилишини алоҳида таъкидлаш лозимдир. Агарда 90-йилларнинг бошларида Ўзбекистонда 12 та миллий-маданий марказ фаолият кўрсатган бўлса, ҳозирги кунга келиб уларнинг сони 100 дан ортди. Мустақиллик йилларида миллий-маданий марказлар фаолияти устидан мувофиқлаштирувчи ишларнинг кўлами ҳам ортди ва 1992 йил январ ойида ҳукумат қарори билан Республика Байналмиллал маданий маркази ташкил этди. Ушбу марказнинг амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш, улар фаолиятини мувофиқлаштириш миллий анъана, урф-одатларни қайтадан тиклаш, МДҲ ва ҳориж давлатларидаги байналмиллал маданий марказлар билан ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш, Ўзбекистонда миллатлараро алоқаларни яхшилаш, ижтимоий барқарорликни таъминлаш каби муҳим масалалар киритилди.

1994 йил 23 апрелда мамлакатимиз маънавий ҳаётда муҳим воқеа юз берди. Президент И. Каримов фармони билан Республика «Маънавият ва Маърифат жамоатчилик маркази» ташкил этилди. 1996 йил 9 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маънавият ва маърифат жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги фармони жамиятни маънавий барқарорлаштиришда муҳим аҳамият касб этди. Фармонга асосан 1997

йилдан бошлаб 1 октябр «Ўқитувчилар ва мураббийлар» куни деб эълон қилинди, «Маънавият» нашриёти ташкил этилди, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази қошида «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси таъсис этилди. Бу борадаги ишларни тартибга келтириш, фаолият самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов 1999 йил 3 сентябрда «Республика маънавият ва маърифат кенгашини қўллаб қувватлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди. Ушбу фармон маънавият ва маърифат давлат сиёсатининг устувор йўналиши эканлиги тўғрисидаги ғояни янада мустаҳкамлади ва янада унга куч берди. Ҳукумат томонидан кўрилган тадбирлар самараси натижасида маънавият ва маърифат жамиятда руҳий покланишга, шахс улугворлигини оширишга, демократик, ҳуқуқий, инсонпарварлик давлати қуришга мустаҳкам пойдевор яратди.

Назорат саволлари:

1. Мустақиллик шароитида миллий маданиятимиз ривожланишининг ижтимоий-сиёсий омиллари нималардан иборат?
2. Маълумки, 1994 йилнинг 23 апрелида «Маънавийят ва маърифат» жамоатчилик маркази ташкил этилди.
3. Маданий тараққиётда мазкур «Маънавийят ва маърифат» жамоатчилик маркази марказнинг ўрни қандай?

2-асосий савол. Таълим ривожининг ўзига хос хусусиятлари.

Дарснинг мақсади:

Талабаларга таълим-тарбия жараёнининг жамият тараққиётидаги ўрнини кўрсатиб бериш, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда таълим тизимининг тубдан ислоҳ қилинганлигини баён этиш, «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг маданий тараққиётдаги аҳамиятини тушунтириш.

Идентив ўқув мақсадлар:

1. Таълим ва тарбиянинг аҳамиятини англайди;
2. 1992 йилдаги Таълим тўғрисидаги Қонунга мувофиқ таълим тизимининг босқичларини кўрсатади;
3. «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қабул қилиниши заруриятини англайди;
4. Президентимиз ташаббуси билан ўтказилаётган кўрик танловлари ва бошқа тадбирларнинг маданиятимиз ривожланишимиздаги аҳамиятини изоҳлайди;
5. Ҳозирги босқичда ўзбек миллий маданияти ривожланишининг асосий йўналишларини кўрсатади;
6. Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойилларининг санайди.

2-асосий саволнинг баёни:

Инсоният тарихида ўз ижтимоий аҳамияти жиҳатидан алоҳида эътиборга лойиқ ҳолатлар, қадриятлар мавжудки, булар у ёки бу миллат, элат, халқнинг мавжудлиги белгиси, тараққиёт мезони сифатида баҳоланиши мумкин. Миллат мавжудлигининг ана шундай муҳим белгиларидан бири таълим тизими ҳамда юқори малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш масаласидир. Дарҳақиқат, таълим тизими демократик тамойиллар билан уйғунлашган, унинг инсонпарвар жамият барпо этиш каби зарур ижтимоий эҳтиёж талабларига жавоб бергандагина у ўз олдига қўйган буюк мақсад баркамол авлодни тарбиялаш ва шакллантириш вазифасини адо этиши мумкин.

Коммунистик «назария» томонидан таълим тизимига қуйилган асосий мақсад– жамият аъзоларини мафкуравий қулликка, итоаткорликка мажбур қилишдан бошқа нарса эмасди. Мафкуравий биқиклик, эркин фикр юритишдан иборат (шахс дахлсизлиги, демократик тамойилларга беписандлик билан муносабатда бўлиш каби иллатлар кишиларда ижтимоий пассивлик ҳолатини юзага келтирди. Мафкуравий қулликдан ҳоли равишда, мамлакат ва халқ манфаатларига мос тарзда фаолият кўрсатишга интилиш ҳиссиётини бемалол, эмин-эркин рўёбга чиқариш Ўзбекистон фуқаролари дунёқарашада янгиликка ташналик кайфиятини пайдо қилди. Мамлакат

Президенти таъкидлаганидек, «олдимизга қўйган энг эзгу мақсадларимиз билан узвий боғланган бугунги кундаги яна бир ғоятда долзарб масала-кадрлар таёрлаш миллий дастурни амалга ошириш, бу борада бошланган ишларимизни давом эттириш ва кучайтириш бундан буён ҳам биз учун устувор вазифа бўлиб қолди».

Хўш, юқорида қайд этилган ҳолатлардан ташқари, яна қандай сабаблар таълим тизимида туб ислохотларни ўтказишга ундади? Булар, кадрлар тайёрлаш тизимининг демократик ўзгаришлар ва бозор ислохотлари талабларига мувофиқ эмаслиги, ўқув жараёнининг моддий-техника ва ахборот базаси етарли эмаслиги, юқори малакали педагог кадрларнинг етишмаслиги, сифатли ўқув-услубий ва илмий адабиёт ҳамда дидактик материалларнинг камлиги таълим тизими, фан ва ишлаб чиқариш ўртасида пухта ўзаро ҳамкорлик ва ўзаро фойдали интеграциянинг йўқлиги кабилардир.

Буларнинг бариси таълим тизимини зудлик билан ислох этишни, мазкур соҳани чуқур инсонпарварлаштиришни талаб этарди. Тўғри, 1992 йил июлида қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва давлатимизнинг шу асосдага таълим–тарбия сиёсати ишлаб чиқилган эди. Унда умумий таълим қуйидаги босқичлар буйича амалга оширилади:

I босқич–бошланғич таълим (1-4 синф);

II босқич–юқори асосий (таянч) мактаб (4-9 синф);

III босқич–юқори ўрта мактаб (10-11 синф).

10-11 синфлар ихтисослашган бўлиб, ўқувчиларни олий ўқув юртларига тайёрлашга хизмат қила бошлади.

Таъкидлаш лозимки, ҳамдўстлик мамлакатлари орасида биринчи бўлиб республикамызда «Таълим тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилинганлиги, «Мактабгача тарбия», «Умумий ўрта таълим», «Мактабдан ва синфдан ташқари тарбиявий ишлар», «Ёшлар сиёсатига оид» каби қатор концепциялар ва дастурлар яратилганлигини, давлат таълим тизими жаҳон амалиёти талабларига мувофиқ келиши учун ҳорижий давлатлардаги илғор тажрибаларнинг ўрганилаётганлиги ва шу аснода 20 дан ортиқ йўналишлар, фанлар буйича стандартлар лойиҳали тайёрланади. Умуман, 1992 йилда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонун Ўзбекистонда таълим тизимини ислох қилишда маълум рол ўйнайди. Мазкур ҳужжат шўролар мустабид тизими даврдан «мерос» бўлиб қолган, коммунистик мафкурага хизмат қилувчи мафкуравий кучни бартараф этишда алоҳида аҳамият касб этади, жаҳон андозаларига мос тизим яратилишида дастлабки қадам бўлди. Бироқ, қайд этиш жоизки, мазкур ҳужжат Ўзбекистоннинг янги шароитдаги вазифаларига тўлиқ жавоб бера олмас эди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон ҳукумати таълим тизимини тўлиқ ислох этишга қодир ҳужжатларни қабул қилишга эътиборини кучайтирди ва бу борада бош ислохотчилик ролини ўйнади.

1997 йил 29 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис IX сессиясида тамомила янги, сифат жиҳатдан мукамал «Таълим тўғрисида» ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ишлаб чиқди. «Таълим тўғрисида»ги қонуннинг энг илғор жиҳатларидан бири-унда таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойилларининг баён этилиши бўлди. Улар, қуйидагилардан иборат эди:

- таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерда эканлиги;
- умумий ўрта, шунингдек ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг мажбурийлиги;
- таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги;
- ўрта-махсус, касб-ҳунар таълимининг йўналишини, академик лицейда ёки касб-ҳунар коллежида ўқишни танлашнинг ихтиёрийлиги;
- таълим тизимининг дунёвий характерда эканлиги;
- давлат таълим стандартлари доирасида таълим олишнинг ҳамма учун очиклиги;
- таълим дастурни танлашга ягона ва табақалаштирилган ёндашув;
- билимли бўлишни ва истеъдодни рағбатлантириш;
- таълим тизимида давлат ва жамоат бошқарувини уйғунлаштириш.

Мамлакатимиз раҳбариятининг таълим-тарбия соҳасига шу даражада катта эътибор бериши бежиз эмасдир. Хусусан, ҳозирда Ўзбекистонда 9,5 мингга яқин умумтаълим мактаблари, гимназиялар, лицейлар, коллежлар, 300га яқин ўрта махсус таълим муассалари, 65 та олий ўқув юртлари бор. Ўзбекистон ҳукумати истиқлол талабларига жавоб бера оладиган иқтидорли ёшларни танлаб олиш, уларга фан

йўлидаги сўқмоқларни шараф билан босиб ўтиш борасида ҳам қатор ишларни амалга оширмақда. «Ўмид» жамғармасининг Ўзбекистон Президенти томонидан таъсис этилиши шу маънода тушуниш лозим. Жамғарма Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 13 январ қарорига мувофиқ иш бошлади.

Маълумки, мамлакатимизда тарихий туб ўзгаришларни муваффақиятли ўтказиш, ижтимоий-сиёсий, маънавий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш учун жаҳон андозалари даражасида билим олган истеъдодли, руҳан баркамол ёш миллий кадрлар зарурдир. «Ўмид» жамғармасининг ўз олдига қўйган энг катта мақсади ҳам халқ хўжалигини ўз олдига қўйган энг катта мақсади ҳам халқ хўжалигининг нуфузли тармоқларини юқори малакали мутахассислар билан таъминлашдан иборат бўлди. Ҳозирги кунда Ўзбекистонлик талабалар ўз танлаган ихтисосликлари буйича АҚШ, Буюк Британия, Германия ва Япониянинг жаҳонга машҳур олий ўқув юртларига муваффақият билан шуғулланмоқдалар. И. Каримов қайд этганидек, энг муҳим вазифа «уларнинг тафаккурида ўзлигини унутмаслик, ота-боболарнинг муқаддас қадриятларини асраб-авайлаш ва ҳурмат қилиш фазилатини қарор топтириш, уларнинг мен Ўзбек фарзандиман, деб ғурур ва ифтихор билан яшашига эришишдир».

Истиқлол йилларида ўзбек маданий ҳаёти уйғонди, жонланди ва ўзининг бутун мавжуд бўй-бастини кўрсата билди. Театр, мусиқа санъати ривож топди, маданий алоқалар кенгайди, маданий-маърифий муассасалар фаолияти такомиллашди, музейларнинг ижтимоий-маърифий аҳамияти ошди, миллий адабиёт равнақ топди.

Айниқса, театр санъатининг ривожини гуллаб яшнади. Бу бежиз эмасди, зеро мустамлакачилик даврида театрлар коммунистик мафкуранинг хизматкорига айланган, сиёсий мақсадларнигина бажарувчига айланган эди. Шу аснода асосий эътибор репертуар масаласини ҳал этиш, тамошабинларни бездирадиган сахна асарлари ўрнига уларнинг маънавий–ижтимоий эҳтиёжларини қондирувчи спектаклларни фуқаролар ҳукмига ҳавола этишга асосий эътибор қаратилди. Театр санъатини ривожлантириш йўлида 1998 йил ноябр ойида ўтказилган «Ҳумо» халқаро ёшлар театрининг фестивали алоҳида аҳамият касб этди. Ушбу фестивалда Ўзбекистон ва Исроил давлатларининг энг яхши театр жамоалари иштирок этдилар. Мазкур фестивал доирасида 32 та спектакл намойиш этилди, уларни 20 мингдан ортиқ тамошабин тамоша қилди.

Ўзбекистоннинг ўз мустақиллигини қўлга киритиши натижасида маънавий маданиятнинг муҳим жабҳаси бўлган мусиқа санъати ҳам ривож топа бошлади, зеро табиатан нозик қалб, санъатсевар ва санъат аҳлига талабчан ўзбек халқининг мусиқаси кенг қўламли маънавий кўзгусидир. Шўролар даврида асосан мафкуравий ҳукмронлик қўлига айланган мазкур санъат тури эркинлик йўлига кирди. Жамият аъзолари миллий қўшиқчилик санъатидан баҳраманд бўла бошладилар.

«Ўзбекистон–Ватаним маним» қўшиқлар кўрик танловининг 1996 йил март ойида бўлиб ўтган биринчи босқичида 54 мингдан ортиқ санъаткорлар иштирок этди, 10 мингдан ортиқ янги мусиқий асарлар яратилди. Қайд этиш лозимки, мазкур танлов истиқлолни, Ватанни, ўзлигини англашда муҳим қадам бўлди. Халқимизнинг бундай тадбирга қизиқиши ортиб борди. Буларнинг барчасини эътиборга олиб, 1996 йил августда «Ўзбекистон–Ватаним маним» қўшиқ байрами ҳақида махсус фармон қабул қилинди. Фармонда фуқаролар қалбида муқаддас Ватан туйғусини тарбияловчи юксак бадиий савиядаги мусиқа асарлари ва қўшиқларнинг яратилишига кенг имконият яратиш мақсадида ҳар йили август ойининг учинчи якшанбаси «Ўзбекистон–Ватаним маним» қўшиқ байрами куни, деб белгилаб куйилди.

Истиқлолнинг дастлабки даврлариданоқ музейлар, қуриқхоналарининг ўрни ва ролини белгилаб беришга алоҳида аҳамият берилди. Маълумки, ҳозирда биргина маданият ишлари вазирлиги тизимида турли соҳалар буйича 68 та музей мавжуд бўлиб, булар 21 та ўлкашунослик, 10 та бадиий, 14 та мемориал, 5 та адабий-мемориал, 7 та бидий, 1 та табиий-илмий музейлардир. Шу билан бирга Самарқандда давлат музей-қўриқхонаси, Хивада «Ичан–қалъа» давлат музей қўриқхоналари фаолият кўрсатмоқда. 1999 йилги маълумотларга кўра, республикамиздаги музейлар фондида 1305786 экспонат сақланмоқда. Биргина 1999 йилда уларнинг асосий фондига 7544 та экспонат қабул қилинди. Шу йилнинг ўзида барча музейларга 1 655 400 киши ташриф буюрди. Ўзбекистон ҳукумати халқимизнинг миллий ўзлигини англаш

жараёнини янада жадаллаштиришни эътиборга олиб, 1994 йил 23 декабрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси «Республика музейлари фаолиятини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 1999 йил 5 декабрда эса «Музейлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш масалалари тўғрисида» ги қарорларни эълон қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 12 январдаги «Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида»ги фармони эса музейлар ишида тубдан бурилиш ясади. Унга биноан музейлар фаолиятини мувофиқлаштириш, қўллаб-қувватлаш ва уларга зарур илмий-услубий ёрдам кўрсатишни таъминлаш мақсадида маданият ишлари вазирлиги қошида «Ўзбекмузей» жамғармаси ташкил этилди, Ўзбек, инглиз, рус тилларида чоп этиладиган илмий-амалий, маънавий-маърифий, рангли «Мозийдан садо» журнали таъсис этилди.

Шундай қилиб, мустақиллик Ўзбекистон маънавий ҳаётини барқарорлаштириш учун замин яратди, маънавий-маърифий ҳодисаларга муносабатни ўзгартирди. Истиқлол туфайли маънавий ҳодисаларга муносабатни ўзгартирди, турмушимиздаги кўплаб муаммолар ҳал этила бошланди. Қурилаётган демократик ҳуқуқий, инсонпарвар жамият, бозор муносабатларига ўтиш, жаҳон ҳамжамияти билан мафкуравий тазйиқларсиз ўзаро ҳамкорлик қилиш имконияти Ўзбекистон маданиятини халқчил қилди. Ўзбекистон, ўзбек халқининг дунёдаги ўзига хос ва мос ўрни борлиги, унинг жаҳон цивилизациясига қўшган бебаҳо ҳиссасининг эътироф этилиши туфайли маънавий ҳаётнинг гуллаб-яшаши учун мустаҳкам замин яратилди.

Назорат саволлари:

1. Маданий маърифий ислохотлар жараёнида миллий қадриятларга муносабат мезонлари.
2. Маданий тараққиётда миллий ва умумбашарий мезонларнинг уйғунлиги нималарда намоён бўлади?
3. Маданий - маърифий ислохотлар ва комил инсон тарбияси вазифасини тушунтиринг.
4. Таълим тўғрисидаги Қонун ва кадрлар таёрлаш миллий дастурининг маданий-маърифий ислохотларни амалга оширишдаги аҳамияти кўрсатинг
5. Маданий мафкуравий соҳадаги ишларимиз жамиятимизни маънавий юксалтиришга қодир эканлигини асослаб беринг.

Мавзу бўйича мустақил иш топшириқлар:

1. Истиқлол даври маданиятининг асосий белгилари билиб келиш.
2. Истиқлол даври маданиятининг асосий белгилари бошқа маърифатпарварлик даврлари билан қиёсий ўрганиш.

Мавзу бўйича асосий хулосалар:

1. Истиқлол даври маданиятининг асосий белгилари очиб берилди.
2. Истиқлол даври маданиятининг мазмун моҳияти ёритиб берилди.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008.
2. Абдуллаев. М. Маданиятшунослик. –Фарғона: Фарғона, 1997.
3. Гулметов Э., Маврулов А. Маданиятшунослик (Маъруза матни). –Т.: 2000.
4. Abdullaev M., Umarov E., Ochildiev A. va b. Madaniyatshunoslik asoslari. –Т.: 2006.
5. Умаров Э., Абдуллаев М., Хакимов Э. Культурология. –Т.: Янги аср авлоди, 2006.
6. Маданиятшунослик. ЎУМ. –Гулистон: 2006.
7. Ҳожи Исмаилов Абдуллоҳ. Марказий Осиёда Ислом маданияти. –Т.: Шарқ, 2005.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР

1-амалий машғулот: Маданиятшунослик фанининг мақсади ва вазифалари.

Дарснинг мақсади: талабаларда «маданият» атамасининг илмий-фалсафий таҳлили ҳақида, маданиятнинг ижтимоий-фалсафий моҳияти ҳақида билимлар ҳосил қилиш, талабаларда маданиятнинг таркибий қисмлари ҳақида маълумот ҳосил қилиш, миллий маданият ва унинг ривожланиш босқичларини тушунтириш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Маданиятнинг инсон меҳнати натижаси эканлигини изоҳлай олади;
2. Моддий ва маънавий маданият соҳаларини ажрата олади;
3. «Маданият» атамасини фалсафий таҳлил эта олади.
4. Маданиятшуносликнинг ушбу кўринишларини бирма бир изоҳлаб беради.
5. Маданиятшуносликнинг ижтимоий фанлар билан муносабатини изоҳлайди.

Керакли жиҳозлар: «Маданиятшунослик», «Маданият назарияси ва тарихи» га оид дарслик ва ўқув қўлланмалари, кўргазмали қуроллар, тестлар, тарқатма материаллар.

Ишни бажариш тартиби:

- «Маданият» атамасини илмий-фалсафий таҳлил этилади;
- сиёсий маданиятни ўзига хос хусусиятларини тушунтиради;
- иқтисодий маданиятни тавсифлайди;
- ахлоқий маданиятни изоҳланади;
- ҳуқуқий маданият соҳалари кўрсатилади;
- эстетик ва педагогик маданиятга таъриф берилади;
- ўрганилган билимлар умумлаштириш;
- дарсни якунлаш.

Керакли адабиётлар:

1. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. Т. 1994.
2. Сафо Очил. Мустақиллик ва маънавий тарбия асослари. Т.: Ўқитувчи, 1997.
3. Абдуллаев М.. Маданиятшунослик асослари . Фарғона, 1997.
4. Гулметов Э. ва б. Маданиятшунослик. Т., 2000й.
5. Культурология. Под редакцией А. Радугина. М., 2001.
6. Гурьевич П. С. Человек и культура. М. «Дрофа», 2001.

2-амалий машғулот: Маданият ривожланишининг асосий қонуниятлари.

Дарснинг мақсади: Моддий ва маънавий маданият тушунчасига таъриф бериш, моддий ва маънавий маданият ўртасидаги ўзаро алоқадорликни шарҳлаб бериш, шахс ва жамият тушунчаларига илмий-фалсафий таъриф бериш, маданиятнинг шахс ва жамият ҳаётидаги ўрнини изоҳлаш, талабалар онгида маданиятли киши жамиятда юксак мавқеда бўлиш ҳақида мустаҳкам фикр пайдо бўлишига эришиш, қадрият тушунасига таъриф бериш, қадриятларни турларини классификация қилиш, маданий қадрият тушунчасига таъриф бериш, талабаларда ўтмиш маданий бойликларимизга ҳурмат ҳиссини уйғотиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Маънавий ва моддий маданиятлар ўртасидаги фарқни англаб етади;
2. Маданиятнинг жамиятдаги функцияларини шарҳлаб беради;
3. Маданиятнинг инсон билан боғлиқ функцияларини шарҳлаб беради;
4. Маданият соҳаларини тушунтира олади;
5. «Зиёли» тушунчасига таъриф беради;
6. Қадрият тушунчасини изоҳлайди.

Керакли жиҳозлар: «Маданиятшунослик», «Қадриятлар фалсафаси», «Аксиология» дарсликлари, назорат топшириқлари мажмуаси, тестлар, тарқатма материаллар.

Ишнинг бажариш тартиби:

- моддий маданият тушунчасига таъриф берилади;
- маънавий маданият соҳалари санаб ўтилади;
- маданиятнинг шахс ва жамият ҳаётидаги ўрни аниқланади;
- маданиятнинг функциялари кўрсатилади;
- маданиятнинг шахс билан боғлиқ функциялари аниқланади;
- қадрият тушунчасига илмий таъриф берилади;
- миллий ва минтақавий қадриятлар изоҳланади;
- умуминсоний қадриятлар таҳлил қилинади;
- ўрганилган билимлар умумлаштирилади;
- дарсни яқунлаш.

Керакли адабиётлар:

1. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. Т. 1994 й.
2. Абдуллаев М. Маданиятшунослик асослари . Фарғона, 1997.
3. Гулметов Э. ва б. Маданиятшунослик. Т., 2000й.
4. Туленов Ж. Қадриятлар фалсафаси. Т.1998.
5. Назаров Қ. Аксиология. Т.2000.
6. Назаров Қ. Қадриятшунослик. Т. 2003.

3-амалий машғулот. Марказий Осиё халқларининг қадимги маданияти.

Дарс мақсади: Талабаларда Марказий Осиё ҳудудида мавжуд бўлган қадимги халқлар ва давлатлар маданиятининг вужудга келиш заминлари, уларнинг бошқа халқлар маданиятларидан фарқли томонлари, мазкур халқлар маданиятининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида маълумот бериш, Юнон-Бақтрия маданияти атрофлича маълумотлар бериш, бу маданият билан Шарқ маданиятининг ўзаро таъсири, яқинлашуви ва инсон ижтимоий фаолиятининг барча соҳалардаги уйғунлашуви ҳақида маълумотлар бериш, Кушон давлатининг пайдо бўлиши, ундаги маданий юксалиш ва Кушон давлати ҳамда маданиятининг Марказий Осиё халқлари тарихида тутган ўрни ва роли ҳақида маълумот бериш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Марказий Осиё ҳудудида мавжуд бўлган қадимги халқлар ва давлатлар тўғрисида тушунчага эга бўлади;
2. Марказий Осиё маданиятининг характерли белгиларини фарқлайди ва маълум тизимга солади;
3. Шарқ ва Ғарб маданиятларининг ўзаро таъсири ва яқинлашувининг шарт-шароитлари ҳамда сабабларини шарҳлаб беради;
4. Кушон давлати пайдо бўлишининг шарт-шароитлари ва заминларини изоҳлайди;
5. Кушонлар даврида маданият ривожланишининг ўзига хос йўналишларини шарҳлайди.

Керакли жиҳозлар: Маданиятшунослик, Маданият назарияси ва тарихи қўлланмалари, Марказий Осиё қадимги маданияти ҳақида монографик тадқиқотлар, кўргазмали қуроллар, тарқатма материаллар ва б.

Ишни бажариш тартиби:

- Марказий Осиё ҳудудидаги қадимги халқлар яшаган ҳудудларни аниқлаш;
- Мазкур халқлар яратган маданиятни вужудга келиш заминларини таҳлил қилинади;
- Қадимги Шарқ ва Ғарб маданиятларининг ўзига хос хусусиятларини кўрсатнг;

- Қадимги шарқ ва Ғарб маданиятларининг ўхшаш томонларини аниқлани;
- Юнон-Бақтрия маданияти мисолида Шарқ эллинистик маданиятини таҳлил этилади;
- Кушонлар давлатининг пайдо бўлиш заминларига изоҳ бери;
- Кушон маданиятининг ўзига хос хусусиятларини кўрсати;
- Кушонлар даври маънавий маданиятида буддавийликнинг таъсирини аниқлаш;
- Олинган билимларни умумлаш ва хулосалаш;
- Дарсни яқунлаш.

Керакли адабиётлар:

1. Каримов И. А. Маънавий юксалиш йўлида. Т.:1998.
2. Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т.:1998.
3. Пугаченкова Г. А. Шедевр ў Средней Азии. М.:1986 стр. 34-77.
5. Ўзбекистон тарихи ва маданияти. Т.:1992.
6. Гулметов Э ва б. Маданиятшунослик. Т., 2000, 107-121 бб.

4-амалий машғулот: Ислом маданияти.

Дарс мақсади: Талабаларга Марказий Осиё халқларининг араб халифалигигача бўлган даврдаги маданияти тўғрисида маълумот бериш, талабаларга Марказий Осиёда шаклланган ва ривожланган уйғониш даври маданиятида исломий қадриятлар ва дунёвий илмлар тўғрисида тўлиқ маълумот бериш, ислом дини, унинг пайдо бўлиши ва Марказий Осиёга кириб келиши ҳақида, ислом маънавияти ва маданиятининг асосий манбалари тўғрисида тушунча бериш, Марказий Осиё мутафаккирларининг илмий билимлар ривожига қўшган ҳиссаси ҳақида, мустақиллик йилларида исломий қадриятларга бўлган янги муносабат ҳақида маълумотлар бериш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Марказий Осиёда қадимий маданият ва санъат ёдгорликлари тўғрисида гапиради;
2. исломгача даврдаги диний тасаввурлар, тил тўғрисида, ёзув ва мавжуд алифболар хусусида билади;
3. Марказий Осиёда «Уйғониш даври» ва уни даврлаштириш масаласини ёритади;
4. Марказий Осиёга исломнинг кириб келиши билан содир бўлган ўзгаришлар тўғрисида гапиради;
5. Марказий Осиё Уйғониш даври маънавий маданиятининг шаклланиши ва тараққиётда тасаввуфнинг ролини кўрсатади.

Керакли жиҳозлар: Маданиятшунослик, Маданият назарияси ва тарихи қўлланмалари, Қуръон, Ҳадислар тўпламлари, Марказий Осиё мутафаккирларининг диний ва илмий асарлари, ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари, кўрғазмали қуроллар, тарқатма материаллар.

Ишни бажариш тартиби:

- Исломнинг пайдо бўлишини ва тарқалишини таҳлил қилинади;
- Исломнинг Марказий Осиёга кириб келиши ва маданиятлар аралашуви ҳақида маълумотлар берилади;
- Ислом маданиятининг манбалари ҳақида фикр билдирилади;
- Қуръон ва унинг шаклланиши тўғрисида гапиринг;
- Ҳадислар ва уларнинг жамланиши тарихини баён этинг;
- Марказий Осиёлик диний олимлар ҳақида маълумотлар баён этилади;
- Ислом ва тасаввуфнинг ўзаро алоқалари ҳақида маълумотлар берилади.
- Мустақиллик йилларида исломий қадриятларга эъборнинг кучайганлигини асослайди;
- Олинган билимлар умумлаштирилади ва хулосаланади;
- Дарсни яқунлаш.

5-амалий машғулот. Марказий Осий уйғониш даври фалсафасида дунёвий маданият.

Дарс мақсади: Уйғониш даври тўғрисида маълумот бериш, Уйғониш даврини даврлаштириш тўғрисидаги нуқтаи назарларни баён этиш ва бу масалага аниқлик киритиш, Шарқ Уйғониш даврининг ривожланиш босқичлари, унинг ўзига хос хусусиятлари, ўз даври учун ҳамда кейинги даврларда Шарқ ва Ғарб халқлари маданияти ривожда тутган ўрни ва роли масаласини очиб бериш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. IX-XII асрларда Марказий Осиёда «Мусулмон маданияти», «араб маданияти» деб номланган тушунчаларни умумлаштиради ва уларга изоҳ беради;
2. Шарқ Уйғониш даври маданиятининг келиб чиқиш манбаларини таҳлил қилади;
3. Уйғониш даври маданиятини белгиланган ижтимоий-сиёсий омилларни кўрсатиб беради.
4. Шарқ ва Ғарб маданияти ривожланишида Уйғониш даврининг тутган ўрни ва ролини аниқлаб олади;
5. Уйғониш даврини даврлаштириш масаласини илмий жиҳатдан тушуниб етади;
6. Уйғониш даврини даврлаштиришни маълум системага солади;

Керакли жиҳозлар: Маданиятшуносликка оид дарслик ва қўлланмалар, Уйғониш даври ҳақидаги монографик тадқиқотлар, Уйғониш даври мутафаккирларининг илмий асарлари, методик қўлланмалар, тарқатма материаллар, тестлар тўплами.

Ишни бажариш тартиби:

- «Уйғониш даври» атамасига изоҳ берилади;
- Шарқ ва Ғарб Уйғониш даврларининг ўзига хос хусусиятлари кўрсатиб ўтилади;
- Шарқ ва Ғарб уйғониш даврларининг умумий хусусиятлари саналади;
- Марказий Осиё Уйғониш даврини даврлаштиришга оид нуқтаи назарлар саналади;
- Марказий Осиё илк Уйғониш даври мутафаккирларининг илмий мероси таҳлил этилади;
- Ўрганилаётган давр маданиятининг ўзбек миллий маданиятининг шаклланишидаги ўрни ўрганилади;
- Олинган билимларингизни умумлаштириб, хулосаланг;
- Дарсни якунлаш.

Керакли адабиётлар:

1. Каримов. И.А. Ўзбекистон: миллий, истиқлол, иқтисодий, сиёсий, мафкура. Т. Ўзбекистон: 1993.
2. Туленов Ж, Ғофуров З. Фалсафа. Т.: 1996.
3. Гулметов Э ва б. Маданиятшунослик. Т.: 2000, 122-129 бб
4. Хайруллаев М. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири. Т., 1971, 78- 129 бб.
5. Хайруллаев М. Марказий Осиёда илк уйғониш даври маданияти. Т.: 1994, 3-76 бб.

6-амалий машғулот. Темур ва темурийлар даври маданияти.

Дарсинг мақсади: Талабаларга Темур даври ҳақида, у билан боғлиқ Уйғониш даврида маданият, маърифат тўғрисида тўлиқ маълумот бериш, Темур салтанида қилинган маънавий-маърифий ишлар, уларнинг жамият ижтимоий, иқтисодий ва маънавий ривождаги ўрни хусусида маълумот бериш, Темур даври маънавий

ҳаётининг юксаклиги даражасини батафсил ёритиб, тушунтириб бериш, уларда ўтмиш маданий меросга эҳтиром ҳиссини ўйғотиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Темур маърифатпарвар, юксак маънавиятли комил инсонлигини асослаб беради;
2. Темур даврида ижтимоий-фалсафий фикрлар хусусида гапириб беради.
3. Амир Темур ва Темурийларнинг маънавий-маърифий ҳаётдаги ўрни тўғрисида гапириб беради;
4. Темурийлар давлатининг иқтисодий ва маданий турмуши хусусида гапириб беради.

Керакли жиҳозлар:

Маданиятшунослик, маданият назарияси ва тарихига оид қўлланмалар, Ўзбекистон халқлари тарихига оид дарсликлар, Амир Темур ва темурийлар даврига оид монографик тадқиқотлар, илмий асарлар, Темурийлар даври архитектурасига оид фотосуратлар, буклетлар, методик тавсиялар, тарқатма материаллар.

Ишни бажариш тартиби:

- Темур ҳаёти ва фаолияти тарихини баён этади;
- Темур ва темурийлар даврининг ўлка маданияти тарихидаги ўрнини баҳоланади;
- Темур бино этган обидалар каталоги тузилади;
- Темурийлар даври адабиёти ва санъати таҳлил этилади;
- Ижодкор темурийлар санаб, уларнинг мероси таҳлил қилинади;
- Темурнинг тасаввуфга муносабати ўрганилади;
- Темур ва темурийлар даврида нақшбандия тариқити пирлари ва шайхларининг фаолияти умумлаштирилади;
- Темурийлар Ренессанси даврининг истиқлол йилларида ўрганилишига катта эътибор қаратилганлиги мисоллар асосида таҳлил этилади.
- Олинган билимлар умумлаштириш ва таҳлил этиш;
- Дарсни якунлаш.

Керакли адабиётлар:

1. Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, сиёсат мафкура. Т., Ўзбекистон: 1992.
2. Мўминов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. Т., Фан: 1993.
3. Ахмедов Б. Амир Темур. Т., 1995, 75-143 бб.
4. Ахмедов Б. Улуғбек. Т., 1993.
5. Гулметов Э. ва б. Маданиятшунослик. Т, 2000, 130-148.

7-амалий машғулот. Туркистонда маърифатпарварлик маданияти.

Дарс мақсади: Талабаларга маърифатпарварлик маданиятининг пайдо бўлиши ва унинг ривожланиши босқичларини тушунтириб бериш, маърифатпарварларнинг ғоявий устози ва Туркистонга маърифатпарварлик ғояларининг кириб келиши ҳақида маълумот бериш, талабаларга жадидларнинг маърифатпарварлик ҳаракатлари ва унинг халқ маънавиятини кўтаришда тутган ўрни тўғрисида маълумот бериш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. XIX асрнинг иккинчи ярмида маърифатпарварлик маданиятининг пайдо бўлиши тўғрисида маълумот беради;
2. Маърифатпарварлик маданиятининг Туркистонга кириб келишини «кузатади»;
3. Жадидчилик ҳаракатининг мазмунини ёрита олади;
4. Жадидларнинг асосий ғояларини изоҳлай олади;
5. Жадидчилик ҳаракатининг халқ маънавиятини кўтаришдаги роли ҳақида

гапириб беради.

Керакли жиҳозлар: Маданиятшунослик, маданият назарияси ва тарихига оид қўлланмалар, Туркистон маърифатпарварлари ва жадидларининг суратлари тўплами, уларнинг асарлари, улар ҳақидаги илмий рисоалар, тестлар тўплами, методик кўрсатмалар.

Ишни бажариш тартиби:

- Маърифат, маърифатпарварлик атамаларини изоҳланг.
- Туркистон маданий тараққиётига рус ва дунёвий маданиятнинг таъсирини ўрганг.
- Маърифатпарвар шоирлар асарлари таҳлил қилинади;
- Жадидчилик ғояларини Туркистонга кириб келиши қандай ўзгаришларга олиб келди?
- Рус-тузем ва жадид мактабларининг ўлка маданий ҳаётидаги ўрни
- нималарда намоён бўлганлигини аниқланг.
- Маърифатпарварлар ва жадидлар асарларидан намуналар келтирилади;
- Маълумотларни таҳлил қилиш ва умумлаш;
- Дарсни якунлаш.

Керакли адабиётлар:

1. Каримов И. А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т., Ўзбекистон: 1994.
2. Алиев А. Ўлмас маънавий хазина. Т.: 1994.
3. Зоҳидий А. Маърифатчилик: ўқилмаган саҳифалар. Мулоқот, 1993, №2.
4. Ғаниев И. Фитрат ва мусиқа. Т, 1994 й.
5. А. Авлоний. Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ. Т, 1992.
6. Фитрат. Нажот йўли. Т., 2001.

8-амалий машғулот. Миллий истиқлол ва Ўзбекистонда маданий тараққиёт.

Дарс мақсади: Истиқлол йилларида маданиятнинг мақсади ва маънавият соҳасидаги бош ғоямиз нималардан иборат эканлигини талабаларга тушунтириш, талабаларга мустақиллик улуғ неъмат эканлигини асослаб бериш, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда таълим тизимининг тубдан ислоҳ қилинганлигини баён этиш, «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг маданий тараққиётдаги аҳамиятини тушунтириш, ҳозирги босқичда мамлакатимиздаги туб ўзгаришлар ва ислохотларнинг жамиятимиз ҳаётида қай даражада акс этаётганлигини кўрсатиб бериш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Мустақиллик йилларида миллий-маданий марказларнинг ривожланишини кўрсатади;
2. Янги давр маънавият соҳасидаги бош ғоямиз нималардан иборат эканлигини шарҳлайди;
3. Жамиятимиз тараққиётининг энг асосий вазифалари нималардан иборат эканлигини тушунтиради.
4. «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қабул қилиниши заруриятини англайди;
5. Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойилларининг санайди;
6. Ҳозирги босқичда ўзбек миллий маданияти ривожланишининг асосий йўналишларини аниқлайди;

Ишни бажариш тартиби:

- Маънавий-маърифий ислохотларнинг жамият ривожланишининг муҳим омили эканлиги асосланади;
- Истиқлол йилларида Ўзбекистонда маънавий-маърифий ислохотларга берилаётган эътибор таҳлил этилади;
- Маънавият ва маърифат жамоатчилиги маркази ва унинг фаолияти

- атрофлича ўрганилади;
- Маданият ривожда миллий-маданий марказларнинг ўрни кўрсатилади;
- Таълим ривожининг ўзига хос хусусиятлари санаб ўтилади;
- Таълим тўғрисидаги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қабул қилинишининг аҳамияти ўрганилади;
- «Узлуксиз таълим» тушунчасига баҳо берилади ва у фалсафий таҳлил этилади;
- Маданият ривожда санъат ва унинг аҳамияти таҳлил қилинади;
- Ҳозирги босқичда маданий ҳаёт ютуқлари ва камчиликлари кўрсатилади;
- Фикрлар ва хулосалар таҳлил қилинади;
- Дарсни яқунлаш.

Керакли адабиётлар:

1. Каримов И. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол тараққиёт йўли. Т.: 1992.
2. Каримов И. Истиқлол ва маънавият. Т.:1994.
3. Каримов И. Биз қуриш ва яратиш йўлидан бораверамиз. Т.: 1995.
4. Каримов И. Миллий истиқлол мафқураси- халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Т.: 2000.
5. Каримов И. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.:1996.
6. Гулметов Э. ва б. Маданиятшунослик. Т., 2000, 160-177 бб.

ТАЛАБАЛАР МУСТАҚИЛ ИШ ТОПШИРИҚЛАРИ:

Мустақил ишига рейтинг бали бериш тартиби:

Мустақил топшириқларни ҳар бири учун максимал 4 балгача балл бериш белгиланган. Талабалар жорий баҳолашда 5 та мустақил иш топшириқларига жавоб ёзади. Умумий ҳолда талаба мустақил топшириқларни ҳаммаси учун 20 балл олади.

Ҳар бир мустақил иш топшириқлари 4 банддан иборат бўлиб, улар матн тузиш ва ўзлаштириш, мустақил уй вазифаси, *конспект учун адабиётлар*, тестларни еча билиш ва тестлар тузишдан иборат:

- 1.1. –мавзу матнини ўзлаштиришда талаба берилган 3 та саволга ёзма жавоб ёзади ва шу саволлар юзасидан оғзаки жавобга ҳозирлик кўради;
- 1.2-мустақил уй вазифасини бажаришда талаба 3 та саволга қисқа жавоб ёзади;
- 1.3. - тестларни еча билишда талаба берилган 2 та тестни ечади;
- 1.4. - тестлар тузишда талаба мавзуга мос келадиган 2 та тест тузади.

Бандлардаги топшириқларни бажарилишига қараб ҳар бир банд топшириқларига 0,1 балдан 1 балгача балл қўйилади.

№	Мавзу номи	Бериладиган балл	ТМИ топшириладиган сана
1.	Маданият - ижтимоий ҳодиса сифатида.	0-4	
2.	Марказий Осиё халқларининг қадимги маданияти.	0-4	
3.	Уйғониш даври Марказий Осиё маданияти (IX-XV асрлар).	0-4	
4.	XVI-XVIII асрлар Марказий Осиё маданияти.	0-4	
5.	Мустақиллик даври Ўзбекистонда маданий юксалиш.	0-4	
	Жами:	20	

1-ТМИ. Мавзу: Маданият - ижтимоий ҳодиса сифатида.

1.1. Мавзу матнини ўзлаштириш

- Маданиятнинг ижтимоий ҳодиса эканлиги.
- Маданиятни типларга бўлиш.
- Цивилизация тушунчаси.

1.2. Мустақил уй вазифаси

- Маданиятни типларини сананг.
- Моддий ва маънавий маданият намуналари таҳлили.
- Жаҳон тарихидаги цивилизацияларни ўрганиш.

Конспект учун адабиётлар

- Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб.-Т.: Ўзбекистон, 1997.
- Бердяев Н. Смысл истории. -М.: Мысль, 1990.

1.3. Тестларни еча билиш.

1. Шпенглер талқинича Ер юзида нечта цивилизациялар бўлган?
1. 10 га яқин. 2. 10 дан ортиқ. 3. 20 га яқин. 4. 20 дан ортиқ.
2. Ғарб ва Шарқ маданиятини бир-бири билан ким таққослаган?
1. Б. Аҳмедов 2. А. Асқаров. 3. Ф. Сулаймонова. 4. М. Исоқов.

1.4. Тестлар тузиш.

Намуна: Савол?

Жавоб: 1.....2..... 3.....4.....

Адабиётлар ва манбалар.

- Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб.-Т.: Ўзбекистон, 1997.
- Туленов Ж. Фалсафа. - Т.: Ўқитувчи, 1997.

2-ТМИ. Мавзу: Марказий Осиё халқларининг қадимги маданияти

2.1. Мавзу матнини ўзлаштириш

- Қадимги Марказий Осиё маданияти даврини босқичларини аниқлаш.
- Қадимги Марказий Осиё маданияти намуналарини ўрганиш.
- Мавзуни конспект қилиш.

2.2. Мустақил уй вазифаси

- Барча маданият даврларини билиш.
- Марказий Осиё маданиятига бағишланган асарларни аниқлаш.
- Қадимги Марказий Осиё маданияти даврлари жадвалини тузиш.

Конспект учун адабиётлар

- Мустақил Ўзбекистон тарихи.-Т.: Шарқ 2000.
- Пидаев Ш. Сирли Кушонлар салтанати. Т.: Фан, 1991.

2.3. Тестларни еча билиш.

1. Жаҳонда нечта цивилизация бешиклари бор?
1. 3 та. 2. 5 та. 3. 7 та. 4. 9 та.
2. Энг қадимги Марказий Осиё маданияти намунасини топинг ?
1. Авесто 2. Куръони карим. 3. Ўғузнома. 4. Алпомиш.

2.4. Тестлар тузиш.

Намуна: Савол?

Жавоб: 1.....2..... 3.....4.....

Адабиётлар ва манбалар.

- Аҳмедов Б. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари. – Т.: Ўқитувчи, 1991.
- Пидаев Ш. Сирли Кушонлар салтанати. Т.: Фан, 1991.

3-ТМИ. Мавзу: Уйғониш даври Марказий Осиё маданияти (IX-XV асрлар).

3.1. Мавзу матнини ўзлаштириш

- Уйғониш даври тушунчасини изоҳлаш.
- Уйғониш даври маданиятини таҳлил қилиш.
- Мавзуни конспект қилиш.

3.2. Мустақил уй вазифаси

- Уйғониш даври тўғрисида тушунчага эга бўлиш.
- Шарқ ва Ғарб Уйғонишини таҳлил қилиш.
- Марказий Осиё Уйғониш даври маданиятини хусусиятларини ўрганиш.

Конспект учун адабиётлар

- Хайруллаев М. Урта Осиёда илк Уйғониш даври маданияти.-Т.: Фан, 1994.
- Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб.-Т.: Ўзбекистон, 1997.

3.3. Тестларни еча билиш.

1. Президентимиз қайси асарида Амир Темурга баҳо берган?
1. Ўзбекистон XX1 аср бўсағасида. 2. Адолатли жамият сари. 3. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 4. Янгича фикрлаш ва ишлаш-давр талаби.

2. Марказий Осиё Уйғониши қайси даврларни ўз ичига олади?
1. X-XV асрлар. 2. 1X-XV асрлар. 3. 1X-X11 асрлар. 4. X11-X1V асрлар.

3.4. Тестлар тузиш.

Намуна: Савол?

Жавоб: 1.....2..... 3.....4.....

Адабиётлар ва манбалар.

- Хайруллаев М. Ўрта Осиёда илк Уйғониш даври маданияти.-Т.: Фан, 1994.
- Гулметов Э. ва б. Маданиятшунослик. Т.: 2000.

4-ТМИ. Мавзу: XVI-XVIII асрлар Марказий Осиё маданияти.

4.1. Мавзу матнини ўзлаштириш

- Шайбонийлар даври маданияти.
- Аштархонийлар даври маданияти.
- Уч хонликлар даври маданияти.

4.2. Мустақил уй вазифаси

- Шайбонийлар даври обидалари рўйхатини тузинг.
- Аштархонийлар даври тарихий асарларга тартиб беринг.
- Уч хонликлар давридаги маданий тушкунлик сабабларини аниқланг.

Конспект учун адабиётлар

- Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. 1- китоб.-Т.: Шарқ, 2000.
- Ўзбекистон халқлари тарихи ва маданияти. -Т.: Ўқитувчи, 1992.

4.3. Тестларни еча билиш.

1. Туркистонда “Маликуш шуаро” унвонига сазовор бўлган шоирни аниқланг.
1. Мушриф. 2. Мушфиқий. 3. Машраб. 4. Макнуна.
2. Бухоро шаҳрини ўраб олган деворни баландлигини топинг?
1. 7 метр. 2. 8 метр. 3. 9 метр. 4. 10 метр.

4.4. Тестлар тузиш.

Намуна: Савол?

Жавоб: 1.....2..... 3.....4.....

Адабиётлар ва манбалар.

- Алимова Д. ва б. Ўзбекистон тарихи.-Т.: Шарқ, 2001.
- Ўзбекистон халқлари тарихи. А. Асқаров 2- китоб.-Т.: 1995.

5-ТМИ. Мавзу: Мустақиллик даври Ўзбекистонда маданий юксалиш.

5.1. Мавзу матнини ўзлаштириш

- Мустақиллик даври Ўзбекистон маданият тарихини ўрганиш.
- Мустақиллик даври маданият тараққиётини таҳлил қилиш.
- Мавзуни конспект қилиш.

5.2. Мустақил уй вазифаси

- Меъморчилик маданиятидаги ўзгаришларни билиб келиш.
- Президентимизнинг маданият соҳасидаги ислохотлари таҳлили.
- Мустақиллик даври маданиятини атрофлича ўрганиш.

Конспект учун адабиётлар

- Мустақил Ўзбекистон тарихи. 3- китоб.-Т.: «Шарқ», 2000.
- Фозилова С., Юлдашова У. Мустақиллик қошоналари. –Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 2002.

5.3. Тестларни еча билиш.

- 1.Тошкент шаҳрига Ислохот маданияти маркази номи қачон берилган?
1. 2004 йилда. 2. 2005 йилда. 3. 2007 йилда. 4. 2008 йилда.
2. ЮНЕСКО томонидан «Тинчлик маданияти йили» деб қайси бир йил эълон қилинган?
1. 1991 йил. 2. 1994 йил. 3. 1998 йил. 4. 2000 йил.

5.4. Тестлар тузиш.

Намуна: Савол?

Жавоб: 1.....2..... 3.....4.....

Адабиётлар ва манбалар.

- Мустақил Ўзбекистон тарихи. 3- китоб.-Т.: Шарқ, 2000.
- Ўзбекистон: 13 йил мустақил тараққиёт йўлида.-Т.: ЎАЖБНТ, 2004.

ФАН ЮЗАСИДАН НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ ВА ТЕСТЛАР:

ОБ. НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Анъанавий маданият.
2. Антик маданият.
3. Амир Темур қурдирган меъморий обидаларни сананг.
4. Амир Темур даври маданияти.
5. Амир Темур даврида илм-фан ривожи.
6. Араб-мусулмон маданияти.
7. Араб-мусулмон маданиятини ўзига хослигини шарҳланг.
8. Аштархонийлар даври маданиятини гапиринг.
9. Аштархонийлар даври меъморчилиги тўғрисида гапиринг.
10. Бобурийлар даври маданияти ҳақида нима биласиз?
11. Бобурнома ҳақида гапиринг.
12. Диний маданият.
13. Жадидлар маданияти.
14. Зардуштийлик маданияти ҳақида гапиринг.
15. Ислом маданиятини Туркистон маданиятига таъсирини кўрсатинг.
16. Кушонлар маданиятининг ўзига хослигини сўзланг.
17. Маданият негизларини айтинг.
18. Маданият турлари.
19. Маданият қонунлари.
20. Маданиятнинг ворислик қонуни.
21. Маданиятнинг доимий янгиланиш қонуни
22. Маданият таърифлари.
23. Маданият тушунчасини тушунтиринг.
24. Маданиятни турларини ёритиб беринг.
25. Марказий Осиё Уйғонишини қандай даврларга бўлиш мумкин?
26. Марказий Осиё цивилизацияси.
27. Миллий маданиятни Шўро маданиятига мослашуви ҳақида гапиринг.
28. Моддий ва маънавий маданият ўртасидаги алоқадорликни кўрсатинг.
29. Мустақиллик ва маданият тараққиётини узвийлигини изоҳланг.
30. Мустақиллик даври Ўзбекистонда маданият ривожи.
31. Оммавий маданият.
32. Президент Мустақиллик меъмори.
33. Турк хоқонлиги даврида ёзув, илм-фан ривожи.
34. Туркистон маърифатпарварлиги хусусида гапириб беринг.
35. Туркистон маърифатчилик маданияти.
36. Туркистонда жадидчилик маданияти.
37. Туркистонда жадидчилик тараққиёт босқичларини сананг.
38. Туркистонлик буюк мутафаккирлар фаолияти ҳақида гапиринг.
39. Сиёсий маданият.
40. Техноген маданият.
41. Уйғониш даври тушунчасини изоҳланг.
42. Уйғониш даврлари ўртасида умумий ўхшашлик борми?
43. Улуғбек қурдирган мадрасалар ҳақида маълумот беринг.
44. Улуғбек расадхонаси ҳақида гапиринг.
45. Улуғбекни маданият соҳасидаги ишларини сананг?
46. Урушдан кейинги йиллардаги маданий тараққиёт ҳақида гапиринг.
47. Уч хонликлар даври маданиятини гапиринг.
48. Уч хонликлар даври меъморчилиги ҳақида гапиринг.
49. Цивилизация ва маданият.
50. Чор Россияси босқини давридаги Туркистон маданияти.
51. Шайбонийлар даври маданиятини изоҳланг.
52. Шарқ ва Ғарб Уйғонишини таққосланг.
53. Шўро даври Ўзбекистон маданияти.
54. Ўзбек миллий маданиятининг ўзига хослигини айтинг.

55. Маданиятшунослик курсини мақсадини тушунтиринг.
56. Ўзбекистонда амалга оширилган маданий юксалишлар ҳақида гапиринг.
57. Қадимги Марказий Осиё маданияти.
58. Қайта куриш даври маданиятини гапириб беринг.
59. Ҳуқуқий маданият.
60. ХУ11-Х1Х асрлар Туркистон маданиятидаги тушкунлик.

ТЕСТЛАР:

- 1. «Маданият» тушунчасини талқинини аниқланг?**
 1. «ишлов бериш».
 2. «ишлаш».
 3. «шаҳарга оид».
 4. «шаҳарлик».
- 2. Маданиятшунос олим ким?**
 1. У. Қорабоев.
 2. А. Жалолов.
 3. Қ. Назаров.
 4. А. Маврулов.
- 3. Жаҳонда нечта цивилизация бешиклари бор?**
 1. 3 та.
 2. 5 та.
 3. 7 та.
 4. 9 та.
- 4. Энг қадимги Марказий Осиё маданияти намунасини топинг.**
 1. Қуръони карим.
 2. Алпомиш.
 3. Аржанг.
 4. Авесто.
- 5. Араб-мусулмон маданияти қайси тарихий даврга оид?**
 1. Юқори ўрта асрларга.
 2. Сўнгги ўрта асрларга.
 3. Илк ўрта асрларга.
 4. Ўйғониш даврига.
- 6. Самарқанд амадемиясида қанча олимлар фаолият кўрсатган?**
 1. 100 га яқин.
 2. 90 га яқин.
 3. 50 га яқин.
 4. 70 га яқин.
- 7. Президентимиз қайси асарида Мирзо Улуғбек фаолиятига баҳо берган?**
 1. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир.
 2. Биздан озод ва обод Ватан қолсин.
 3. Ўз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз.
 4. Тарихий хотирасиз келажак йўқ.
- 8. «Запад и Восток» («Ғарб ва Шарқ» русча) асри муаллифини аниқланг?**
 1. Мец.
 2. Конрад.
 3. Чалоян.
 4. Бердяев.
- 9. Туркистон маърифатчилик маданиятини энг юқори нуқтасини топинг?**
 1. Жадидлар.
 2. Панисломизм.
 3. Пантуркизм.
 4. Маърифатпарварлар.
- 10. Жадидлар даврини неча босқичга бўлиш мумкин?**

1. 5 босқичга.
 2. 8 босқичга.
 3. 7 босқичга.
 4. 3 босқичга.
- 11. Миллий ўзбек шўро маданиятини шаклланиши қайси йилларга тўғри келади?**
1. XX асрнинг 10-30-йилларига.
 2. XX асрнинг 30-50-йилларига.
 3. XX асрнинг 40-60-йилларига.
 4. XX асрнинг 20-40-йилларига.
- 12. Араб Ота мақбараси қайси тарихий даврга оид?**
1. Юқори ўрта асрларга.
 2. Сўнги ўрта асрларга.
 3. Янги даврга.
 4. Илк ўрта асрларга.
- 13. Президентимиз қайси асарида Алишер Навоий фаолиятига баҳо берган?**
1. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир.
 2. Истиқлол ва маънавият.
 3. Ўз келажигимизни ўз қўлимиз билан курмоқдамиз.
 4. Тарихий хотирасиз келажак йўқ.
- 14. «Бобурнома»да қанча олим-зиёлилар ҳақида маълумот берилган?**
1. 400 га яқин.
 2. 500 га яқин.
 3. 700 га яқин.
 4. 900 га яқин.
- 15. Архаик маданият нима?**
1. Қадимги Юнон маданияти.
 2. Қадимги Рим маданияти.
 3. Ўрта аср мусулмон маданияти.
 4. Ибтидоий маданият.
- 16. Марказий Осиё уйғонишини неча даврга бўлиши мумкин?**
1. 5 даврга.
 2. 2 даврга.
 3. 4 даврга.
 4. 3 даврга.
- 17. Республика маънавият ва маърифат маркази 1994 йилнинг қайси санасида ташкил этилган?**
1. 5 майда.
 2. 14 январда.
 3. 12 декабрда.
 4. 23 апрелда.
- 18. Қадимги Юнонистонда “Маданият” тушунчаси қандай маънода фойдаланилган?**
1. Парвариш қилиш.
 2. Культур.
 3. Ҳаётни маънавий жиҳатдан янада яхшилаш қаратилган ғамхўрлик.
 4. Руҳият маданияти.
- 19. Қачон қуръони Карим ўзбек тилига таржима қилинди ?**
1. 1992 йил.
 2. 1985 йил.
 3. 1990 йил.
 4. 1996 йил.
- 20. Темури ва темурийлар замонида Самарқанднинг неча дарвозаси бўлган ?**
1. 8 та.
 2. 7 та.
 3. 5 та.

4.6 та.

21. Темурийлар замонида ёзилган «Юсуф ва Зулайхо» достонининг муаллифи ким бўлган?

1. Бисотий.
2. Дурбек.
3. Сакокий
4. Журжоний.

22. Уйғониш (Ренессанс) атамаси қайси тилдан олинган?

1. Французча-испанча.
2. Испанча- французча.
3. Италиянча- французча
4. Италиянча-испанча.

23. Марказий Осиёдаги илк уйғониш даври деганда қайси асрлар тушунилади?

1. IX-X асрлар.
2. IX-XII асрлар
3. IX-XI асрлар.
4. IX-XIII асрлар.

24. Темур ва унинг авлодлари адабиёт ва санъатга, илм-фанга яқин кишилар эди. Темурийлардан нечта ижодкор шоир бўлганлигини кўрсатинг?

1. 20 та.
2. 22 та.
3. 23 та.
4. 25 та.

25. Ўзбекистон Республикасида неча музей мавжуд?

1. 78.
2. 68.
3. 88.
4. 98.

26. «Ўзбекистон – Ватаним маним» кўшиқлар танлови қачон эълон қилинди?

1. 1993 йил.
2. 1994 йил.
3. 1995 йил.
4. 1996 йил.

27. «Уйғониш даври» (Ренессанс) тушунчасини биринчи бўлиб фанга ким киритган?

1. Француз маърифатпарварлари.
2. Италиян гуманистлари.
3. Рус инқилобчилари.
4. Немис файласуфлари.

28. XVIII асрда чоп этилган «Фан, санъат ва ҳунармандчилик Энциклопедяси»нинг муаллифлари кимлар?

1. Руссо ва Бэкон.
2. Декарт ва Кант.
3. Дидро ва Д'Алламбер.
4. Кант ва Гегель.

29. Буюк Ипак йўли Шарқда қаердан бошланади?

1. Ҳиндистоннинг Деҳли шаҳридан.
2. Туркистоннинг Самарқанд шаҳридан.
3. Тўғри жавоб йўқ.
4. Ҳитойнинг Сиан шаҳридан.

30. Ўзбекистонда нечта ЮНЕСКО қарамоғидаги очик шаҳар-музей мавжуд?

1. 5 та.
2. 3 та.

3. 8 та.
4. 4 та.
- 31. Тошкент шаҳрига қачон Ислом маданияти маркази титули берилди?**
 1. 2005 йил
 2. 2000 йил
 3. 2007 йил
 4. 2003 йил
- 32. 7-донишманд сафида турувчи мутафаккир ким?**
 1. Гомер.
 2. Геродот.
 3. Сенека.
 4. Солон.
- 33. Қайси мадрасалар биргаликда Қўшмадраса деб аталади?**
 1. Гавкушон-Девонабеги.
 2. Тиллакори-Шердор.
 3. Модарихон-Абдуллахон.
 4. Амир Тўра-Амир Муҳаммадхон.
- 34. Маъмун академиясининг минг йиллиги қачон нишонланди?**
 1. 2000 йил
 2. 2003 йил
 3. 2005 йил
 4. 2007 йил
- 35. Жадидлар санъатнинг қайси турига кўпроқ эътиборни қаратадилар?**
 1. Театр ва кинога
 2. Адабиёт ва театрга
 3. Адабиёт ва мусиқага
 4. Мусиқа ва театрга
- 36. Марказий Осиёда қанча мутафаккирлар ўтган?**
 1. 500 дан ортиқ
 2. 2000 дан ортиқ
 3. 1000 дан ортиқ
 4. 1500 дан ортиқ
- 37. Қайси мақом тури «шашмоқомда» йўқ?**
 1. Бузрук
 2. Наво
 3. Ушшоқ
 4. Дугоҳ
- 38. “Бобурнома” асарида неча йиллик воқеалар ўз аксини топган?**
 1. 27 йиллик.
 2. 40 йиллик.
 3. 36 йиллик.
 4. 19 йиллик.
- 39. Қирққиз қалъаси қайси шаҳарда жойлашган?**
 1. Хива.
 2. Бухоро.
 3. Термиз.
 4. Қўқон.
- 40. Ситораи Моҳи-Хоса ансамблини безатишда ким иштирок этган?**
 1. Уста Ширин Муродов.
 2. Вершечагин.
 3. Николай Волков.
 4. Ўрол Тансиқбоев.

ЯКУНИЙ БАҲОЛАШ САВОЛЛАРИ:

1. IX-XII асрларга оид меъморчилик обидалари.
2. IX-XII асрларда адабиёт ва санъатнинг гуллаб-яшнаши.
3. IX-XII асрларда Ўзбекистон ҳудудида амал қилган илмий марказлар.
4. XVIII-XIX асрларда Туркистонда адабиёт ва санъат.
5. Амир Темур асос солган боғлар.
6. Амир Темур давр маданияти.
7. Амир Темур меъморий обидалари.
8. Араблар босқини давридаги илм-фан.
9. Араб-мусулмон маданиятининг ўзига хослиги.
10. Аштархонийлар даврида адабиёт ва меъморчилик.
11. Бобурийлар даври маданияти.
12. Бобурнома асари.
13. Буюк Ипак йўлининг Марказий Осиё маданиятидаги ўрни.
14. Диний маданият нима?
15. Диний маданиятнинг асосий белгилари ва кўринишлари.
16. Жаҳидларнинг Туркистонда миллий маданиятни юксалтиришдаги фаолияти.
17. Жаҳидчилик маданияти.
18. Жаҳон маданияти қадриятлари тушунчаси.
19. Зардуштийлик маданияти.
20. Илк Уйғониш даври маданияти.
21. Ислом ва Туркистон маданиятининг ўзаро алоқалари.
22. Ислом маданиятини Туркистон маданиятига таъсири.
23. Истиқлол йилларида театр санъатининг ривожини.
24. Истиқлол йилларида Ўзбекистонда маданий меросга муносабатнинг ўзгариши.
25. Қадимги Бақтрия, Хоразм, Сўғд, Юнон Бақтрия маданиятлари.
26. Қадимги Марказий Осиё халқлари маданиятида «Авесто»нинг ўрни.
27. Қадимги Хоразм маданияти.
28. Қадимги Юнон-Бақтрия ва эллинистик маданият.
29. Қайта қуриш даври маданиятдаги инқироз.
30. Кушонлар даври ва маданияти.
31. Кушонлар даврида ёзув ва илм-фан.
32. Маданий ислохотлар жараёнида миллий тарихий меросга муносабат.
33. Маданий ривожланишнинг ҳозирги босқичдаги хусусиятлари.
34. Маданий тараққиётда миллий байрамларнинг ўрни.
35. Маданият негизлари.
36. Маданият тараққиётида исломнинг ўрни.
37. Маданият турлари.
38. Маданият функциялари.
39. Маданиятшунослик курсининг мақсади.
40. Мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий-маърифий ислохотларнинг моҳияти.
41. Марказий Осиё Уйғониш даври маданиятини ўзига хослиги.
42. Марказий Осиё Уйғониш даври маданиятини ўрганган олимлар.
43. Марказий Осиё маданияти ривожланишида Туркий битикларнинг ўрни.
44. Марказий Осиё қадимги маданиятининг характерли белгиларини сананг.
45. Марказий Осиё маданияти ривожланишида Кушонлар маданиятининг ўрни.
46. Марказий Осиё мадрасалари.
47. Марказий Осиё минтақасининг Шарқ ва Ғарб маданиятлари ўзаро яқинлашуви.
48. Марказий Осиё мутафаккирларининг Араб дунёси ва жаҳон маданияга қўшган ҳиссаси.
49. Марказий Осиё Уйғониш даври маданиятининг асосий белгилари.
50. Марказий Осиё Уйғониш даврини белгилаган ижтимоий-сиёсий омиллар.
51. Марказий Осиё Уйғониши.
52. Марказий Осиё халқларини исломгача даврдаги диний эътиқодларининг маданиятга таъсири.
53. Марказий Осиёда қадимги халқлар ва давлатлар.

54. Марказий Осиёдаги қадимги ёзувлар.
55. Марказий Осиёдаги қадимги маданиятнинг ўзига хос хусусиятлари.
56. Марказий Осиёда илк давлатлар маданиятининг вужудга келиш заминлари.
57. Маъмун академияси.
58. Маъмун академиясининг минг йиллиги.
59. Маънавий-маърифий ислохотлар ва комил инсон тарбияси.
60. Маънавият ва маърифат марказининг фаолияти.
61. Миллий маданиятни Шўро маданиятига мослашуви.
62. Мустақиллик ва маданият тараққиётининг узвийлиги.
63. Мустақиллик даври кошоналари.
64. Мустақиллик йилларида динга, хусусан, ислом динига муносабатнинг ўзгариши.
65. Мустақиллик йилларида Мусиқа ва қўшиқчилик санъатининг тараққиёти.
66. Мустақиллик йилларида Уйғониш даври илмий меросини ўрганишга эътиборнинг кучайиши.
67. Мустақиллик шароитида миллий маданиятимиз ривожланишининг омиллари.
68. Президент асарларида маданият масаласини ёритилиши.
69. Кадрлар таёрлаш миллий дастурининг аҳамияти.
70. Таълим тўғрисидаги Қонуннинг маънавий маърифий ислохотларни амалга оширишдаги ўрни.
71. Темур ва темурийлар даврида ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётнинг юксалиши.
72. Темур ва темурийлар даврида тасвирий ва амалий санъат.
73. Темурийлар даврида илм-фан ва адабиёт.
74. Темурийлар даврида санъат, фалсафа ва дин.
75. Турк хоқонлиги даврида ёзув ва илм-фан.
76. Турк хоқонлиги маданиятининг Марказий Осиё маданияти ривожидидаги ўрни.
77. Туркистон жадидларнинг асарлари.
78. Туркистонда маърифатпарварлик босқичлари.
79. Туркистонга жадидчилик маданиятининг кириб келиши.
80. Туркистонга рус ва Европа маданиятининг кириб келиши.
81. Туркистонда жадидчилик маданиятининг юзага келиши.
82. Туркистонда жадидчилик тараққиёт босқичлари.
83. Туркистонда жадидчилик ҳаракати ва унинг маданият тараққиётига таъсири.
84. Туркистонлик буюк мутафаккирлар фаолияти.
85. Уйғониш даври маданиятининг асосий белгилари.
86. Уйғониш давлари ўртасида умумий ўхшашлик.
87. Улуғбек ва унинг илмий мактаби.
88. Улуғбек даври маданияти.
89. Урушдан кейинги йилларда илм-фандаги зиддиятлар.
90. Урушдан кейинги йиллардаги маданий ўзгариш.
91. Уч хонликлар даври меъморчилиги.
92. Ўзбек адабиёти ривожиди Навоий ва Бобурнинг ўрни.
93. Ўзбекистон ҳудудида топилган қадимги даврга оид ёдгорликлар.
94. Ўзбекистонда амалга оширилган маданий юксалишлар.
95. Ўрта асрлар адабиёти, санъати ва меъморчилигида исломнинг ўрни.
96. Шайбонийлар даври меъморчилиги ҳақида ҳикоя қилинг.
97. Шўро – ўзбек маданияти шаклланиши.
98. ЮНЕСКО Ўзбекистон алоқалари.
99. Тошкент– 2200 ёшда.
100. Мустақиллик майдонидаги маданият обидалари.
101. Президент Ислом Каримов мустақиллик меъмори.
102. Усмон мусфаҳи-маданият дурдонаси сифатида.
103. Ўзбекистонда миллий маданий марказлар фаолияти.
104. Диний маданият.
105. Техноген маданият.
106. Ислом Каримов 2010 йилнинг асосий яқунлари ҳақида.
107. Ислом Каримов 2012 йилдаги устувор йўналишлар ҳақида.

108. Энг азиз Мустақиллик байрамнинг 20 йиллиги.
109. БМТнинг инсон ривожланиши концепцияси.
110. БМТнинг глобал Мингйиллик ривожланиш мақсадлари.
111. Ўзбекистонда Мингйиллик ривожланиш мақсадлари.
112. Ислом Каримовнинг ислохотларни чуқурлаштириш концепцияси.
113. Демократик ўзгаришларнинг 6 устувор вазифалари.
114. Алишер Навоий башарият фарзанди.
115. Ислом Каримовнинг Конституциянинг 20 йиллигидаги маърузаси

ЎТИЛГАН МАВЗУЛАР БЎЙИЧА ЯКУНИЙ ХУЛОСАЛАР:

1.Марказий Осиё маданияти жаҳон маданияти тарихида муҳим ўрин тутди. Бугунги кунда Бақтрия, Марғиёна, Сўғд, Парфия, Фарғона, Хоразм, Чоч халқларининг қадимги маданияти жаҳон илм аҳлини томонидан тан олинган.

2.Аҳамонийлар империяси ва Марказий Осиё маданиятига эллинизм элементлари кириб келди. Аҳамонийлар салтанатини емириб ташлаган Юнон - Бақтрия босқини Марказий Осиё минтақасини, хусусан Сўғд маданиятини кулини кўкка совурди.

3.Қудратли Кушонлар империяси Орол денгизи бўйларидан Ҳинд океанигача ястаниб, ўша даврнинг бошқа уч буюк давлати Рим, Парфия ва Ханлар Хитойи билан бирга бир қаторда турди. Кушонлар империяси даври Шарқ ва жаҳон маданияти ривожига янги даврни ташкил этди.

4.Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатларида, шу жумладан Марказий Осиёда Уйғониш ҳаракатлари даври Европада содир бўлганидек, феодализм бағрида юз берди. Бу Марказий Осиё Уйғониш ҳаракатларининг асосий хусусиятидир. Иккинчидан Марказий Осиё Уйғониш ҳаракатининг ҳам ўзига хос маънавий таянчлари бўлган. Бу антик замон маданиятига ижобий ва ижодий муносабатда бўлишидир.

5.Шариат қонун қоидалари Қуръон ва Сунна асосида ишлаб чиқилган. Унда муслмонлар ижтимоий, иқтисодий, диний, ҳуқуқий, ахлоқий ҳаётини тартибга солувчи қонун қоидалар белгилаб берилган. Бундай тартиб қоидалар «Ҳидоят», «Виқоя», «Мухтасари хидоя», «Мухтасари Виқоя», номли китобларда жамланган.

6.Темурийлар даври маданияти тушунчаси чуқур маънога эга бўлиб, унинг ривожига Улуғбек, Хусайн Бойқаро, Бобур сингари темурийзодалар, шу билан бирга ўша даврда яшаган алломалар Жомий, Навоий, Беҳзод сингари ижодкорлар, Ғиёсиддин Самарқандий, Хондамир каби тарихнавислар, юзлаб меъморлар, мусиқа арбоблари, ҳунармандчиликнинг моҳир усталари катта аҳамиятга эга бўлган улушларини қўшади.

7.Туркистон хонликлари Россия томонидан босиб олингандан рус ва Европа дунёвий маданиятининг элементлари кириб келди, рус-тузем мактаблари очилди, дунёвий маданиятга қизиқиш ортди. Рус ва Европа маданияти таъсирида халқ маърифатпарварлиги шаклланди.

8.ХХ аср бошларида жадидлар кўплаб янги усул мактаблари очиб, зиёлиларнинг бир бутун авлодини тарбиялаб беришга киришдилар.

9.Истиқлол йилларида маънавий-маърифий ислохотлар давлат сиёсатининг устувор йўналиши деб ҳисобланди, ҳозирги тараққиёт босқичида миллатлараро муносабатлар масаласига катта эътибор қаратилмоқда.

10.Истиқлол йилларида ўзбек маданий ҳаёти қайта ўйғонди, маданиятнинг барча соҳаларида янгиликлар жараёни кечмоқда.

ФАН БЎЙИЧА ЕЧИМИНИ КУТАЁТГАН ИЛМИЙ МУАММОЛАР

- Маданиятшуносликни инсон маънавий оламини ўрганувчи, бойитувчи ва тарбияловчи билим соҳаси сифатида ўрганиш.
- Маданиятшуносликни маъданий салоҳиятни ўлчаш усул ва мезонларини ишлаб чиқиш.
- Маданияти юксак комил инсонни тарбиялаш омил ва воситалар тизимини яратиш.
- Маданиятшуносликни ватанпарварлик тарбиясини амалга оширувчи энг муҳим ижтимоий билим жафҳаси сифатида тадқиқ этиш.
- Маданиятшуносликни инсонпарварлик тарбиясини амалга оширувчи энг муҳим ижтимоий билим жафҳаси сифатида тадқиқ этиш.

ИНФОРМАЦИОН ТАЪМИНОТ:

Асосий адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008.
2. Абдуллаев М. Маданиятшунослик асослари. - Фарғона: «Фарғона», 1997.
3. Гулметов Э. ва б. Маданиятшунослик. - Т.: 2000.
4. Умаров Э. и др. Культурология. - Т.: Янги аср авлоди, 2006.
5. Очилдиев А. Маданият фалсафаси. –Т.: Мухаррир нашриёти, 2010.
6. Madaniyatshunoslik. O'quv qo'llanma. -Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2008.
7. Madaniyatshunoslik. asoslari. -Т.: Turon-Iqbol, 2006.
8. Маданиятшунослик. ЎУМ. -Гулистон, 2007.

Қўшимча адабиётлар:

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. -Т.: «Ўзбекистон», 1998.
2. Аҳмедов Б. Амир Темур дарслари. -Т.: 2001.
3. Абдусит Иўлдош қори ўғли. Мустақил Ўзбекистон: демократия, маънавият ва мафкура масалалари. -Фарғона: «Фарғона», 1997.
4. Абдусаттор Жуманазар. Ўргимчак китоби. Янги аср авлоди, --Т.: 2005.
5. Алимова Д. ва б. Ўзбекистон тарихи.-Т.: Шарқ, 2001.
6. Амир Темур ва темурийлар даврида маданият ва санъат. Мақолалар.-Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1996.
7. Аҳмедов Б. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари. – Т.: Ўқитувчи, 1991.
8. Зоҳидий А. Туркистонда ўрта аср араб-мусулмон маданияти. -Т.: ПМОГФНТИ, 1993.
9. Зоҳидов П. «Меъмор олами», -Т.: Қомуслар Бош таҳририяти, 1996.
10. Жабборов И. Антик маданият ва маънавият хазинаси. Ўзбекистон, - Т.: 1999.
11. Каримов Ш., Шамсутдинов Р. Ватан тарихи. -Т.: Ўқитувчи, 1997.
12. Маврулов А. Таълим тизимида маданият масалалари. Республика методика ва ахборот маркази. - Т.: 2004.
13. Муродов Х. ва бошқалар. Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти сафида.- Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000.
14. Мустақил Ўзбекистон тарихи.- Т.: Шарқ, 2000.
15. Мўминов И. Амир Темурни Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. - Т.: Фан, 1994.
16. Пидаев Ш. Сирли кушонлар салтанати. - Т.: Фан, 1991.
17. Сафарбоев М. Маъмун академияси ва унинг жаҳон илм-фани тараққиётидаги ўрни. УрДУ ношрилиқ бўлими, -Урганч. 2006.
18. Сафо Очил. Мустақиллик ва маънавий тарбия асослари. -Т.: Ўқитувчи, 1997.
19. Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. - Т.: Ўзбекистон, 1997.
20. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. 1-китоб. -Т.: Шарқ, 2000.
21. Фозилова С., Юлдошева У. Мустақиллик қошоналари. Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. -Т.: 2002.
22. Хайруллаев М. Ўрта Осиёда илк Уйғониш даври маданияти. -Т.: Фан, 1994.
23. Ўзбекистон совет мустамлакачилари даврида.2-китоб. -Т.: Шарқ, 2000.
24. Ҳожи Исмаилов Абдуллоҳ. Марказий Осиёда Ислам маданияти. -Т.: Шарқ, 2005.

Интернетдан маълумот олиш мумкин бўлган сайтлар:

1. www.istedod.uz
2. www.pedagog.uz
3. www.kutubxona.uz
4. www.ilm.uz

«МАДАНИЯТШУНОСЛИК» ФАНИДАН ГЛОССАРИЙ

Билим - инсон онгида акс этган объектив борлиқ.

Ватан-(арабча-она юрт)-инсон яшаб турган, униб-ўсган жой, ҳудуд, ижтимоий муҳит, мамлакат.

Ватанпарварлик-кишининг ўзи туғилиб ўсган, камол топган жой, замин, ўлкага бўлган меҳр-муҳаббатини, муносабатларини ифода этадиган ижтимоий ва маънавий-ахлоқий хислатлари, фапзилатлари.

Давлат рамзлари-давлат мустақиллигининг шартли равишда белгиловчи ташқи белги, нишона ёки тимсоллардир. Бу муайян давлатнинг байроғи, герби, миллий валютаси ва мадҳиясидир.

Дин-(арабча-ишонч, ишонмоқ)-олий мавжудотга нисбатан муносабат, тасаввур, урф-одат ва маросимлар мажмуи.

Зардуштийлик – Марказий Осиёдаги қадимги диний-фалсафий таълимот. Унда икки асос: ёвўзлик ва эзгуликнинг кураши ҳақида сўз юритилади. Асосчиси – Зардушт.

Инсонпарварлик-(арабча “инсон”, форс-тожикча “парвар”, ўзбекча “лик”-кишига ғамхўрлик қилиш)-одам қадри, эрки учун курашиш, инсонийликнинг барча тамойиллари юзага чиқишига шарт-шароит яратиш.

Истиқлол-(арабча кўзтарилиш, қаддини ростлаш, ўсиш)-ҳар бир инсон, жамоа, давлат, миллатнинг ривожланиши учун зарур эркинлик шароити.

Комил инсон-(арабча-етук одам)-миллий мафкурамизнинг асосий ғояларидан бири. Шахсни баркамол қилиш орқали жамиятни бахтли, саодатли қилиш ғояси.

Маданият-(арабча “шаҳарга оид”)-кишиларни табиат ва борлиқни ўзлаштириш жараёнида яратган моддий ва маънавий бойликлари мажмуи.

Мафкур-(арабча-фикрлаш, фикрламоқ)-жамиятнинг, давлатнинг, ижтимоий гуруҳнинг яқин ва узоқ келажакка мўлжалланган фикрлар, ғоялар ва қарашлар мажмуи.

Маънавият-(арабча-маънолар мажмуи)-кишиларнинг фалсафий, ҳуқуқий, эстетик, бадиий, ахлоқий, диний тасаввурлари ва тушунчалари мажмуи.

Маърифат-(арабча-билмоқ)-кишиларни онгини, билимини оширишга қаратилган фаолият.

Маҳалла-(арабча-жой, ўрин, макон)-мамлакатимиздаги аҳоли яшайдиган маъмурий-ҳудудий бирлик, уюшма.

Миллий маданият-муайян миллатни тарихан шаклланган ахлоқий, диний, илмий, бадиий, фалсафий, мафкуравий қарашлари.

Миллий салоҳият-миллатнинг мавжуд иқтисодий, илмий, маданий, маънавий ва бошқа имкониятлари.

Миллий қадриятлар-миллат учун муҳим ва жиддий аҳамиятга эга жиҳатлар, хусусиятлар, моддий ва маънавий бойликлар.

Монийлик- III асрда Эронда вужудга келган уруш ва қон тўкмаслик, мол-дунё йиғмаслик ғоясини кўтариб чиққан диний таълимот.

Мустақиллик-(арабча-тобе эмаслик, ихтиёри ўзидалиқ, қарам эмаслик)-эркин ва озод равишда бошқаларнинг раҳбарлигисиз иш юрита билиш. Давлат мустақиллиги эса-муайян давлатнинг иқтисодий, сиёсий, маънавий эркинлигидир.

Фан - билиш фаолиятининг янги, объектив, системали тарзда уюшган билимлар ишлаб чиқишга йўналтирилган алоҳида тури.

Фан-техника тараққиёти — фан ва техниканинг бирлашиши билан тавсифланадиган ишлаб чиқариш кучларининг сифат жиҳатидан ривожланиши.

Шарқ Ренессанси – VII-XII ва XIV-XV асрларда араб Шарқида ва Марказий Осиёда маънавий ва маданий қадриятларнинг тикланиши, фалсафа ва фан, адабиёт ва санъатнинг жадал ривожланиши даври.

Қадриятлар-борлиқ, жамият, нарса-ҳодисалар, модий ва маънавий бойликларни аҳамиятини кўрсатиш учун қўлланиладиган тушунча.

Ғоя-(арабча ўй)-оламни ўзлаштириш натижасида шаклланган ва амалий ҳаракатга чорлайдиган фикр, ният ва мақсад.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
Фан бўйича рейтинг ишланмаси ва баҳолаш мезони	6
Фанни ўқитишнинг концептуал асослари.....	7
Лекциялар курси	9
1-мавзу: Маданиятшунослик фанининг мақсади ва вазифалари	9
2-мавзу: Маданият ривожланишининг асосий қонуниятлари.....	14
3-мавзу: Марказий Осиё халқларининг қадимги маданияти.....	21
4-мавзу: Ислом маданияти.....	28
5-мавзу: Марказий Осиё Уйғониш даври фалсафасида дунёвий маданият..	34
6-мавзу: Темур ва темурийлар даври маданияти.....	39
7-мавзу: Туркистонда маърифатчилик маданияти.....	46
8-мавзу: Миллий истиқлол ва Ўзбекистонда маданий тараққиёт.....	51
Амалий машғулотлари	58
Талабалар мустақил иш топшириқлари	64
Фан юзасидан назорат саволлари ва тестлар.....	67
Ўтилган мавзулар бўйича якуний хулосалар	74
Фан бўйича ечимини кутаётган илмий муаммолар	74
Информацион таъминот.....	75
Глоссарий	76
Мундарижа	77



МАДАНИЯТШУНОСЛИК